

323
Ф 25



**ФАРЗАНД – АЗИЗ,
ОНА – МУЎТАБАРА**



Жондан азиз Ватанимизнинг тақдири, келажакимиз бугун униб-ўсиб келаётган ёш авлодга, унинг жисмоний ва маънавий камолотига боғлиқ эканини ҳар бир юртдошимиз тобора теран англаб бораётгани барчамизни чексиз қувонтиради ва янги эзгу ишларимизни давом эттиришга, аввало униб-ўсиб келаётган ёшларимизга, ҳаётимиз кўрки, меҳр-муҳаббат тимсоли бўлган барча оналарга нисбатан эътиборни янада кучайтиришга даъват этади.

Ислом КАРИМОВ



Муҳтарам китобхон!

Ҳаёт деб аталувчи буюк воқелик ҳақида, унинг абдийлиги ҳақида мушоҳада қилсак, ўйимизда, шубҳасиз, Она ва Бола гавдаланади.

Зеро, ҳаёт бир занжир бўлса, оналар ва болалар — унинг ҳалқалари, ҳаёт бир шода бўлса, она ва бола унинг дуру гавҳарларидир.

Истиқлол кўлаб тарихий қадриятларимиз қаторида оналик ва болалик қадриятларини ҳам асл ҳолида тиклаш имкониятини берди. Республикамизда янги асрнинг биринчи йили Оналар ва болалар йили деб аталиб, хонадонларимиз чароғи, ҳаёт давомчиси бўлган мунис оналар ва истиқболимиз эгалари — фарзандларга кўрсатилаётган ғамхўрлик янада кучайтирилди. Бу тадбир буюк келажакни фақат соғлом ва баркамол авлодгина бунёд эта олади, деган ҳақиқат ҳаётимизда изчил ва мустаҳкам қарор топаётганининг яна бир тасдиғидир.

Президентимизнинг бу соҳадаги ташаббуси ҳам рамзий, ҳам моҳиятан чуқур маънога эга. Қўлингиздаги китоб ана шу муҳим ташаббуснинг ҳаётга қандай татбиқ этилаётганини ёритишга бағишланган.

Тўпладан Ислом Каримовнинг оналар ва болалар саломатлигини таъминлаш юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари, ҳукуватимизнинг “Она ва бола” Давлат дастури тўғрисидаги Қарори, Давлат дастури бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги мақолалар, етакчи мутахассисларнинг тавсияномалари, шунингдек, буюк мутафаккирларнинг ҳикматлари, таълиқли шоирларнинг шеърлари, халқ оғзаки ижодидан намуналар ва бадиалар ўрин олган.



ФАРЗАНД-АЗИЗ,
ОНА-МУЪТАБАР

TATU KUTUBXONASI
363428-SONLI

ТОШКЕНТ- "ЎЗБЕКИСТОН"
2001

66.3(5У)

Ф 26

Таҳрир ҳайъати:

Васила КАРИМОВА
Ойниса МУСУРМОНОВА
Хайриддин СУЛТОНОВ
Рустам ШОҒУЛОМОВ

Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ
Маматкул ҲАЗРАТҚУЛОВ
Шодикул ҲАМРОЕВ
Ғаффор ҲОТАМОВ

Ф 080400000-88 2001
М 351 (04) 2001

ISBN 5-640-02958-7

© “ЎЗБЕКИСТОН” нашриёти, 2001.



ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ
АРДОБИДА

66.3(5У)

Ф 26

Таҳрир ҳайъати:

Васила КАРИМОВА
Ойниса МУСУРМОНОВА
Хайриддин СУЛТОНОВ
Рустам ШОҒУЛОМОВ

Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ
Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ
Шодикул ҲАМРОЕВ
Ғаффор ҲОТАМОВ

Ф 0804000000-88 2001
М 351 (04) 2001

ISBN 5-640-02958-7

© “ЎЗБЕКИСТОН” нашриёти, 2001.



ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ
АРДОБИДА

66.3(5У)

Ф 26

Таҳрир ҳайъати:

Васила КАРИМОВА
Ойниса МУСУРМОНОВА
Хайриддин СУЛТОНОВ
Рустам ШОҒУЛОМОВ

Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ
Маматкул ҲАЗРАТҚУЛОВ
Шодикул ҲАМРОЕВ
Ғаффор ҲОТАМОВ

Ф $\frac{080400000-88}{M 351 (04) 2001}$ 2001

ISBN 5-640-02958-7

© “ЎЗБЕКИСТОН” нашриёти, 2001.



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2000 ЙИЛ 7 ДЕКАБРДА ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 8 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИДАН

Ҳурматли юртдошлар!

Бундан роппа-роса бир йил муқаддам мана шу муҳташам залда, сизлар билан кенгашиб, 2000 йилни яхши ниятлар билан Соғлом авлод йили деб эълон қилган эдик.

Бундан кўзлаган асосий мақсадимиз — барчамизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлган фарзандларимизни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол, эл-юрт учун чин дилдан қайғуриб яшайдиган инсонлар қилиб тарбиялаш, миллатимиз, халқимиз тақдири ва келажагига дахлдор бўлган бу муҳим масалага масъулият ҳиссини шакллантиришдан иборат эди.

Ана шу эзгу мақсадларга эришиш, бу соҳадаги ишларни қатъий режа асосида амалга ошириш учун махсус Давлат дастури қабул қилинган эди.

Бундай улкан вазифалар ижросини таъминлаш учун бир йил жуда қисқа муддат эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз, албатта. Лекин шунга қарамай, йил давомида Давлат дастурида белгиланган олти йўналиш бўйича кўп-кўп ишлар амалга оширилганини, ёш авлод тарбиясида салмоқли ўзгаришлар рўй берганини эътироф этмоқ лозим.

Айниқса, дастурда белгиланган биринчи йўналиш — соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароит яратиш юзасидан қилинган ишларни алоҳида таъкидлаш даркор, деб ўйлайман.

Бугунги кунда “Оналик мактаби”, “Тиббий ишлар асоси”, “Балоғат даври” каби бир қанча дастурлар ҳаётга жорий этилмоқда.

Шунингдек, “Оила кодекси”га биноан никоҳ қуришдан олдин ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш, ёш оилалар учун дастлабки, беш йил мобайнида диспансер назоратини ташкил этиш ишлари йўлга қўйилиб, бунга 170 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Ҳозирги пайтда ҳар бир шаҳар ва тумандаги Никоҳни қайд этиш бўлимлари қошида ёшларга оила, унинг муқаддаслиги, унинг масъулияти, фарзанд тарбияси каби ўта муҳим масалалар тўғрисида зарур маълумот ва сабоқ берадиган “Оила дорилфунунлари” очилгани, қисқа вақт ичида уларда 20 мингдан зиёд йигит-қиз қатнашгани эътиборга молик.

Дастурда кўзда тутилган иккинчи муҳим йўналиш — давлат, жамият ва оиланинг соғлом зурриёт тарбияси учун эътибор ва ғамхўрлигини ошириш бўйича ҳам катта ишлар қилинди.

Жумладан, алоҳида эътибор талаб қиладиган ҳудудларда “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси томонидан қарийб 20 минг оила, 30 мингдан зиёд турмуш қураётган йигит-қиз тиббий патронаждан ўтказилди ва уларга ҳомийлик тиббий ёрдами кўрсатилди. 5 миллиондан зиёд фарзанд кўриш ёшидаги аёллар, 6 ёшгача бўлган болаларнинг қарийб 98 фоизи ҳар томонлама тиббий кўриқдан ўтказилиб, даволанишга муҳ-

тож бўлганлари диспансер назоратига олинди ва уларни соғломлаштириш ишлари давом этмоқда.

Ушбу жамғарма орқали 6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги мурувват ёрдамнинг туғруқхоналар ва болалар тиббий муассасаларини энг замонавий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар билан узлуксиз таъминлашга қаратилгани ҳам соғлом зурриётни дунёга келтириш борасидаги муҳим қадам бўлди.

Шу билан бирга, Республика гинекология-акушерлик илмий-тадқиқот институтининг Жиззах, Нукус, Қарши ва Наманган шаҳар бўлимлари ташкил этилди. Айни вақтда Тошкент, Андижон, Нукус, Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Термиз каби қатор шаҳарларда энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган “Она ва бола скрининги” тиббий марказлари ишлай бошлагани ҳам диққатга сазовордир.

Бу дастурни беш йил давомида амалга ошириш мўлжалланган бўлиб, фақат шу йилнинг ўзидаёқ унга 440 минг АҚШ доллари сарфланди.

Соғлом авлод дастурининг бошқа йўналишларида ҳам, шу жумладан болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг таълим олиши, ҳар томонлама камол топиши, туғма касалликларга дучор бўлган ногиронларга ҳар томонлама ёрдам бериш бўйича ҳам муайян ишлар қилинди.

Тошкент шаҳрида лойиҳа қиймати 12 миллион АҚШ долларига тенг бўлган “СОС—Ўзбекистон болалар маҳалласи”нинг бунёд этила бошлагани, унинг биринчи навбати қурилиши учун 2 миллион доллар маблағ сарфланиб, ишга туширилгани ҳам бу борадаги жиддий ютуқ бўлди.

Ҳаммангизга маълумки, мамлакатимизда ҳар йили илк бор мактаб остонасига қадам қўядиган 600 минг-

дан зиёд ўғил-қизларимизни дарсликлар ва бошқа ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш яхши анъанага айланиб қолди.

Жорий йилнинг ўзида умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчиларини, “Меҳрибонлик уйлари”, мактаб-интернатлар ва ногирон болалар учун ихтисослаштирилган ўқув масканлари тарбияланувчиларини 11 турдаги дарслик, ўқув анжомлари билан таъминлашга 2 миллиард 508 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Шу билан бирга, замонавий лицей ва коллежлар барпо этиш каби Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича амалга ошираётган улкан ишларимиз ҳам соғлом авлод тарбиясига хизмат қилмоқда.

Соғлом авлодни вояга етказишда жисмоний тарбия ва спортнинг нечоғли аҳамиятга эга экани ҳаммамизга аён. Талаба ёшлар ўртасида иккинчи бор ўтказилган “Алпомиш ўйинлари”, “Универсиада-2000” мусобақалари, маҳалла болалари футбол командалари ўртасидаги мамлакат биринчилиги, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси томонидан ташкил қилинган теннис турнири каби кўплаб спорт тадбирлари ўғил-қизларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашда, уларнинг спортга бўлган қизиқишини янада кучайтиришда муҳим омил бўлди.

Соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш йўлида, эртанги буюк келажагимизни кўзлаб амалга ошираётган мана шундай эзгу ва хайрли ишларимиз ҳақида кўп гапиришимиз мумкин.

Лекин Соғлом авлод дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш натижасида, мана шу хайрли ва савобли ишлар туфайли кенг жамоатчилик онгида, халқимиз дунёқарашида соғлом авлод масаласига бўлган муносабат тубдан ўзгариб бормоқда.

Жондан азиз Ватанзимизнинг тақдири, келажагимиз бугун униб-ўсиб келаётган ёш авлодга, унинг жисмоний ва маънавий камолотига боғлиқ эканини ҳар бир юртдошимиз тобора теран англаб бораётгани барчамизни чексиз қувонтиради ва янги эзгу ишларимизни давом эттиришга, аввало, униб-ўсиб келаётган ёшларимизга, ҳаётимиз кўрки, меҳр-муҳаббат тимсоли бўлган барча оналарга нисбатан эътиборни янада кучайтиришга давват этади.

Қадрли юртдошлар!

Шу муносабат билан мен XXI асрнинг биринчи йилини, яъни кириб келаётган 2001 йилни мамлакатимизда Оналар ва болалар йили деб эълон қилишни таклиф этмоқчиман.

Кириб келаётган янги йилнинг ҳар жиҳатдан хайрли, саховатли ва баракали бўлишини умид қилиб, унга мана шундай ном беришимизнинг амалий, керак бўлса, рамзий маъноси бор.

Бунинг рамзий маъноси шундан иборатки, Янги йилни Яратганимизнинг буюк муъжизаси бўлган, барчамизни шу ёруғ дунёга келтириб ўзининг бутун борлигини бағишлайдиган ҳаёт давомчиси бўлмиш Оналар ва жондан азиз болаларимиз тимсолида кўришимиз, ўйлайманки, жамоатчилигимизга, халқимизга маъқул келади.

Бунинг амалий маъноси шундан иборатки, биз Соғлом авлод йили деб номлаган 2000 йил мобайнида қилган барча эзгу ва савобли ишларимизни янги йилда ҳам давом эттиришимиз зарур.

Бу соҳада амалга ошираётган ишларимизнинг ижобий таъсири юртимизда яшаётган барча одамлар тақдирида, ҳар бир оила, ҳар бир хонадон ҳаётида сезилиши даркор.

Янги йилда ҳам бошлаган хайрли ишларимизнинг давомини кўришимиз, яъни жамиятимизни, керак бўлса, ҳаётимизни соғломлаштириш борасида барча белгиланган лойиҳа ва режаларимизни рўёбга чиқариш, охирига етказиш зарур. Бундай ишлар ҳали жуда кўп маблағ ва энг муҳими, жуда катта эътиборимизни талаб қилади.

Содда қилиб айтганда, бошлаган ишларимиз ва ҳаракатларимиз ярим йўлда қолиб кетмаслиги керак.

Шу маънода жорий йилда бошлаган оналар ва болалар манфаатига дахлдор барча тадбирларни нафақат давом эттириш, балки янада кучайтириш лозим.

Шу муносабат билан илгари ҳам тилга олинган, олдимизда турган баъзи масала ва муаммоларга алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман.

Бу борада биз, аввало, Аллоҳ таолонинг марҳамати билан она бағрида вужудга келган зурриётнинг соғлом ҳолда ривожланиши, уни энг замонавий тиббий воситалар ёрдамида кузатиб бориш ва парваришлашни, пировард натижада онанинг саломатлигини сақлаб, боланинг ҳам соғлом туғилиши учун зарур шарт-шароит яратишни ўзимизнинг доимий вазифамиз, деб билишимиз керак.

Шунингдек, туғилган гўдакни дунёга келган кунидан бошлабоқ тиббий назоратга олиш, уни турли касалликлар, соғлом ўсишига раҳна соладиган салбий таъсирлардан асраш, бундай ҳолатларнинг олдини олиш ҳам ниҳоятда муҳимлиги ҳаммамизга аён.

Бунинг учун болани ривожланган давлатлардагидек, бир йил мобайнида доимий тиббий назорат қилиб бориш, турли касалликларга қарши эмлаш ва бошқа тадбирларни мунтазам амалга ошириш лозим.

Оналар ва болалар йилининг асосий вазифалари ҳақида гапирганда, болани гўдаклигидан ҳам жисмо-

ний, ҳам маънавий жиҳатдан тўғри тарбиялашни, бу даврда замонавий медицина, педагогика, психология фанлари тавсияларини ҳар қайси оилада жорий қилиш айниқса зарурлигини тушуниб олишимиз лозим.

Фарзандларимизнинг онги шаклланадиган мактаб ёшигача бўлган даврда ота-боболаримиздан қолган урф-одатлар, гўзал қадриятлар ва замонавий тарбия усулларига амал қилган ҳолда тарбиялаш, уларни кўз ўнгида очилаётган дунё мўъжизалари билан таништириб бориш барча ота-оналар ва тарбиячиларимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи керак.

Айниқса, бошланғич синфларда ўқиётган даврда ўғил-қизларимизга билим бериш, уларни миллий руҳда тарбиялаш билан бирга болаларимизнинг чет тилларга, умуминсоний қадриятларга ҳам қизиқишини уйғотиш зарур.

Бошқача айтганда, мана шу барча жараёнларда она ва боланинг ҳаёти бир-бирига узвий боғлиқлигини, она ва оиланинг болага таъсири, унинг айнан шу муҳитда ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан озиқ олишини ҳеч қачон унутмаслик керак. Чунки, бола деганда, биз унинг балоғат ёшигача бўлган, яъни ота-онасининг бағрида, ота-онаси паноҳида яшайдиган даврини тушунамиз.

Ҳеч шубҳасиз, Оналар ва болалар йилида кўзлаган эзгу ниятларимизни амалга ошириш учун ҳукуратимиз томонидан, шу масалага дахлдор бўлган барча мутасадди ташкилот ва идоралар, авваламбор, кенг жамоатчилигимиз, турли нодавлат ташкилотлар, хайрия жамғармаларини бу савобли ишга жалб этган ҳолда, амалий бир дастур ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу дастурни амалга оширишда бошқарув органлари, жойлардаги ҳокимликлар, идора ва муассасалар, барча

ташкilotларнинг, бир сўз билан айтганда, бутун халқимизнинг фаол иштирокини кўзда тутиш даркор.

Ишонаманки, Янги йилимизни мана шундай улув ва хайрли орзу-ниятлар, қўлимиздан келгунча савобли ишлар билан кутиб олаётганимиз, бу хайрли ишларга шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг саъй-ҳаракатини жалб этишимиз йил давомида ўз мевасини, ўз самарасини беради, иншоолло.

Бу жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси зиммасига оилани, оналаримиз, умр йўлдошимиз, азиз фарзандларимизни янада қадрлаш, уларни асраб-авайлаш борасида жуда катта масъулият юклайди.

Ўз оиласи, ўғил-қизларининг камоли, бахт-саодати учун меҳнат қилиш, уларни ҳимоялаш, ўйлайманки, ҳар бир эркак зотининг энг асосий ва муқаддас бурчидир.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

“ОНА ВА БОЛА” ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

2001 йил Ўзбекистон Республикасида “Она ва бола йили” деб эълон қилиниши муносабати билан ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 19 декабрдаги Ф-1306-сон фармойишига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Республика комиссияси томонидан Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган “Она ва бола” Давлат дастури тасдиқлансин.

“Она ва бола” Давлат дастури тадбирлари республика ва маҳаллий бюджетларда тасдиқланган аниқ манбалар ҳамда бажарувчиларнинг маблағлари билан таъминланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Давлат дастурининг асосий мақсадлари ва вазифалари ҳисоблансин:

дастурда мўлжалланган чора-тадбирларнинг оила манфаатлари амалга оширилишини таъминлаш, аёлларнинг манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган Давлат дастурларига, “Соғлом авлод”

дастурига мувофиқ амалга оширилаётган барча лойиҳалар ва тадбирларнинг бундан буён амалга оширилиши, тўлиқ тугалланишига эришилиши билан мустаҳкам ўзаро алоқасини таъминлаш;

она соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом бола туғилиши масалаларига эътиборни кучайтириш, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, профилактика тадбирларини мунтазам ўтказиш ёрдамида амалда тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда она ва болани парвариш қилиш тизимини яратиш;

ҳар томонлама жисмоний, маънавий ва ақл-заковатли болалар камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларда педагогика ва психологиянинг замонавий усуллари қўллаш асосида қатъий билимлар, эркин фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, атроф муҳитнинг бойлиги ва хилма-хиллиги, жаҳон маданияти билан кенг таништириш;

энг яхши анъаналаримиз ва урф-одатларимиз асосида болаларни Ватанга ва халққа муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда ота-оналар, таълим муассасалари ва маҳаллаларнинг ролини кучайтириш;

мустаҳкам ва соғлом оилани шакллантириш учун зарур шароитлар яратиш, болани тарбиялаш, жисмоний ва маънавий ривожлантиришда она ва оиланинг ролини кучайтириш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда тасдиқланган “Она ва бола” Давлат дастури қоидалари асосида ҳамда минтақа ва тармоқларнинг

ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бир ой муддатда тегишли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқсинлар, уларда аниқ чора-тадбирларни ва бажарилиш муддатларини назарда тутсинлар ҳамда уларнинг амалга оширилишини қаттиқ назорат остига олсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари, Ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва жамоат ташкилотлари:

тасдиқланган “Она ва бола” Давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг ўз муддатларида сўзсиз бажарилишини таъминласинлар;

йилнинг ҳар чорагида ўз мажлисларида “Соғлом авлод” ва “Она ва бола” Давлат дастурларининг бажарилишини кўриб чиқсинлар;

йилнинг ҳар чораги якунларига кўра ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунигача Вазирлар Маҳкамасига тасдиқланган дастурий топшириқларнинг амалга оширилиши якунлари тўғрисида таҳлилий ахборот тақдим этсинлар.

5. “Она ва бола” Давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 19 декабрдаги Ф-1306-сон фармойиши билан ташкил этилган Республика комиссиясига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси ҳамда Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекси котибиятлари ва “Соғлом авлод учун” Ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси тузилмалари Республика комиссиясининг ишчи органи этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси, “Ўзтелерадио” компанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, республика оммавий ахборот воситалари “Она ва бола” Давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг роли ва аҳамияти кенг тушунтирилишини таъминласинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.КАРИМОВ

*Тошкент шаҳри,
2001 йил 5 февраль*



МИЛЛИЙ ВА ИНСОНИЙ БУРЧГА АЙЛАНГАН ВАЗИФА

“ОНА ВА БОЛА” ДАВЛАТ ДАСТУРИГА ШАРҲ

Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида амалга оширилаётган туб ислохотларда “давлат — бош ислохотчи” тамойили нақадар ҳаётий экани йил ўтган сайин тасдиқланиб бормоқда. Бу тарихий жараёнда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган янгиликлар теран илмий негизга эгаллиги, амалий ишлар пухта ўйланган тизим-тартиб асосида олиб борилаётгани эътиборни тортади.

“Бизнинг эзгу ниятимиз — келажаги буюк давлат ва эркин жамият қуриш. Бизнинг тараққиёт стратегиямиз соғлом авлод тарбиясига таянади ва уни ривожлантиришга қаратилган”, — Юртбошимизнинг бу пурмаъно сўзларида мустақиллик йилларида миллат генофондини соғломлаштириш, она ва бола ижтимоий муҳофазасини таъминлаш йўлида бажарилаётган кенг кўламли ишларнинг асл моҳияти ифодалаб берилган.

Мамлакатимизда янги — XXI асрнинг биринчи йили — 2001 йил Оналар ва болалар йили бўлиб тарихга киради. Шу муносабат билан махсус Давлат дастури қабул қилинди.

Мустақиллик даврида қабул қилинган барча Давлат дастурлари каби, “Она ва бола” Давлат дастури бутун

жамият, ҳар бир оила, ҳар бир ота-она манфаатларидан келиб чиқиб, ҳар бир моддаси тўла бажарилиши учун етарли асос билан тузилган.

Оналар ва болалар саломатлигига давлатимиз томонидан бу қадар эътибор берилишининг боиси нимада? Юртбошимиз мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар кўзлаган мақсадга олиб бориши учун иккита шартни алоҳида таъкидлайди: **Биринчи шарт** — инсоннинг, ота-онанинг тафаккурини ўзгартиришдан иборат. **Иккинчи шарт** — моддий асосни яхшилаш. Одамлар ҳаётини фаровон қилиш, имкониятларини кенгайтириш, тиббиётнинг моддий асосларини мустаҳкамлаш, яъни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, шаҳарларда, узоқ қишлоқларда ҳам замон талабларига мос шарт-шароит яратиш.

Мана шу шартлардан келиб чиқадиган масъулият дастурни ҳаётга изчил жорий этиш жараёнига бутун жамиятни сафарбар қилишни тақозо этади ва бу муваффақият гарови бўлади. Бинобарин, “Она ва бола” Давлат дастури бутун жамиятни наинки жисмоний, балки маънавий юксалишнинг янги поғонасига кўтаришга илҳомлантирувчи ва кўмаклашувчи ҳаётбахш омилдир. Дастур асосий мақсадлари ва вазифаларининг ҳаётийлиги, туб эҳтиёжлардан келиб чиққанлиги учун у долзарб, шунинг учун истиқболга эга.

Айтилганларнинг далили сифатида Дастур матнига муурожаат этайлик:

“Дастурда мўлжалланган чора-тадбирларнинг оила манфаатлари амалга оширилишини таъминлаш, аёлларнинг манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган Давлат дастурларига, “Соғлом авлод” дастурига мувофиқ амалга оширилаётган барча лойи-

Одамнинг қалбида неки олижаноб туйғулар мавжуд бўлса, улар аввало Онадандир.

Ислом КАРИМОВ

ҳалар ва тадбирларнинг бундан буён амалга оширилиши, тўлиқ тугалланиши билан мустаҳкам ўзаро алоқасини таъминлаш;

она соғлиғини мустаҳкамлаш ва соғлом бола туғилиши масалаларига эътиборни кучайтириш, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, профилактика тадбирларини мунтазам амалга ошириш воситасида амалда тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда болани парвариш қилиш тизимини яратиш;

ҳар томонлама: жисмоний, маънавий соғлом ва ақлзаковатли болалар камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларда педагогика ва психологиянинг замонавий усулларини қўллаш асосида қатъий билимлар, эркин фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, уларни атроф муҳитнинг бойлиги ва хилма-хиллиги, жаҳон маданияти билан кенг таништириш;

энг яхши анъаналаримиз ва урф-одатларимиз асосида болаларни Ватанга ва халққа муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда ота-оналар, таълим муассасалари ва маҳаллаларнинг ролини кучайтириш;

мустаҳкам ва соғлом оилани шакллантириш учун зарур шароитлар яратиш, болани тарбиялаш, жисмоний ва маънавий ривожлантиришда она ва оиланинг ролини кучайтириш”.

Мазкур асосий мақсадлар ва вазифалар давлат дастурининг олтига муҳим йўналиши ўзанида ҳаётга татбиқ этилади.

Дастур йўналишлари билан қисқача танишиб ўтайлик:

Биринчи йўналиш: ҳомиладор аёллар саломатлигини яхшилаш ва соғлом бола туғилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ёрдамида уларни кузатиб бориш ва парвариш қилиш.

Маълумки, “Соғлом авлод” Давлат дастурининг биринчи йўналиши “Соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитларни такомиллаштириш ва оилада юксак маънавий муҳитни ривожлантириш” тарзида белгиланган эди. “Она ва бола” Давлат дастурининг биринчи йўналиши эса моҳиятан уни тўлдириб, янги босқичга кўтаради. Шунинг учун ҳам биринчи йўналиш “Соғлом авлод” Давлат дастурида белгиланган бир қанча тадбирлар амалга оширилишини шарҳлаш билан бошланади. Юртбошимиз 2001 йилни мамлакатимизда Оналар ва болалар йили деб эълон қилар экан, “Бунинг амалий маъноси шундан иборатки, биз Соғлом авлод йили деб номлаган 2000 йил мобайнида қилган барча эзгу ва савобли ишларимизни янги йилда давом эттиришимиз зарур.

Бу соҳада амалга ошираётган ишларимизнинг ижобий таъсири юртимизда яшаётган барча одамлар тақдирини, ҳар бир оила, ҳар бир хонадон ҳаётида сезилиши даркор.

Янги йилда ҳам бошлаган хайрли ишларимизнинг давомини кўришимиз, яъни жамиятимизни, керак бўлса, ҳаётимизни соғломлаштириш борасида барча белгиланган лойиҳа ва режаларимизни рўёбга чиқариш ва охири-

Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт.

Ислоом КАРИМОВ

га етказиш зарур. Бундай ишлар ҳали жуда кўп маблағ ва энг муҳими, жуда катта эътиборимизни талаб қилади.

Содда қилиб айтганда, бошлаган ишларимиз, ҳаракатларимиз ярим йўлда қолиб кетмаслиги керак.

Шу маънода жорий йилда бошланган оналар ва болалар манфаатига дахлдор барча тадбирларни нафақат давом эттириш, балки янада кучайтириш лозим”, — деб таъкидлагани бежиз эмас.

Ҳақиқатан ҳам, тинчлик, сиҳат-саломатлик, бунёдкорлик ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан изчил олға интилаётган Ўзбекистон халқининг ҳаёти мазмунига айланиб улгургани дунё ҳамжамияти томонидан эътироф қилинмоқда. Республика раҳбарияти халқ манфаатига мувофиқ тушадиган эзгу ишларда собит эканини она ва бола ижтимоий муҳофазаси соҳасининг тадрижий равишда такомиллаштириб борилишида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, ҳозиргина эслаганимиз — “Соғлом авлод” давлат дастурининг биринчи йўналишини ёдда тутган ҳолда, яна бир эзгу ишга эътибор қаратайлик. Бу — “1998-2002 йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг “Она ва бола скрининги давлат дастури”дир. У Вазирлар Маҳкамасининг “Болалиқдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун янги туғилган чақалоқлар ҳамда ҳомиладор аёлларда туғма ва бошқа паталогияни барвақт аниқлаш бўйича “Она ва бола скрининги” давлат тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори

(1998 йил 1 апрелдаги 140-сонли қарор) билан тасдиқланган. Бу икки ҳужжат ўртасида чуқур мантиқий изчиллик яққол кўзга ташланади: “Соғлом авлод” Давлат дастурининг биринчи йўналишида асосий эътибор жамиятнинг асоси ва ривожини белгилайдиган бош омил бўлмиш оилага, “Она ва бола скрининги” Давлат дастурида ҳомилага ҳамда янги туғилган чақалоққа қаратилган бўлса, “Она ва бола” Давлат дастурининг биринчи йўналишида ҳомиладор аёллар диққат марказида туради.

Қадимдан шаклланган миллий қадриятларимиз силсиласида ҳомиладор ёки эмизикли аёлга, унинг бағрида унаётган зурриётга эътибор алоҳида ўрин эгаллайди. Халқимизга хос донолик, одамийлик фалсафаси, ўзига хос руҳшунослик шунга даъват этади. Бир сўз билан айтганда, бу муносабат онани ва шу орқали инсонни, халқни улуғлаш демакдир.

Мустақиллик шарофати туфайли халқимизнинг бу гўзал фазилати янгича талқин билан юзага чиқмоқда. Айни меҳр-шафқат билан одамийлик бутун мамлакат миқёсида намоён бўлмоқда. Бу маънавий қадриятлар илмий ёндашув, янги иншоотлар ва муассасалар ҳамда энг замонавий тиббий техника воситаларида моддий ифодасини ҳам топмоқда.

Биринчи йўналишда белгиланганидек, репродуктив саломатлик кучайтирилса, такомиллаштирилса ва соғлом оила шакллантирилса, соғлом болалар туғилиши учун чинакам шароит яратилган деб ҳисобланади. Туғиш оралиғи 3-4 йилни ташкил этса, она саломатлиги учун ҳам, туғилажак бола учун ҳам яхши бўлади. Бу муддат она дилбандини оқ ювиб, оқ тараб, барча зарур тарбиявий юмушларга улгуриши учун ҳам зарур. Она

боласини камида 2-3 йил эмизиб улғайтириши керак. Дастлабки ҳомиладорлик учун энг мувофиқ муддат — 20-30 ёш оралиғидир. 20 ёшда қизлар она бўлиш учун ҳар томонлама етиладилар. Ҳомила ҳам, эмизикли бола ҳам ҳамма озикни онадан олади. Шу сабабли она саломатлиги бола саломатлигининг гаровидир.

Бу тамойилларнинг барчаси аҳоли, айниқса, оналар ўртасида мунтазам тиббий-психологик тарғибот ишларини олиб боришни талаб этади. Шундай қилиб, тиббий-психологик маърифатнинг баланд савияда бўлиши охир-оқибат боланинг саломат ўсишида муҳим омил ва зифасини ўтайди.

Аллоҳ фарзанд ато этганини сезиши билан бўлажак она биринчи навбатда шифокорга учраши, унинг тавсияси асосида тиббий текширувдан ўтиши лозим. Бу иш вақтида қилинса, рўй бериши мумкин бўлган нохушликларнинг олдини олиш имконияти бой берилмайди. Қолаверса, ҳомила ҳам бус-бутун организм — у врач назоратини талаб этади. Унинг ривожланишида меъёрдан четга чиқиш рўй берса, муолажа лозим. Худди шу боис бўлғуси она шифокорга қанча эрта учраса, керакли муолажалар, малакали тиббий ёрдам шу қадар самарали бўлади.

Ҳар бир кўзи ёриган аёл туғруқхонадан чиққач, уни уч кундан сўнг биринчи марта, ўн кундан кейин эса иккинчи марта худудий шифокор келиб кўриши, учинчи марта эса ўзи боласини олиб поликлиникага бориши лозим. Ҳар бир она бунга амал қилиши керак. Биринчидан, бу даврда чақалоқнинг кичик чилласи чиққан бўлади, иккинчидан, гўдак эмланади. Эмлаш фақат поликлиникада амалга оширилишини унутмаслик, шунинг учун бу муҳим тадбир муддатини ўтказиб юбор-

**Онанининг қорнидаёқ гўдакни қил эҳтиёт
Унга бирор офат етмай, туғилсин у барҳаёт.**

Ибн СИНО

маслик керак. Эмлашнинг бола саломатлигини таъминлашдаги аҳамиятини эса изоҳлашга ҳожат йўқ.

Ҳаётий эҳтиёждан келиб чиққан ана шу тадбирларнинг амалга оширилиши билан олинаётган ва кутилаётган натижалар дастурнинг биринчи йўналиши маъносини тўлиқ ифодалайди:

- аёллар ва болалар соғлиғи мустаҳкамланади,
- оналар ва болалар ўлими даражаси пасаяди,
- болалиқдан ногиронлар сони камаяди,
- кўз ёриш пайтида ва туғишдан кейин вужудга келиши мумкин бўлган асоратлар олди олинади.

Хуллас, миллат генофонди (зоти) муттасил яхшиланиб боради.

Ҳомиладор аёллар ва илк ёшдаги гўдаклар соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида қишлоқ тиббий муассасаларини замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаш жуда муҳим тадбирдир. Мана шу мақсадга қаратилган инновация лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш айниқса эътиборга молик. Чунки бундай ташаббуслар даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлайди. Бу эса дастурнинг муҳим мақсадларидан биридир.

Болалар учун юқори сифатли сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни таъминлаш, аёллар ва болалар касалланиши, жумладан, камқонликнинг олдини олиш ва даражасини пасайтириш, оналар ва болаларга ташхис

қўйишни ва даволаш-профилактика ёрдами кўрсатишни яхшилаш, меҳнат тўғрисидаги амалда бўлган қонун ҳужжатларини халқаро меъёрлар билан уйғунлаштириш — Дастурнинг биринчи йўналишига мувофиқ амалга ошириладиган тадбирлар бўлиб, ҳозирдан оқ уларнинг натижалари аҳолининг турмуш тарзига сингиб, ҳаёт воқелигига айлана бошлади.

Дастурдаги иккинчи йўналиш: бола туғилган пайдан бошлаб доимий тиббий назорат ўрнатиш, соғлом ўсиши учун хавф туғдирадиган салбий таъсирлардан уни ҳимоя қилиш, турли хил касалликларга қарши мунтазам равишда эмлаб бориш ва бошқа профилактика тадбирларини ўтказиш.

Инсон туғилиши борлиқнинг буюк байрами, ҳаётнинг энг катта шодлигидир. Фарзанд дунёга келиши билан боғлиқ миллий маросимларимиз борки, уларнинг теран фалсафаси ва мукамал эстетикаси биринчи танишгани ҳайратга солади, чуқурроқ танишган сайин мафтун қилади. Бола туғилганда суюнчи тортиқ қилинади. Бешик тўйининг ўзи қандай гўзал маросим. Ўрни келганда, чилла тушунчаси ҳақида қисқача тўхталайлик. Уни аслида Шарқ фалсафасининг минг йиллик тажрибасига асосланган категорияси, деса бўлади. Чилла туққан аёлни ҳам, чақалоқни ҳам наинки тиббий, балки руҳий эътибор билан ҳам авайлаб-асраш, маросим даражасига кўтарилган жисмоний ва руҳий гигиена, ўзига хос муҳофаза, профилактика тизимидир.

“Она ва бола” дастурини шарҳлар эканмиз, бу ҳужжат билан ана шу халқона фалсафа ўртасида узвийликни кўрамиз.

Дастурда белгиланган тадбирлар моҳияти ҳақида мушоҳада юритганда, улардан қандай натижалар кутили-

ши анланганда, бир ҳақиқат яна ҳам ёрқинроқ намоён бўлади. Мустақил фикрли, тафаккури тиниқ, эътиқоди бутун, баркамол шахсина улуг вазифаларни рўёбга чиқара олади. Бинобарин, онанинг ҳар томонлама етук бўлиши, дунёқарашининг теранлиги, маънавий дунёсининг бойлиги соғлом авлод тарбиясида алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам Давлат дастурида она ва бола шароитини ҳар томонлама яхшилашга имкон яратадиган ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий тадбирларга катта эътибор берилган.

Бола туғилган дақиқадан эътиборан доимий тиббий назоратда бўлади, соғлом ўсишига халақит берувчи салбий таъсирлардан муҳофаза этилади, профилактика чоралари билан қамраб олинади, яъни ижтимоий ғамхўрлик марказида бўлади. Фақат бу эзгу ниятли тадбирлар алал-оқибат онанинг истеъдоди орқалигина муваффақиятли равишда юзага чиқади. Шунинг учун дастурда онанинг саломатлиги ва боласини озиклантириш қобилиятини таъминловчи чора-тадбирларга алоҳида эътибор берилган. Хусусан, унинг таркибида махсус “Соғлом бола тарбиялашнинг гигиеник асослари” дастури мавжудки, унда бола мўтадил ўсишида она сунининг аҳамияти, озик-овқат маҳсулотларидаги йод моддасининг саломатликдаги роли каби омилларни билиш учун аҳолининг тиббий саводхонлик даражасини ўстириш, соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш мақсад қилиб қўйилади. Бу дастурда, шунингдек, янги туғилган чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш, инфекциялар ва касалликлар профилактикаси, ота-оналарнинг соғлом фарзанд тарбиялаш бўйича малака ва билимлари савиясини кўтариш, туғма патологиялар Давлат регистрини ташкил этиш ва доимий кузатуви (мониторинги)ни

жорий этиш кўзда тутилади. Туғма патологик ҳолатларнинг тарқалиш даражасини белгилаш, фертиль ёшдаги аёллар ва болалар саломатлиги кўрсаткичларини яхшилаш, анемия билан касалланишни камайтириш соҳасида муваффақиятнинг гарови аҳолининг тиббий саводхонлиги даражасига боғлиқдир.

Давлат дастурининг ушбу бўлимида асосий эътибор ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган кам таъминланган оилаларнинг болаларини соғломлаштириш, турли нуқсонлар билан туғилган болаларни даволаш ва реабилитация қилиш, боқувчисиз қолган ёш болали оналарни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Дастурнинг яна бир эътиборга молик томони шундаки, аввалги йилларда анъанага айланиб қолганидек, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган турли марказлар, санаторий ва даволаш муассасаларининг қурилиши ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланишидир. Бундай масканлар ва улардаги хизмат турларидан юртимизнинг барча оналари ва фарзандлари манфаатдор бўладилар.

Ҳа, жамият миқёсидаги ҳар қандай орзу-ният, ҳар қандай дастур амалга ошиши, биринчи навбатда, масъул бажарувчиларнинг элпарварлиги, ғайрат-шижоатлари, фидокорлиги орқали, айни пайтда бутун жамиятнинг бир тан, бир жон бўлиб интилиши, уюшқоқлиги ва матонатли меҳнати туфайли рўёбга чиқади. Мана яна дастурда белгиланган муҳим ишлар: соғлиқни сақлаш тизимини маҳаллий хом ашёдан олинадиган юқори сифатли дори-дармон воситалари билан янада тўлиқроқ

таъминлаш, республикада полиомиелит устидан ўрнатилган назоратнинг жаҳон стандартларига мувофиқлиги, бу соҳадаги натижаларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилиши, замонавий тиббиёт технологиялари соҳасида амалиётчи шифокорлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, болаларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг ташкилий жиҳатларини яхшилаш, аёллар ва болалар жисмоний функционал ҳолатини профилактика қилиш ва тиклаш, соғломлаштириш учун тегишли шарт-шароитларни яхшилаш — булар барчасига халқнинг фаол иштироки ва мутасаддиларнинг уддабурролиги билан эришилади.

Учинчи йўналиш: болаларни гўдаклик ёшидан бошлаб жисмоний ва маънавий жиҳатдан тўғри тарбиялаш, ҳар бир оилада замонавий тиббиёт, педагогика ва психология тавсияларининг бажарилишини таъминлаш.

Энг катта, энг эзгу масалалар ҳал қилиниши, яна бир карра такрорлаймиз, инсон омилига боғлиқ. “Она ва бола” Давлат дастурининг тўла миқёсда ҳаётга татбиқ этилиши ҳам, бир жиҳатдан, ҳар бир ота-онанинг, ҳар бир оиланинг туғилажак, туғилган ва вояга етаётган фарзанди, жигарбанди олдидаги масъулиятига бориб уланади.

Машҳур нақл кўп эсланади, уни ҳамма билади. Лекин унинг асл маъносини ҳамisha тўлиқ уқамизми?

Бир ота Ибн Сино хузурига бориб:

— Ўғлимнинг тарбиясини қачондан бошласам тўғри бўлади? — деб сўрайди.

— Ўғлингиз неча ойлик?

— Олти ойлик.

— Унда олти ойга кечикибсиз! — дейди буюк ҳаким.

Буюк табиб ва донишманд болани туғилган пайтидан бошлабоқ тарбия қилиш зарурлигини уқтиради.

Қарангки, орадан минг йил ўтиб, замонавий илм-фан, медицина Ибн Сино ўгитини тасдиқламоқда: бола тарбиясини узлуксиз тизимга айлантириш тарзида кун тартибига қўймоқда. Улуғ аждодимиз таълимига амал қилиб, мамлакатимизда ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ҳомиланинг соғлом ривожланишини таъминлаш, “онанинг саломатлигини сақлаб, боланинг ҳам соғлом туғилиши учун зарур шарт-шароит яратиш”, бола соғлигини “бир йил мобайнида доимий тиббий назорат қилиб бориш, турли касалликларга қарши эмлаш ва бошқа тадбирларни мунтазам амалга ошириш” йўлга қўйилмоқда. Пировард мақсад — соғлом турмуш тарзи қарор топсин.

Демак, Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида давлатимиз қудратига қудрат қўшиш, халқимизнинг юксак маънавиятини шакллантириш баробарида ота-онанинг оила, фарзандлар олдидаги ижтимоий ва шахсий жавобгарлигини ошириш, ўз-ўзини бошқариш тизимини такомиллаштириш дастури ҳам амалга оширилмоқда. Олдимизда турган улкан ижтимоий вазифаларни, жумладан, миллат генофондини соғломлаштиришдек ҳаёт-мамот вазифасини бажаришда бутун жамият, ҳар бир ота-она, ҳар бир ўғил-қиздан юксак онг ва маданият талаб этилади. Бу омил жамиятимиздаги улкан имкониятларга эга салоҳиятдир. Уни ҳаракатга келтириш, зарур томонга йўналтириш “Соғлом авлод” дастури ва унинг узвий давоми бўлган “Она ва бола” дастурининг ҳам муваффақиятини таъминлаши шубҳасиз.

“Оналар ва болалар йилининг асосий вазифалари ҳақида гапирганда, болани гўдаклигидан ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан тўғри тарбиялашни, бу даврда замонавий медицина, педагогика, психология фанлари

тавсияларини ҳар қайси оилада жорий қилиш айниқса зарурлигини тушуниб олишимиз зарур”, — деб уқтиради Юртбошимиз.

Учинчи йўналиш тадбирларини изчиллик билан амалга ошириш натижаси ўлароқ, дастурда кўзда тутилганидек, касалманд аёллар ва болалар ўз вақтида аниқланади ва соғломлаштирилади, оилавий гигиена маданияти оширилади, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, болаларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан ривожлантириш ишлари яхшиланади. Болалар тарбияси соҳасида ҳам ота-оналар масъулияти оширилади. Она ва бола саломатлиги, болаларни туғилганидан балоғат ёшига етгунча тарбиялаш масалалари бўйича аҳолининг кенг доирасига мўлжалланган рисоалар, буклетлар ва бошқа китоблар чиқарилади. Аёлларда соғлом турмуш тарзи ҳақида тўғри тасаввурлар шакллантирилади, бунинг натижасида соғлом турмуш тарзи мустаҳкамланади, ўсиб келаётган авлодни жисмоний, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан тарбиялаш учун муҳит яратилади, ногирон болалар учун қулай маданий-маиший шарт-шароитлар юзага келтирилади, аёллар ва болаларнинг дам олиш имкониятлари кўпайтирилади. Аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари кўллаб-қувватлаб борилади. Икки ёшгача болалари бўлган ва ишлаётган аёлларнинг иш берувчилар олдидаги имтиёзли ҳуқуқларини таъминлашга эътибор кучайтирилади.

Бу тадбирлар ҳақиқатан ҳам республикамизда турмушнинг ҳар тарафлама тўқис кечиши учун ишончли кафолатларга айланади.

Тўртинчи йўналиш: мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашда ота-оналар ва мураббийларнинг ролини кучай-

тириш, токи улар аждодларимиздан мерос бўлиб қолган анъаналар ва урф-одатлар асосида миллий қадриятларга нисбатан ҳурмат руҳида, педагогиканинг замонавий усулларини қўллаб тарбиялансин, теварак-атрофдаги оламнинг бойлиги ва хилма-хиллиги ҳақида кенг билимга эга бўлиб вояга етсин.

Мустақиллик шароитида мактабгача таълим ва тарбияга алоҳида эътибор берилмоқда. Маълумки, тарбиянинг илк босқичи боланинг шахс бўлиб шаклланишига асос, пойдевор куради. У тўғри қурилса, боланинг келгусида камолга етиши табиий бўлади ва тарбия самара беради. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ана шу эзгу ишга қаратилган. У, айримлар тушунганидек, муаллимлар ва ўқувчиларнигина эмас, айти пайтда ота-оналарни, барча давлат ва жамоат ташкилотларини, маҳаллани, яна ҳам аниқроғи, бутун жамиятни сафарбар этишни кўзда тутати. Шундай бўлмоқда ҳам. “Она ва бола” Давлат дастурининг тўртинчи йўналиши миллий таълим моделига жо бўлган бой имкониятни рўёбга чиқариши лозим. Бу имконият орқали “Она ва бола” дастури ҳам ҳаётга фаол кириб бораётганини мамнуният билан қайд этамиз.

Бугунги кунда мактабгача таълим-тарбияда ота-оналар ва мураббийлар ўрни жуда ўсиб кетган. Шундай экан, бу ўриннинг самараси тайин натижада — болада шакллантирилган **фазилатлар**да намоён бўлади. Боланинг қалбига кичик ёшидан бошлаб катта эзгу мақсадларни сингдирмоқ лозим.

Кичик эрканимдин келиб қошима,
Улуғ муддао солдингиз бошима, —

дейди Алишер Навоий ҳазратлари устозларига эҳтиром билан. Мурғак ўғил-қизларимизга боболардан мерос анъаналар ва урф-одатлар замиридаги ҳикматларни муфассал англатиш, уларни аждодлари, етти пушти, ота-онасини биладиган, қадрлайдиган, эътиқодли инсонлар қилиб вояга етказиш бурчдир. Истиклолимизни севадиган, унинг қаҳрамонларини эъзозлайдиган, миллий давлатчилигимиз, Президентимиз, Конституциямизга онг, қалб, руҳ ила боғланган ҳақиқий ватанпарварлар — зиммасидаги масъулият ва бурчни бир дақиқа бўлса ҳам ёдидан чиқармайдиган кишилар мўъжизалар яратишга қодир. Бундай мўъжизалардан энг улуғи Ватанини гуллатиб-яшнатишдир.

Мактабгача муассасаларда таълим-тарбиявий жараён мукамал ташкил этилиши, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар амалга оширилиши, жумладан “Мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш ва тарбиялашга давлат томонидан қўйиладиган талаблар” ҳаётга татбиқ қилиниши лозим. Шунда болаларнинг ривожланиши ана шу талаблар мезонларига тўлиқ жавоб берадиган бўлади. “Она ва бола” дастурининг тўртинчи йўналишига мувофиқ тадбирлар натижасида фарзандни мактабга тайёрлашда ота-оналар масъулияти ошади, уларга таълим-тарбиявий таъсир кўрсатишда методик ёрдам берилади, болалари биринчи марта мактабга бораётган ота-оналарга кўмаклашилади, оила ва маҳалла ҳамкорлиги таъминланади; ота-оналар ва тарбиячиларга ёрдам сифатида ишлаб чиқилган психологик-педагогик тавсияномалар тарқатилади ҳамда янги педагогик технологиялар жорий этилади, тарбиячиларнинг педагогик маҳорати оши-

риб борилади ва илғор тажрибалар ёйилади. Шунингдек, соғлом авлодни тарбиялашда, болалар касалликларининг олдини олишда, мактабгача ёшдаги болаларни теварак-атрофдаги олам билан таништиришда оналар, мактаблар, корхоналар ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликларнинг фаолияти мувофиқлаштирилади.

Дастурда белгиланган яна муҳим вазифалар бу — мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш, уларда мантиқий фикрлаш қобилиятини шакллантириш. Булардан ташқари, болаларни театр санъатига жалб этиш, уларда миллий қадриятлар, анъаналар, урф-одатларга ҳурмат туйғусини кучайтириш, тафаккурини теварак-атрофга доир маълумотлар ва билимлар билан бойитиш кўзда тутилади.

Бугунги техника ва технология асрида, бозор муносабатлари шароитида болаларда кичик ёшдан китобга муҳаббат туйғусини сингдириш, уларни китобга интилиш, китобдан билим ва руҳий озик олишга ўргатиш муҳимдир. Бу миллий ва умуминсоний қадриятларга фаол ижобий муносабатни тарбиялашнинг синалган воситасидир. Худди шунинг учун дастурда энг кичик ёшдан болаларни китоб ўқишга ўргатишга алоҳида эътибор қаратилган.

Мана шундай чора-тадбирлар миллий истиқлол ғояларини фарзандларимизнинг қон-қонига сингдиришга, демак, уларни баркамол қилиб тарбиялашга имкон яратади.

Бешинчи йўналиш: болаларда, хусусан, улар бошланғич синфларда таълим олаётган даврда билимлар билан биргаликда миллий анъаналар ва қадриятларга ҳурмат

билан муносабатда бўлишни, шунингдек, кенг дунёқарашни, чет тилларга ва умуминсоний маданиятга қизиқишни шакллантириш.

Илк ёшлардан то мактабгача ёшда, тўртинчи йўналишга мувофиқ, болада шахс бўлиб вояга етиш асослари шаклланса, бу жараённинг фаол босқичи мактабнинг қўйи синфларида бошланади. Мактабда бериладиган таълим-тарбия талаб даражасида йўлга қўйилса, бола мустақил фикрли, масъулият туйғуси кучли шахсга айлана боради. Кичик ёшдан, ўқувчилик давридан ўқишга, меҳнатга, жисмоний тарбия ва спортга, оила юмушларига қизиққан ва малака орттира бошлаган бола асло кам бўлмайди, мана шу фазилатлар боис у кейинчалик ҳаётда катта муваффақиятларни қўлга кирита билади, ўзини ҳам саодатга элтади, атрофидагиларга ва бутун халқига ҳам нафи тегади.

Дастур, шунингдек, илк ёшлардан бошлабоқ кичкинтойларнинг чет тилларни ўрганиши учун шарт-шароитлар яратиш, бошланғич синф болаларини замонавий техникага ошно руҳида тарбиялаш, кенг дунёқарашни, жаҳон халқлари маданиятига қизиқиш ва умуминсоний қадриятларга ҳурматни ривожлантириш каби тамойилларни назарда тутадик, булар фарзандларимизни дунё билан бўладиган мулоқотга тайёрлайди.

Ўқувчиларнинг бошланғич синфлардан компьютер каби замонавий ахборот воситалари билан танишуви, компьютер саводхонлигини таъминлаш, бунинг учун информатика асосларини жадаллаштирилган усулда ўргатиш дастурини ишлаб чиқиш ҳам белгиланган. Бу “Она ва бола” Давлат дастури таълим-тарбия соҳасида

истиқболий қамровга эга эканини — келажакка йўналтирилганини кўрсатади.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессиясида Юртбошимиз мамлакатимизда Интернет тизими ёйилишини жадаллаштириш, республикамизнинг умумжаҳон ахборот алмашуви тизимига қўшилишини тезлаштириш, бу соҳадаги ишларни замонавий талаблар даражасига кўтаришни таъминлаш заруриятига эътиборни қаратиб, бу эҳтиёжни амалга ошириш учун имкониятимиз ҳам, салоҳият ва қувватимиз ҳам етарли эканини таъкидлади. Бу ҳақда ҳукуматимиз махсус қарор қабул қилди. “Она ва бола” Давлат дастурининг биз назарда тутаётган 83-бандининг бажарилиши эса мамлакатимиз аҳолисини замонавий ахборот воситаларидан эркин фойдаланишга тайёрлайди.

Шундай қилиб, “Она ва бола” дастурининг бешинчи йўналишини ташкил этувчи тизим таълим-тарбия жараёнида изчиллик, босқичма-босқич ривожланиш — тадрижийликни таъминлаш имконини беради. Натижада:

- болалар ва ўсмирларда дунёқарашни ва умуминсоний қадриятларга қизиқишни ривожлантириш кучаяди;
- ҳуқуқий онг, тафаккур ва маданият тарбияланади;
- оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича билимлар ва амалий кўникмалар даражаси оширилади;
- ажодларимиз меросини ўрганишга қизиқиш кучайтирилади;
- болалар чет тилларни ўрганишлари учун шарт-шароитлар яратилади;

— бошланғич синфлар ўқувчиларига замонавий технологиялар ҳақида тушунча берилади, умуминсоний маданиятга бўлган қизиқиши кучайтириб борилади;

— оила ва мактабда таълим ва тарбиянинг анъанавий шакллари қайта тикланади, ўғил-қизлар умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланади;

— етим болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш даражаси кўтарилади;

— кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган — ўқувчиларни қайтариб бериладиган кутубхона дарсликлари билан таъминлаш тизими яратилади;

— ўқувчилар Ватанга муҳаббат, Мустақилликка, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбияланади, уларнинг тафаккури ва илмий дунёқарashi ривожлантирилади.

Олтинчи йўналиш: бола тарбиясида унинг балоғат ёшига етгунга қадар жисмоний ва маънавий ривожланишида она ва оиланинг ролини, бу жараённинг барча бўғинида она ва боланинг маънавий алоқасини кучайтириш.

Ҳар томонлама уйғун ривожланган инсон тарбияси йўлида қилинаётган ишлар мамлакатимиз эртанги кунининг муносиб намояндаларини камолга етказиш кафолатидир. Бола тарбиясида, унинг балоғат ёшига етгунга қадар жисмоний ва маънавий ривожланишида она ва оиланинг роли ошишига давлат даражасида аҳамият берилаётгани бу, ҳақиқатан ҳам, таҳсинга лойиқ ижтимоий ҳодисадир. Оилада соғлом муносабатлар ва муҳитни шакллантиришга кўмаклашиш учун, Дастурга

мувофиқ, она ва қиз, ота ва ўғил, қайнота ва куёв, қайнона ва келин ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисидаги суҳбатлар, давра мулоқотлари шаклидан ҳам фойдаланилмоқда, радио, телевидение, газета ва журналлар орқали ҳам бу мавзулар ёритилмоқда. Бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг дастлабки ижобий самаралари ҳам кўзга ташланмоқда.

“Она ва бола” Давлат дастурининг яна бир муҳим қисми бу — юқори синф ўқувчиларини оилавий ҳаётга тайёрлаш дастуридир. Уни амалга ошириш самаралари эрта-индин қуриладиган оилаларнинг тўқис бахтида яққол кўринади, албатта.

Олтинчи йўналишга мансуб тадбирларнинг бажарилиши умуман “Она ва бола” дастурининг эзгу моҳиятини ва пировард мақсадини ўзида намоён этади.

Бу мақсад — ҳар томонлама баркамол авлод, том маънодаги Шахсларни тарбиялаш.

Аждодлардан бизга мерос бўлган буюк концепция — комил инсонни вояга етказиш ғояси бугун мустақил республикамизда назария ёки хусусий амалиёт ҳолатидан давлат сиёсатининг объекти мавқеига кўтарилиди. Аслида бу ҳам “Ўтиш даврида — Давлат бош ислохотчи” тамойилининг яна бир ҳаётий ифодасидир. Миллий истиқлол ғояси ана шу давлат сиёсатини умумхалқ интилишига — миллий ғояга айлантиради. Бу борада “Она ва бола йили” деб эълон қилинган 2001 йил тараққиётимизнинг муҳим босқичи бўлиб тарихга киради.

Тарих эса улкан карвон. У ўз қонунлари асосида олға босишдан, мақсадга интилишдан чекинмайди. Ҳар биримизнинг бурчимиз — ана шу карвондан ортда қол-

маслик, унинг йўлини имкони борича равонлаштириш, одимини тезлаштириш, оналар ва болалар ҳар томонлама соғлом, бахтли, некбин бўлишлари учун барча шарт-шароитни яратиш йўлида ақлу заковат, фидойилик билан меҳнат қилиш.

Зеро, замон карвонининг манзили — фарзандларимизнинг иқболи. Яъни бизнинг бахту саодатимиздир.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А. КАРИМОВГА

Азиз ва муҳтарам Ислом Абдуганиевич!

Сизнинг узоқни кўзлаган, халқимизнинг энг чуқур манфаатларини ўзида мужассам этган сиёсатингизнинг яна бир эпкинни — 2001 йилни “Оналар ва болалар” йили деб эълон қилишингиз бизни ғоят тўлқинлантирди. Конституция кунига бағишланган мажлисда иштирок этиб, сермазмун нутқингиздан олган дастлабки таассуротларимиз билан ўзаро ўртоқлашар эканмиз, самимий миннатдорчилигимизни изҳор этиш истаги қўлимизга қалам олишга ундади.

Биз, оналар ҳатто кичик бир оила ҳам мустақил яшай бошлаши осон эмаслигини яхши биламиз. Шунинг учун халқимиз ёш оилаларни, айниқса улар юкли, фарзандли бўлишганда, фарзандлари сафига фарзанд қўшилганда сира ёлғиз қолдирмайди, ўз ҳолига ташлаб қўймайди, ёш она-боланинг атрофида парвона бўлади.

Энди республикамиз мустақиллиги эълон қилинган даврни, иқтисодий қийинчилик устига қийинчилик, низо устига низо улашиб бораётган даврни эслайлик. Ўтаётган ўн йил ичида Сиз 25 миллионлик улкан оилани эркинликка, хурриятга олиб чиқдингиз. Юртимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, бало-қазолардан сақлаб, тинч-омон ободлик ва фаровонлик сари олиб бор-

моқдасиз. Бу улуг неъмат. Лекин ҳар қачон, ҳар қандай шароитда бўлмасин, биринчи навбатда, оналар саломатлиги, фарзандлар бахту иқболи тўғрисида қайғуришингизга шоҳидмиз ва бундан ифтихорланамиз. Сўнги йилларда бу соҳага берилаётган эътибор, ажратилаётган маблағлар, амалга оширилаётган ишларни бир-бир санасак, адоғига етмайди.

Янги минг йилликнинг биринчи йили “Оналар ва болалар” йили деб эълон қилиниши — ўзи буюк рамз. Зеро, оналар — ҳаётнинг ибтидоси, халқнинг меҳр чашмасидир, болалар — ҳаётнинг мақсади, халқнинг орзумидидир. Оналари хотиржам, болалари саломат юрт — Яратувчининг паноҳидаги юртдир. Оналари ва болалари давлат ардоғидаги халқ — омадли халқдир.

Биз, оналар, мана шуларнинг барчаси учун Сизга чин дилимиздан самимий миннатдорчилик билдирамиз. Фарзандларимиз бахтига доим соғ-саломат бўлинг, доим Сизга Тангри ёр бўлсин!

Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент давлат консерваторияси ўқитувчиси,

Сиёсатхон АБДУЛЛАЕВА,
Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги “Намуна” ж/х бригада бошлиғи,

Валерия КОЛЕСНИКОВА,
Навоий вилояти, Навоий шаҳар 2-сон болалар поликлиникасининг бош шифокори,

Манзура МАДАЛИЕВА,
Фарғона вилояти, Кўқон шаҳри, 10-мактаб математика ўқитувчиси,

Муқаддас ХОЛИҚОВА,
Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, “Ўрта сарой” ширкат хўжалиги раиси,

Маржон ҚАРЛИБОЕВА,
Нукус шаҳри, меҳнат фахрийси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А. КАРИМОВГА

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Мамлакатимиз Конституциясининг саккиз йиллиги муносабати билан “Туркистон” саройидаги тантанали йиғилишда сўзлаган нутқингизни чуқур ҳаяжон билан тингладик. Янги — XXI асрнинг дастлабки йилини “Оналар ва болалар йили” деб эълон қилганингиз, “Барча Ўзбекистон болалари — менинг болаларим” деган қалб хитобингиз бизни шу қадар ҳаяжонга солдики, севинч ёшларимизни тия олмадик.

Авваламбор шуни айтмоқчимизки, Ватанимизнинг тинчлиги ва ободлиги, халқимизнинг хотиржамлиги, саломатлиги, бирлиги ва тараққиёти йўлида фидойилик билан куну тун тиним билмай заҳмат чекаётганингизни биз, оналар бошқалардан кўра кўпроқ аниқ-равшан ҳис этиб турибмиз. Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги, миллатимизнинг истиқболи йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарасини кўрганда, кўз олдимизда биринчи бўлиб Сизнинг жонкуяр, фидойи сиймонгиз гавдаланади.

Дунёда оналар ва болалар бахти ҳақида қайғуришдан ҳам улуғроқ иш бўлмаса керак. Ўз аёлларини эъзозлаган юрт файзга тўлади, ўз фарзандлари тақдири ҳақида қайғурган миллатнинг келажаги ёруғ бўлади, бундай мамлакатга Яратган ҳам хайру барака ато этади.

Болаларимизнинг саломатлиги, ёшларимизнинг таълим-тарбияси билан шахсан ўзингиз шуғулланаётганингиз, уларнинг ҳар бирини ўз фарзандим дея меҳрибонлик билан бағрингизга босаётганингиз қалбларимизни гурур ва ифтихор туйғулари билан тўлдиради.

Биз, жиззахлик аёллар, истиқлолимизни вужуд-вужудимиз билан ардоқлаймиз, фарзандларимизни Ватанга фидойи, инсонпарвар, билимдон, меҳнатсевар, ўз Президенти ишига садоқатли этиб тарбиялашни, иймон-эътиқодли, аждодлар руҳига муносиб, миллат учун бор куч-ғайратини, иқтидору заковатини аямайдиган қилиб вояга етказишни шараф ва виждон иши деб биламиз, бу йўлда бор имконият ва маҳоратимизни ишга солаамиз, умримизни бахшида этамиз.

Оналар учун бундан ортиқ бахт йўқ!

Бизнинг Сизга қанот ва мададкор бўлиш ҳақидаги қароримиз қатъий.

Муқаддас рамазон ойида қилинган ният ижобат бўлмай: жонажон ватанимиз — Ўзбекистон бахтига, меҳнаткаш ва доно халқимиз бахтига, жонимиздан ҳам азиз бўлган фарзандларимиз бахтига ҳамиша соғу саломат бўлинг! Аллоҳ Сизни ўз паноҳида асрасин!

*Жиззах вилояти хотин-қизлар
қўмитаси фаоллари йиғилиши
қатнашчилари,
2000 йил 12 декабрь*



“УМИД” ЖАМҒАРМАСИ ГРАНТЛАРИ СОҲИБЛАРИГА

Азиз фарзандларим!

Сизларни танлов жараёнларида чуқур билим ва қобилиятингиз, мустақкам иродангизни намоён этиб, дунёнинг энг нуфузли илм даргоҳларида таҳсил олиш ҳуқуқини қўлга киритганингиз билан чин дилдан муборакбод этаман.

Илғор мамлакатларнинг тараққиёт борасидаги тажрибаларини пухта ўрганган, катта қунт ва сабот билан билим эгаллаган инсоннинг ҳаёти нурафшон ва мазмунли бўлади, ўз эли ва юртига албатта нафи тегади.

Ишончим комилки, сизлар ривожланган мамлакатларнинг етакчи университетларида таълим олиш билан бирга, Фарғоний, Хоразмий, Беруний, Улуғбек каби бутун дунё эътироф этган улуғ зотларнинг муносиб ворислари эканингизни, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган бу муборак замин фарзандлари ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганини ўзингизнинг юксак ақлзаковатингиз, илму салоҳиятингиз ва бой маънавиятингиз билан яна бир карра исбот этасиз.

Шу маънода, сиз, буюк келажагимиз пойдеворини янада мустақкамлашни ҳаётининг маъно-мазмунли деб билган зукко ўғил-қизларимизни халқимиз кўксига порлаган умид юлдузлари, десам асло муболага бўлмайди.

Шубҳа йўқки, ўқишни тугатиб, Ватанимизга қайт-
гач, олган билим ва тажрибаларингизни мамлакатимиз-
нинг янада гуллаб-яшнаши, заҳматкаш халқимиз ҳаёти-
ни фаровон қилиш йўлида сафарбар этасиз, эл-юртга
садоқатингиз, фидойилигингиз билан барча тенгдош-
ларингизга ибрат ва ўрнак бўласиз.

Азиз ўғил-қизларим!

Ҳар биримиз учун энг улуғ, энг азиз бўлган Муста-
қиллик байрами арафасида олис сафарга отланаётган-
нингиз чуқур рамзий маънога эга, деб ўйлайман. Ана
шу хайрли сафар олдидан барчангизни яна бир бор бағ-
римга босиб, оқ йўл тилайман. Аллоҳ таоло сизларни
ўз паноҳида асрасин, эзгу интилишларингиз амалга оши-
шида буюк боболаримизнинг ўлмас руҳи доимо мадад-
кор бўлсин!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Истиклол йилларида Сизнинг раҳбарлигингизда халқимизнинг асрий армонларини рўёбга чиқарувчи, келажагимизнинг буюклигини таъминловчи беқиёс ишлар амалга оширилди. Бугун она Ватанимиз довуғи бутун дунё бўйлаб таралмоқда.

Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватловчи “Умид” жамғармаси ёш авлодга ишонч ва меҳр-муҳаббат ифодаси бўлиб қолмай, уларнинг юксак парвоз қилишлари учун яратилган имкониятлардан биридир.

Бу ғамхўрлик замирида биз — ёшларнинг келажагига катта ишонч билан қараш, фарзандларимиз ҳеч кимдан кам бўлмасин, деган эзгу ният мужассам.

Юртимизнинг тинчлиги, осмонимизнинг мусаффолиги, ёшларнинг соғлом, баркамол авлод бўлиб вояга етишишини кўзлаб яратилган шарт-шароитлар учун Сизга таъзим қиламиз. Сизни донишманд йўлбошчимиз, биринчи мураббийимиз, тоғдек таянчимиз деб биламиз.

Бундай юксак ишончни ўзимизнинг аъло баҳоларда ўқишимиз билан оқлаймиз.

Биз бугун дунёнинг энг нуфузли университетларида билим олиш учун отланар эканмиз, шунга аминмизки,

халқимизнинг меҳрини, она Ватанимизнинг бетакрор жозибасини, мард ва донишманд Президентимизнинг азиз сиймосини доимо қалбимизда сақлаймиз, буюк тарих ва маданият юртининг фарзанди эканлигимизни ҳеч қачон унутмаймиз.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг юзлаб ўғил-қизлари хориждаги энг нуфузли олий ўқув юртларида билим олишмоқда. Сиз уларнинг салоҳиятига умид билан қараб, масъулиятли вазифаларни ишониб топшириш ҳақида айтган қатъиятли фикрлар ҳамиша бизга қанот бўлади.

Муҳтарам юртбошимиз!

Сиз таъкидлаб айтганингиздек, Ватан равнақи ва бахт-саодати йўлида ёниб яшаш инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Биз, Сиз юракдан орзу қилган, Ватан меҳрини ҳамма нарсадан юксак тутадиган, унинг шаън-шавкатини улуғлайдиган, обрў-эътиборини бутун дунёга ёядиган етук инсонлар бўлиб вояга етишга астойдил ҳаракат қиламиз. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, келажаги буюк давлат яратиш йўлида Сиз амалга ошираётган қутлуғ ишларга биз ҳам ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз, деб Сизни ишонтирамиз.

Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилаб, фарзандларингиз —

*2000-2001 ўқув йили якунлари бўйича
“Умид” жамғармаси грантларининг соҳиблари*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич!

Биз, “Умид” жамғармасининг бир гуруҳ совриндорлари, кўнглимизга эзгу туйғуларни солаётган Наврўз байрами арафасида, Сизга Ватанимиз ёшларининг ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлаётганингиз, уларнинг ҳар томонлама етук шахслар бўлиб етишишига кенг имкониятлар яратиб бераётганингиз, ёшлар камолоти йўлидаги оталарча ғамхўрлигингиз учун ўз миннатдорлигимизни билдиришга жазм этдик.

Истиқлол туфайли мамлакатимиз ҳаётида улкан тарихий воқеалар, онгу шууримизда кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватловчи “Умид” жамғармасининг ташкил этилишини ана шундай тарихий воқеалардан бири деб биламиз. Сизнинг ташаббусингиз билан фаолият кўрсата бошлаган ушбу жамғарма жонажон ватанимизда маънан ва жисмонан соғлом ҳамда илғор дунёвий билимларни пухта ўзлаштирган янги авлодни шакллантиришда ўзига хос ўрин тутмоқда. Бу Ўзбекистон ўз келажагини билим ва маърифат асосида қуришга киришганининг ёрқин ифодасидир.

Ватанимиз истиқболини, тараққиётини белгилашда биз, ёшларнинг ғайрат-шижоати, изланиши, ташаббускорлигига юксак ишонч ва умид билан қараётганингиз

ҳар биримизга катта масъулият юкламоқда. Мана шунинг ўзи ҳар биримизнинг дилимизда Сиз бошлаб бераётган улкан ўзгаришларнинг муносиб давомчилари бўлиб қолиш туйғусини жўштирмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг кўлами катта иқтідор ва дунёқарашни тақозо этади. Бу бизнинг хорижда олган билимларимизни амалиётда қўллаш, доимо изланишда бўлиш ва дунёқарашимизни бойитиб боришга ундамоқда.

Биз меҳнат қилаётган республика банк тизимида ислоҳотларни чуқурлаштириш, ривожланиш истиқболлари ва хизмат кўрсатиш даражасини жаҳон андозалари талабларига етказишда бор билим ва салоҳиятимизни ишга солишни ўз бурчимиз деб биламиз. Биз Сиз ва халқимиз томонидан билдирилган юксак ишонч ва яратилган имкониятларни ўз меҳнатимиз билан оқлашга ҳаракат қиламиз. Шунини ишонтириб айтамикки, биз суюкли Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги учун бор куч-ғайратимизни аямаймик.

Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг!

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида меҳнат қилаётган
“Умид” жамғармаси совриндорлари:*

Шухрат ҲАЙДАРОВ
Баҳром МИРКОМИЛОВ
Арманбой ЖУБАЕВ
Низомиддин МУРОДОВ
Шерзод МУМИНОВ

Муроджон ҒАНИЕВ
Даврон МАДИРИМОВ
Улуғбек ЖАББОРОВ
Нарзулло ОБЛОМУРОДОВ



ТОЖИБАР МАТБОБОЕВАГА

Хурматли Тожибар синглим!

Авалло, қизингиз Дилфуза эришган катта ютуқ — Японияда бўлиб ўтган халқаро расмлар кўрғазмасида биринчи ўринни кўлга киритгани билан Сизни ва барча оила аъзоларингизни табриклайман.

Юртимизнинг олис бир қишлоғида яшайдиган оддий ўзбек қизининг бу ютуғи бутун халқимизнинг, авваламбор, ҳаётга умид ва ишонч билан қадам кўяётган, униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг қувончи, миллий ғуруримизни оширадиган, маънавий салоҳиятимизни намоён этадиган яна бир далил, десам, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Менга йўллаган хатингизни ўқиб, сизнинг кўп-кўп қийинчиликлардан, ҳаёт синовларидан ўтган инсон эканингизни англадим. Лекин ҳар қандай қийин шароитда ҳам ўз инсонийлик фазилатларингизни сақлаб, бундай хусусиятларни фарзандларингизга, аввало, менинг набирам Дилфузага сингдирганингиз таҳсинга сазовордир.

Мамлакатимизда сиз каби ота-оналар кўпайиб бораётганини, улар сиймосида биз эртанги кунимизни, яъни болаларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод бўлиб камол топишида фидойилик кўрсатаётган инсонларнинг ҳиссасини кўриб, бениҳоя қувонамиз.

Бундай интилишлар билан яшаётган халқнинг ҳаёти албатта фаровон бўлади, бундай давлатнинг келажаги албатта буюк бўлади.

Аллоҳ таоло сизларни ўз паноҳида асрасин. Хонадонингиздан тинчлик-тотувлик, файзу барака, қувонч ари-масин.

Ҳурмат билан,

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*



“БАРКАМОЛ АВЛОД” СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Авваламбор, барчангизни “Баркамол авлод” нуфузли спорт мусобақаларида иштирок этиш, унинг дастлабки қатнашчилари бўлиш бахтига мушарраф бўлиб турганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бу мусобақалар юртимизда истиқлол йилларида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган олижаноб ишларимизнинг яна бир ёрқин натижасидир.

Шунинг учун ҳам мустақиллик руҳида униб-ўсиб келаётган навқирон авлоднинг ана шундай спорт анжуманида иштирок этиши, ўз кучи ва маҳоратини, олижаноб фазилатларини намоён этиши биз учун истиқлолимизнинг энг улуғ ютуқларидан биридир, десак асло муболаға бўлмайди.

Бугунги воқеа ўсмирларимиз ўртасидаги оммавий спорт мусобақаларига асос бўлаётгани, бу соҳада янги анъаналарни бошлаб бераётгани билан ҳам қадрлидир. У сизнинг нафақат жисмоний чиниқишингизга, балки ҳалол беллашувлар иштиёқи, ғалабалар қувончи билан яшашингизга, халқимизга хос мардлик, тантилик ва бағрикенглик хислатларини кўрсатиб, маънавиятингизнинг юксалишига ҳам хизмат қилади.

Шу маънода, халқимиз сизнинг сиймонгизда Ўзбекистон спортининг бўлажак юлдузларини, энг муҳими, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида яшайдиган, ўз Ватанининг азиз ва ардоқли фарзандлари бўлган навқирон ва баркамол авлодни кўради.

Сиздек билим ва курашга ташна ўғил-қизларимни бағримга босиб, айтмоқчиман: сиз — Алпомиш, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темура каби мард ва ботир инсонларнинг авлодсиз, сиз — буюк юрт фарзандларисиз.

Азиз болаларим!

Ишонаманки, сизлар бу ҳақиқатни нафақат спорт майдонларидаги ғалабаларингиз, балки ҳаётдаги эзгу интилишларингиз билан ҳам исбот этасиз.

Қалбингизни ғалаба иштиёқи ҳеч қачон тарк этмасин!

Барчангизга омад ёр бўлсин!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислон Абдуғаниевич!

Гўзал ва бетакрор юртимизнинг сўлим гўшаси — Жиззах заминида катта муваффақият билан ўтган “Баркамол авлод” спорт мусобақалари мамлакатимиз ёшларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир натижаси экани бизга алоҳида ғурур-ифтихор бахш этади. Бу спорт анжумани нафақат биз — мусобақа иштирокчилари, балки бутун мамлакатимиз ёшлари ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолиши шубҳасиз.

Мазкур мусобақалар Сизнинг “Болаларимиз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги керак” деган даъватингиз бугунги ҳаётимизда тобора амалий қиммат касб этиб бораётганини яна бир карра бутун дунёга намоиш этди. Бундай меҳрибонлик учун Сиздан бениҳоя миннатдоримиз.

Ёшликка хос шижоат ва гўзаллик байрамига айлаиб кетган спорт ўйинларида биз ўз кучимиз ва маҳоратимизни намоиш қилар эканмиз, юрт меҳри, Ватан ишончи инсон учун ҳамма нарсадан азиз ва муқаддас эканини чуқур ҳис этдик. Жисмоний жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам бир поғона ўсдик, улғайдик. Шунинг ўзи биз учун энг катта ғалабадир.

Ишончимиз комилки, Сизнинг ташаббусингиз билан ўтказилган “Баркамол авлод” мусобақалари хайр-

ли анъанага айланиб, мард, фидойи ва олижаноб инсонларни тарбиялашга хизмат қилади. Бу йўлда дастлабки қалдирғочлар бўлиш бахти бизга насиб этганидан ғоят бахтиёрмиз.

Биз бор куч-ғайратимиз ва маҳоратимизни Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлида сафарбар этишни ўзимизнинг фарзандлик бурчимиз деб биламиз.

*“Баркамол авлод” спорт мусобақалари қатнашчилари,
2001 йил 5 май, Жиззах шаҳри*



МАГИСТРАТУРА, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ БИРИНЧИ БИТИРУВЧИЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Аввало, замонавий билим даргоҳларининг илк қалдирғочлари бўлган сиз — илм ва ҳунар соҳибларини ўқишни муваффақиятли тамомлаганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Юртимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир ота-она ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида олижаноб инсоний фазилатларни намоён этишга қодир баркамол инсонларни кўради, уларнинг бахтлисаодатли бўлишини орзу қилади.

Биз ўз тақдиримизни кўлимизга олиб, янги ҳаёт, янги жамият қуришга, келажакимизни жаҳон ҳамжамиятининг узвий бир қисми сифатида барпо этишга азму қарор қилган дастлабки кунларданоқ бундай юксак мақсадларга эришишнинг энг муҳим шарти — ўз мустақил фикрига эга, мустаҳкам иродали, чуқур билимли, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш билан боғлиқ эканини теран англадик.

Ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида дастлабки, айна пайтда тарихий қадам бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқдик ва ҳаётга жорий этишга киришдик. Бу дастурнинг ўзбек таълим модели сифа-

тида бутун дунёда тан олинаётгани, бу соҳадаги ишларимизга бошқалар эътибор ва ҳавас билан қараётгани узоқни кўзлаб тузилган режаларимизнинг тўғри ва ҳаётийлигидан далолат беради.

Қадрли фарзандларим!

Яхши ният билан парвариш қилинган дарахтнинг дастлабки меваси ҳамиша тотли бўлади. Бугунги ҳаяжонли дамларда сиздек бахтиёр авлоднинг чехрасига боқиб, ана шундай улуг мақсадларимизнинг ширин меваси, олижаноб интилишларимизнинг илк нишонасини кўриб турибмиз, десак, асло муболаға бўлмайди.

Ўйлайманки, мустақил тараққиётимизнинг устувор йўналишини ташкил этадиган соғлом авлод ҳаракатининг дебочаси сифатида мана шундай улкан ўзгаришлар давридаги имкониятлардан баҳраманд бўлиш бахти айнан сизларга насиб этаётгани ўзига хос рамзий маънога эга.

Сизларнинг номингиз беқиёс янгилашишлар жараёнининг муҳим босқичидан шаҳодат бўлиб, буюк давлат қуришга интилаётган озод ва обод Ватанимизнинг янгитдан ёзилаётган тарихи саҳифаларидан жой олиши шубҳасиз.

Шуни ҳеч қачон унутмангки, навқирон авлоднинг хоҳиш-иродасини, жўшқин ва соф интилишларини ифода қиладиган сиздек ўғил-қизларимизни олдинда янги-янги имкониятлар, қанчадан-қанча зафарлар билан бирга, не-не синовлар, юксак довлар, мураккаб ва шарафли йўллар кутмоқда.

Сизлар ҳар қандай вазиятда ҳам юртимиз истиқлолининг, дунёда яккаю ягона бўлган она Ўзбекистонимизнинг фидойи ва жасур, билимдон ва бахтли фарзандлари бўлиб қолишингизни истардим. Мана шундай инсоний фазилятлар, бир умр комилликка интилиб

яшаш, касбга садоқат туйғуси сизларни асло тарк этмасин.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз айтганидек, азму шижоат, мардлик ва матонат доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

Бугун — ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингизнинг орзу-умидлари ушалган муборак кунда сизларга оқ йўл тилар эканман, олган билим ва тажрибангиз, одоб-ахлоқ, касб-ҳунар бобидаги камолингиз фақат яхшиликка, бунёдкорликка буюрсин, аввало ўзингизга, бутун эл-юртимизга бахту саодат келтирсин, дейман.

Мана шу унутилмас дамларда сизларга Яратгандан энг эзгу ниятларни тилаб қоламан.

Истиқлол ва тараққиёт йўлида қўйган қадамларингиз қутлуғ бўлсин.

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*



ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

Давлатимиз раҳбарининг магистратура, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг биринчи битирувчиларига йўллаган табригини ўқиб, муҳтарам Президентимизнинг биз, ёшларга бўлган қайноқ меҳрларини ҳис қилдик. Ахир, гурурга тўлмай бўладими — янгича таълим муассасасининг илк қалдирғочлари бўлиш бизга насиб этди. Назаримизда, XXI асрнинг биринчи йилида янгиланган билим билан қуролланиб, улкан келажак сари қадам қўяётгандаймиз. Бизни чексиз тўлқинлангирган, буюк орзулар сари қанотлангирган нарса бу — Юртбошимиз ишончи. Насиб этса, биз барчамиз ана шу умидни, албатта, рўёбга чиқарамиз.

Муҳайё АЛИМАРДОНОВА,

Саодат ЖАББОРОВА,

Дилфуза ҲОТАМОВА,

Ўзбекистон Миллий университети

қошидаги Сирожиддинов номли

академик лицей битирувчилари





ОНАНИ ЭЪЗОЛАШ-
КЕЛАЖАКНИ ЭЪЗОЛАШ



*Ойниса МУСУРМОНОВА,
“Соғлом авлод учун”
халқаро хайрия жамғармаси
Бошқаруви раиси*

ОИЛА, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ЭТИШ — БОШ МАСАЛА

Ўзбекистон тарихида XX асрнинг сўнгги 10 йили оламшумул ютуқлар даври бўлди.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маданий жабҳаларда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза этиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистонда адолатли, ҳуқуқий, демократик жамият қуриш жараёни шахдам қадамлар билан бораётган бир шароитда қонун устуворлигини таъминлаш замирида оила, оналик ва болаликнинг ҳуқуқий манфаатларини, оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда Конституцияга биноан “Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади” (65-модда). Шунингдек, “давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради” (64-модда).

Демак, мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги учун шарт-шароит яра-

тиш давлат томонидан кафолатланади. Шарқда улуг қадрият ҳисобланадиган, Ватанимизда жамиятнинг асосий негизи ҳисобланмиш оилага нисбатан давлатимиз сиёсати инсонпарварликнинг олий намунасидир.

Ер куррасининг кўпгина қитъаларида хотин-қизлар ва болаларнинг барча соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигига эришиш учун кураш кетаётган бир даврда мамлакатимизда хотин-қизлар эркаклар қатори меҳнат қилиш, улар билан тенг маош олиш, дам олиш, ижтимоий муҳофаза ва тиббий хизмат, суғурта ва иш жойида хавфсизликнинг таъминланишида тенгликлари мустақиллик йилларида қабул қилинган Меҳнат кодексида белгилаб берилди. Шунингдек, хотин-қизларни уларга мос келмайдиган ишларга жалб этиш, уларни турмушга чиқиш, ҳомиладорлик, фарзанд кўриш ёки ёш болани парвариш қилиш таътили муносабати билан ишдан бўшатиш, ҳомиладорлик вақтида ишга қабул қилмаслик ҳам қонун йўли билан тақиқланади.

Ҳомиладор, икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни енгил ишга ўтказиш, улар меҳнатидан тунги ишларда, иш вақтидан ташқари, дам олиш кунларида фойдаланиш ва уларни меҳнат сафарига юборишни чеклаш, ота-онасиз болаларни тарбияловчи шахсларга кафолатлар ва имтиёзлар ҳам берилиши мустақиллик шарофатидир.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида қабул қилинган “Оила Кодекси” шарқона ва умуминсоний ахлоқ нормалари муштарақлигида шаклланган, мустаҳкам, барқарор ва фаровон оилаларнинг манфаатларини таъминлашда муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлди.

“Оила Кодекси”да эр ва хотин мол-мулкининг шартномавий тартиби, никоҳ шартномаси, никоҳланувчи-

Она тўғрисида, унинг фарзанди тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлатимизнинг муқаддас бурчидир.

Ислоом КАРИМОВ

ларнинг ўзаро розилиги билан никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишлари, улардан биттаси таносил касаллиги ёки ВИЧ инфекцияси борлигини иккинчисидан яширган бўлса, алданган шахс никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиб судга мурожаат этиши мумкинлиги, қариндошлик ва куда-андачиликнинг ҳуқуқий асослари аниқ белгилаб берилгани жамиятимизнинг ҳар бир институти, ҳар бир фуқароси томонидан давлатимиз олиб бораётган оила сиёсатини муваффақиятли амалга оширилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шунингдек, кодексда ўз ифодасини топган ота-оналар ҳамда фарзандларнинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятларининг миллий маънавий қадриятларимиз асосида ифода этилиши кўп бўғинли оилалар ўртасида меҳроқибат, тинчлик, фаровонликнинг қарор топиши, оила аъзоларининг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳеч қандай монеликсиз амалга оширишларини таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий муҳофаза этиш тўғрисида”, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”, “Хотин-қизларга кўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги ва бошқа қатор қонунларнинг қабул қилиниши ҳам оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳуқуқий муҳофаза этилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, “Хотин-қизларга кўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги Қонунга

биноан давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиши лозим бўлган ишларда камида 20 йиллик иш стажига эга бўлган аёлларга 54 ёшга тўлганда ёши бўйича нафақа олиш ҳуқуқи берилди.

Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлайдиган аёлларга иш ҳақининг тўлиқ миқдори сақланган ҳолда ҳафталик иш вақти қисқартирилган — 35 соатдан ошмайдиган муддатга белгила-ниши соғлом болани тарбиялашга қаратилган яна бир эътибордан далолатдир.

Дунёдаги биронта мамлакатда аёллар, айниқса, бола-ли аёлларга давлат томонидан бунчалик катта имтиёз бе-рилмаган, у қонун йўли билан мустаҳкамланмаган бўлса керак. Мамлакатимиз аёллари мустақиллик туфайлиги-на бундай муҳим имтиёзлардан баҳраманд бўлдилар.

Албатта, хотин-қизларга бўлган бундай юксак эъзоз ва эътибор негизида аёлларнинг оиладаги, давлат ва жа-мият қурилишидаги ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини, оналик ва болаликни ҳар то-монлама муҳофаза этиш, уларнинг салоҳиятини янада кенгроқ намоён қилишлари учун шарт-шароитлар яра-тиш, оилада баркамол фарзандларни дунёга келтириш ва тарбиялашлари учун кенг имкониятлар очиб бериш-дек муҳим масалалар ўрин олган.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган қисқа дав-рида ижтимоий кўмак беришнинг тубдан янги ишонч-ли ижтимоий кафолатлари ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизими шаклланти-рилди. Бу тизимга кўра бундай ёрдамдан баҳраманд бўлувчилар асосан болалар ва кам таъминланган оила-лардир. Шу боис барча турдаги нафақалар ва моддий ёрдамни оила орқали етказиб бериш тизими яратилди.

Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига яхши тарбия бериш ва одоб ўргатишдан ортиқ ҳаёда қилолмайди.

Ҳадисдан

Болали, кам таъминланган, ногирон фарзанди бор оилалар, ота-оналарга давлатнинг ижтимоий кўмаги тизимининг вужудга келиши Юртбошимиз олға сурган мамлакатимиз тараққиётини белгиловчи тамойиллардан бири — “кучли ижтимоий сиёсат” тамойилининг амалдаги инъикосидир.

Республикамизнинг мустақиллик йилларида туғиш ёшидаги аёллар, оналар ва болаларни ижтимоий муҳофаза этишнинг ўзига хос тизими, жамият тараққиётининг “Ўзбек модели”га мос тизими ҳам шаклланди:

- туғишга қадар ва ундан сўнг оналарга бериладиган таътиллар ва нафақалар;
- бола туғилиши билан бериладиган нафақа;
- бола икки ёшга киргунга қадар уни парвариш қилиш учун бериладиган нафақа;
- Юртбошимизнинг 1996 йил 16 декабрдаги Фармонида биноан вояга етмаган 16 ёшгача бир нафар боласи бор оилаларга энг оз иш ҳақининг 50 фоизи; икки нафар болали оилаларга 100 фоизи; уч нафар болали оилаларга 140 фоизи; тўрт ва ундан кўпроқ болали оилаларга 175 фоизи миқдориди бериладиган нафақа;
- 16 ёшгача бўлган ногирон болалар учун нафақа ва бошқа нафақаларнинг давлат бюджетидан берилиши оилаларнинг моддий фаровонлигини таъминлаш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим восита ҳисобланади.

**Авлодларим, азму шижоат, мардлик ва матонат до-
имо ҳамроҳингиз бўлсин.**

Амир ТЕМУР

Сўнгги йилларда қабул қилинган Давлат дастурла-
рида оила, оналик ва болаликнинг ижтимоий манфаат-
ларини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш,
фуқароларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, хо-
тин-қизлар ва оиланинг иқтисодий манфаатларини таъ-
минлаш учун шарт-шароитлар яратиш, рўзгор юмуши
ва турмуш шароитларини яхшилаш, оилада соғлом, ақл-
заковатли, баркамол авлодни тарбиялашда оила ва жа-
миятнинг вазифаларини такомиллаштириш, хотин-қиз-
ларнинг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги ро-
лини кучайтириш, туғишга кўмаклашиш ва болалар
муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар би-
лан таъминлаш, оналар ва болалар учун “Она ва бола”
сиҳатгоҳлари, оромгоҳлари мажмуаларини қуриш, ёш-
ларни соғлом турмуш тарзига тайёрлаш, иқтидорли ёш-
ларни танлаш, тарбиялаш ва улар учун шарт-шароитлар
яратиш каби қатор масалаларни ҳал этишга қаратилган
чора-тадбирлар ҳаётимизда ўз самарасини кўрсатмоқда.

Миллат генофондини сақлаш, ногиронлик ва ноги-
рон фарзанд дунёга келишининг олдини олиш ва улар-
ни соғломлаштириш соғлом авлод ғоясининг муҳим та-
лабларидан биридир. Бу борада Ўзбекистон Республи-
каси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрдаги
520-сон қарорига биноан қабул қилинган “2000-2005
йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногирон-
ларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратил-

ган чора-тадбирлар дастури” асосида ногиронларнинг манфаатларини моддий, маънавий, тиббий, ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар давлатимизнинг инсонпарварлиги, халқимизнинг эса саховатпеша эканидан далолат беради.

Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун, янги туғилган чақалоқлар ҳамда ҳомиладор аёлларда туғма ва бошқа патологияни барвақт аниқлаш бўйича “Она ва бола скрининги” Давлат тизимининг яратилгани ХХ асрнинг охириги ўн йиллигидаги муҳим воқеалардан биридир.

Мамлакатимизда барча жабҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар инсон омилига қаратилмоқдаки, у қаерда, қандай шароитда яшамасин, давлатимиз диққат-эътиборидадир. Жумладан, Ватанимизнинг энг чекка қишлоқ, овул, тоғ ва чўл ҳудудларида истиқомат қилувчи оилалар, аёллар ва болаларнинг саломатлигини доимий назорат қилиш, уларга тиббий, ижтимоий ёрдам кўрсатиш, улар ўртасида тиббий маданиятни ошириш ишларининг йўлга қўйилгани фикримизнинг далилидир. Айнан шу мақсадни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 22 февралдаги 71-сонли “Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий патронаж тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига биноан “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси тизимида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ихтисослаштирилган автоамбуланслар ёрдамида мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларидаги оилалар, аёллар ва болалар саломатлиги аҳволини, оилаларнинг санитария-гигиеник шарт-шароитларини, психологик муҳитини, оиладаги соғлом турмуш тарзини аниқлаш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг шакллантирилиши мамлакатимизда ҳар бир оила, аёл, бола саломатлигига давлат эътиборидан далолатдир.

Ўзбек халқи азалдан болажон халқ. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ишлар шу болаларнинг бугуни, эртаси, порлоқ келажаги учун қилинмоқда. Ота-онасиз етим болалар учун қилинаётган ғамхўрлик эса бунинг бир намунаси. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 декабрдаги 585-сонли Қарорига биноан Австриянинг “SOS-Киндердорф Интернешнл” халқаро жамияти билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида қурилган “SOS — Ўзбекистон болалар маҳалласи” етим болаларни жисмоний, интеллектуал ва маънавий ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, уларга оилаларидагидек ҳаёт шароитини яратиш борасида қутлуғ қадам бўлди.

Мустақиллик иқтидорли, қобилиятли ёшларнинг дунёга чиқиши учун кенг имкониятлар яратиб берди. Қобилиятли, кучли илмий салоҳиятга эга ёшларимизнинг энг тараққий этган мамлакатларнинг нуфузли олийгоҳларида таҳсил олиши учун шарт-шароит яратиш мақсадида Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Умид” жамғармаси, педагог кадрлар малакасини оширишга йўналтирилган “Устоз” жамғармаси ҳамда ноёб қобилиятли болаларни қўллаб-қувватлайдиган “Улғабек” каби жамғармаларнинг фаолияти фикримизнинг далилидир. Шунингдек, адабиёт, санъат, фан, таълим, маънавият соҳаларида улкан ютуқларга эришган қизлар учун “Зулфия” номидаги давлат мукофоти, фан соҳасида муҳим янгилликларни қўлга киритган аспирантлар учун Президент стипендияларининг таъсис этилиши қобилиятли ёшларни рағбатлантиришнинг яхлит тизимини ташкил этади.

Мустақиллик шарофати билан инсон манфаатлари, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш

Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётнинг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукамал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, ватанга садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир.

Ислом **КАРИМОВ**

халқаро ҳуқуқ нормаларига биноан амалга оширила бошланди. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Инсон ҳуқуқ эркинлиги Декларацияси” (1948 йил), “Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида” (1979 йил, 18 декабрь), “Бола ҳуқуқлари ҳақида” (1989 йил, 20 ноябрь), “Бир хил қийматдаги иш учун эркаклар ва хотин-қизларга ҳақ тўлаш тўғрисида” (1951 йил, 29 июнь), “Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида”ги (1952 йил, 20 декабрь) конвенциялари, “Бошқа мамлакатларга болаларни ўғирлаб кетишнинг фуқаролик жиҳатлари тўғрисидаги Гаага Конвенцияси” (1980 йил, 25 октябрь), “Болаларнинг яшашини, ҳимояланишини ва ривожланишини таъминлаш тўғрисидаги умумжаҳон Декларацияси” (1990 йил, 30 сентябрь), Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 103-Конвенцияси” (1952 йил, 23 июнь) ва бошқа қатор халқаро ҳужжатларнинг парламентимиз томонидан ратификация қилиниши мустақиллик йилларида оила, оналик ва болалик манфаатларини халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳимоя этиш соҳасидаги ижобий қадамлардир.

Мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни ҳар томонлама муҳофаза этишни амалга ошириш тизимини

такомиллаштириш борасида ҳам муҳим қадамлар қўйилди. Яъни айнан шу масалаларда давлат ташкилотлари амалга ошираётган ишларни бевосита жамоатчилик йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро, республика ва ҳудудий нодавлат жамоат ташкилотлари ҳам тuzилди. Хусусан, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, “Болалар”, “Камолот”, “Маҳалла”, “Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамғармалари, “Маънавият ва маърифат Республика Кенгаши”, “SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмаси, “Оила” илмий-амалий маркази ва бошқалар мустақиллик йилларининг маҳсулидир.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимиз мустақиллигининг қисқагина 10 йиллик даврида оила, оналик ва болалик масалалари давлатимиз олиб бораётган фаолиятнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бунинг исботини айни шу масалаларга бағишлаб Президентимиз И. Каримов томонидан чиқарилган ўнлаб Фармонлар, Парламентимиз томонидан қабул қилинган қатор Қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган қарорлар, Давлат дастурлари, вазирликлар, ҳокимликлар ва идоралар томонидан амалга оширилаётган ишларда кўрамиз. Албатта, буларнинг барчаси оилани муқаддас билган, онани, аёлни эъзозлаган, болани миллат давомчиси, мамлакатнинг келажаги сифатида авайлаб-асраб тарбиялаётган халқимиз, ҳукуматимиз томонидан амалга оширилган ишларнинг дебочасидир.

Мамлакат раҳбари соғлом авлод ғоясининг асосчиси ва бевосита раҳнамоси экан, келгусида буюк Ўзбекистонда соғлом авлодни тарбиялаш, оила фаровонлиги ва мустақамлигини таъминлаш, аёлнинг, онанинг қадр-қимматини янада ошириш борасида оламшумул ишлар қилинишига ишончимиз комил.

Танзила НОРБОЕВА

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК ҲИМОЯСИ — ЖАҲОН НИГОҲИДА

Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш — халқимизнинг ўзига хос энг гўзал фазилатларидан бири. Аёлни улуғлаш — оилани, Ватанни, ҳаётни улуғлаш деб тушунади элимиз. Айниқса, мустақилликка эришилгач, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш кўмитасининг шу йил Нью-Йоркда бўлиб ўтган XXIV сессиясида бу алоҳида таъкидланди. Сессияда мамлакатимиздан 2 нафар ҳукумат вакили, нодавлат ташкилотларидан 4 нафар вакил ишгирок этди.

Ўзбекистон 1995 йили БМТнинг “Хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги конвенциясига қўшилди. Бу ҳужжат ўша йили Республика Олий Мажлисида ратификация қилиниб, амалиётга татбиқ этила бошлади. БМТнинг Хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш кўмитаси мазкур Конвенцияга қўшилган мамлакатларнинг фаолияти билан ҳар тўрт йилда бир марта танишиб туради. Бу йил 25 январда мамлакатимиз вакилларининг маърузаси у ерда илк бор тингланди. Анжуманнинг биринчи иш куни

Ўзбекистон ҳукуматининг хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва иқтисодий-ижтимоий шароитлар яратишга доир амалга оширилаётган ишлари ҳақида 40 дақиқалик маъруза қилинди. Маъруза катта эътибор билан тингланди.

Кўмитанинг 24 аъзоси бўлиб, улар 200 га яқин савол беришди. Ўзбекистон Конституциясида, Оила, Фуқаролик ҳамда Жиноят-процессуал Кодексларида аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари қандай акс этгани тўғрисида батафсил гапириб бердик. Шунингдек, ўтган ўн йил ичида қабул қилинган Ўзбекистоннинг 70 та қонунчилик ҳужжатлари хотин-қизларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашга алоқадорлигини ҳам айтиб ўтдик.

Анжуман иштирокчиларини мамлакатимизда қисқа вақт ичида хотин-қизлар билан ишлаш тизими яратилгани ҳайратга солди. Президент ташаббуси билан ташкил этилган Республика хотин-қизлар кўмитаси раисига Бош вазир ўринбосари мақоми берилгани, Вазирлар Маҳкамасидан тортиб вилоят, шаҳар ҳамда туманлар ҳокимликларида котибиятлар ва барча поғоналарда хотин-қизлар кўмиталари фаолият кўрсатаётгани ҳақидаги ахборотимиз уларни жуда қизиқтирди. Кўмита аъзолари аёллар, оналик ва болалик масалалари ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларимизни бошқа мамлакатларда ҳам тарғиб қилишга муносиб тажриба деб баҳолади.

Биз имкониятдан фойдаланиб, анжуман иштирокчиларининг илтимосларига кўра, тизимимиз ишини, услуб ва шакллари раъсмий равишда ёзиб, диаграммаларда чизиб, инглиз тилига таржима қилиб бердик.

Мамлакатимиз Хотин-қизлар кўмитасининг фаолияти ҳам катта қизиқиш уйғотди. “Кўмита фаолиятининг

катта мавқеи унинг раисига Бош вазир ўринбосари мақоми берилганиданми ё чиндан ҳам кўмита фаолияти кенг қамровли эканиданми?” дея сўрадилар. Биз иккала далил ҳам ўринли деса тўғри бўлишини айтдик. Бундан ташқари, бошланғич поғоналар сифатида ҳар бир қишлоқ, маҳалла ва корхоналарда ҳам хотин-қизлар кўмиталари фаолият кўрсатаётгани, уларга ўз ишига ва бурчига фидойи кишилар бош-қош бўлаётгани, қолаверса, улар маошсиз, жамоатчилик йўли билан ишлаётганлари суҳбатдошларимизда чуқур таассурот қолдирди. Зеро, бошқа мамлакатларда бундай ишларда маош тўланмаса кўп ҳам ишлайверишмайди.

Шунингдек, анжумандошларимиз мамлакатимизда аҳолининг 50,3 фоизи аёллар бўлиб, уларнинг қандай меҳнат турлари билан шуғулланиши, тадбиркорлик фаолияти, хотин-қизларнинг меҳнат шароитлари, турли имтиёзлар каби масалаларга ҳам қизиқишди. Мамлакатимизда Президентимизнинг ташаббуси билан ҳар бир йилга алоҳида шиор берилиши, шу муносабат билан махсус Давлат дастури қабул қилиниши ва йил давомида у амалга оширилишини аниқ далиллар асосида баён қилиб бердик. Бу ҳақда республикамиз жамоатчилигига ҳам яна бир марта рақамлар ва далиллар билан ахборот бериш мақсадга мувофиқ бўлса керак.

Республикамизда 1998 йил — **Оила йили** муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурини ҳаётга жорий этиш натижасида оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди, “Оила Кодекси”, “Аҳоли бандлиги тўғрисидаги Қонун”нинг янги таҳрири ва бир қатор қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Оилаларнинг моддий фаровонлигини таъминлашга қаратилган зарур шарт-шароитлар яратилди, кам таъминланган ва серфарзанд оилаларни қўллаб-қувватлаш

ишларини давлат ўз зиммасига олди. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун 144,8 млрд. сўм миқдориди маблағ сарфланди, ундан 70,9 млрд. сўми, яъни 49% — давлат бюджети ҳисобидан.

1999 йил мамлакатимизда Аёллар йили деб эълон қилиниши муносабати билан жамиятда хотин-қизларнинг мавқеини янада ошириш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, самарали меҳнат қилишлари учун кўшимча имтиёзлар яратиш учун барча давлат ва нодавлат ташкилотлар саъй-ҳаракатлари бирлаштирилди.

Шу йилдан бошлаб аёлларга уларнинг истакларига биноан ҳамда қонунда белгиланган меҳнат стажи бўлган тақдирда 54 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилди. 3 ёшгача боласи бўлган аёллар бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган муассаса ва ташкилотларда ишлаётган бўлсалар, улар учун иш ҳақининг тўлиқ миқдори сақланган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган муддати белгиланди. Ўта оғир ва ўта зарarli меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиниши ҳукумат қарори билан тасдиқланди. Ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари бўлган, ногирон болаларнинг интернат уйлари ва “Меҳрибонлик” уйларининг тарбиячилари, шунингдек, кутубхоначи аёллар пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлсалар, пенсияга чиқиб ишларини давом эттирсалар, қарилик нафақаларини тўлиқ миқдорда оладилар.

25 ёшгача бўлган иқтидорли қизларни рағбатлантириш мақсадида Республика Президентининг Фармони билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди ва республикамизнинг барча ҳудудларидан 28 нафар қизлар ушбу мукофот совриндори бўлдилар.

Оналарнинг обрў-эътиборини жиддий равишда ошириш, уларнинг меҳнатини, жисмоний соғлом, маънавий бой ҳамда ахлоқан пок ёш авлодни тарбиялашдаги хизматини муносиб баҳолашимиз керак.

Ислом КАРИМОВ

Аёллар йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир аёлнинг ҳаётига ижобий таъсир кўрсатди. Давлат дастурини амалиётга татбиқ этиш учун 72 млрд. сўм сарфланди, ундан 51,3 млрд. сўми, яъни 71,3% — давлат бюджети ҳисобидандир.

Республикаимизда 2000 йил “Соғлом авлод” йили деб эълон қилиниши муносабати билан 2000-2005 йилларга мўлжалланган кенг қамровли Давлат дастури қабул қилинди. 2000 йилда амалга оширилган амалий ишлар Оила, Аёллар йилидаги чора-тадбирларнинг мантиқий давоми бўлиб, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни шакллантириш юзасидан кўплаб ижобий натижаларга эришилди. Жумладан:

— ёшларни турмуш қуришдан аввал тиббий кўрикдан ўтказиш амалиёти ҳаётга жорий қилинди;

— ногиронликнинг ва ногирон фарзандлар туғилишининг олдини олиш мақсадида республикаимизнинг барча ҳудудларида ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни скрининг кўригидан ўтказиш йўлга қўйилди;

— ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилаларни мустаҳкамлаш бўйича ҳамда балоғатга етмасдан турмуш қуриш, қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш юзасидан тарғибот ва ташвиқот ишлари кучайтирилди;

— Республика Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг минтақавий филиаллари ташкил этилди ҳамда институтнинг поликлиникаси ишга туширилди;

— ёш оилаларни 5 йил давомида, болаларни 1 ёшгача ҳамда 1 ёшдан 5 ёшгача тиббий-ижтимоий жиҳатдан ўрганувчи патронаж тизими жорий қилинди;

— болалар организмида йод танқислиги оқибатида келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Сурхондарё ва Навоий вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги туз конлари махсус йодловчи жиҳозлар билан таъминланди;

— республикада ёш авлодни маънавий жиҳатдан баркамол қилиб вояга-етказиш мақсадида турли мазмунларда кўрик-танловлар, мусобақалар ва бошқа тадбирлар уюштириб келинмоқда.

“Соғлом авлод” йилидаги Давлат дастури учун ҳукумат томонидан 17,2 млрд. сўм ажратилди, ундан 10,5 млрд. сўми, яъни 61,3% — давлат бюджети ҳисобидан.

Анжуманда иштирок этар эканмиз, шунинг гувоҳи бўлдикки, бизнинг мамлакатимизда хотин-қизларга, фарзандларимизга нисбатан мисли йўқ сиёсат ўтказилмоқда. Чунки юртимизда ёшларни билим олишга рағбатлантириш ишлари олиб борилаётган, хотин-қизлар-



Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Бордир масал, ёр-ёр,
Ўғил бола боққанлар
Қанду асал, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Келин жонон, ёр-ёр,
Шу келинни олганга
Йўқдир армон, ёр-ёр.

Халқ қўшиғи

нинг меҳнат қилишлари учун кўшимча имтиёзлар, зарур шароитлар яратилаётган, уларни янги касб-корга ўргатиш учун тадбирлар амалга оширилаётган, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизларни давлат ишларига жалб қилиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш ишлари давлат сиёсати даражасига олиб чиқилгани хорижлик ҳамкасбларимизнинг ҳавасини келтиргани сезилиб турди.

XXI аср боши — 2001 йилда қабул қилинган “Она ва бола” дастурини амалга ошириш учун давлатимиз 83,5 миллиард сўм ажратгани ва бунинг 97,2 фоизи давлат бюджетидан экани ҳақида анжуман ишгирокчиларига айтганимизда, Ўзбекистонда аёл ва ўсиб келаётган ёш авлод давлат муҳофазасига олинганига улар яна бир бора ишонч ҳосил қилишди. Ҳозирги кунда мана шу давлат дастурига кўра ҳар бир вилоятда худудий, минтақавий дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Бундай дастурлар ҳар бир вазирлик, идора ва ташкилот томонидан ҳам қабул қилинган. Уларга кўра аёллар ва фарзандларимиз манфаати учун яхлит тадбирлар мажмуасини амалга ошириш белгилаб олинди. Бу эса, шубҳасиз, республикамизда аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласи жамиятнинг барча бўғини, ҳатто энг қуйи поғоналаргача етиб боришини таъминлайди.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ўзининг самарасини бера бошлади.

Кейинги уч йил давомида қилинаётган ишлар натижасида оналар ва болалар ўлими камайгани, хотин-қизлар ўртасида экстрагенитал касалликлар даражаси тобора пасайиб бораётгани, аёлларнинг оилада ва жамиятдаги фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар ҳам

барча анжуман иштирокчиларида ёрқин тасаввур қолдирди.

Биз, албатта, юқоридаги фикрларни тасдиқловчи кўплаб рақамлар келтирдик. Чунончи, ўтган 10 йил ичида республикамизда болалар ўлими 1,8 мартага, оналар ўлими 2,3 мартага, қизамиқ касаллиги 2 баробарга камайди. Кейинги 5 йил ичида республикамизда полиомиелит касаллиги умуман ҳисобга олинмади ва мамлакатимиз ушбу касалликдан озод ҳудуд сифатида халқаро сертификация олишга тайёрланмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни турмушга тайёрлаш, ёш оилаларнинг патронажини беш йил давомида ўтказиб бориш, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш борасидаги фаолиятимиз барча кўмита аъзоларига маъқул тушди. Чунки бугун ҳомиладор аёлларнинг деярли 100 фоизи тиббий кўриқдан ўтказилмоқда ва соғломлаштирилмоқда. Соғлом фарзанд туғилишини таъминлаш учун эса ёш қизларимиз — бўлажак оналар саломатлиги алоҳида назоратга олинмоқда.

Республикамиз ҳукуматининг нодавлат ташкилотлар билан алоқаси ва аёллар муаммоларини ҳал этиш йўлида улар билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйгани бағоят ман-



Келин, тушган жойларинг
Тафтли бўлсин, ёр-ёр,
Тафтли бўлсин.
Сенинг соққан сиғиринг
Сутли бўлсин, ёр-ёр,
Сутли бўлсин.

Икки уйнинг фарзанди
Кўшилдингиз, ёр-ёр,
Кўшилдингиз.
Янги тузган рўзгорингиз
Қутли бўлсин, ёр-ёр,
Қутли бўлсин.

Халқ қўшиғи





зур, деб баҳоланди. Чунки Давлат дастурида мўлжалланган кенг қамровли ишларни биргина давлат идоралари кучи билан бекаму кўст бажариб бўлмайди. Қачонки, жамоатчилик қўллаб-қувватласа, давлат ва нодавлат ташкилотлари яқиндан ҳамкорлик қилсагина мамлакат қамрови доирасидаги ишлар бор бўй-басти билан амалга ошади.

Жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳамкорликдаги фаолияти натижасида республикада мустақиллик даврида оилаларимиз барқарорлиги таъминланмоқда. Жумладан, ажрим олишлар сони ҳар 1000 минг оила ҳисобига 1,5 дан 0,6 гача, яъни деярли 3 баробарга камайиши кузатилди. Шунинг билан бирга ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишлари мунтазам амалга оширилмоқда. Натижада балоғат ёшига етмасдан турмуш қуриш ва никоҳсиз фарзандлик бўлиш ҳолатлари йил сайин мутгасил камайиши кузатилмоқда.

Мустақиллик йилларида ёшларни никоҳ олдидан тиббий кўрикдан ўтказиш анъанага айланди. Ўзбекис-



Сигир соғсанг, сутли бўлсин, келинчак,
Севган ёринг қутлуғ бўлсин, келинчак,
Тўй қилганлар бахтли бўлсин, келинчак,
Аввал бошлаб шу хонадон ота-онасига салом.

Манглайингдан бир ўпай деб шайланган,
Мақсадлари шундай бахтга бойланган.
Бир койиса, минг ўргилиб айланган,
Меҳридарё қайнонасига салом.

Халқ термалари

Агар болалар меҳнат қилишга ундалмаганларида ва саводхонликка, ва музыка, ва гимнастикага, ҳаттоки инсонда эзгуликни мустаҳкамловчи номусга ҳам урганмаган бўлур эдилар. Одатда номус ана шу машғулотларнинг етарлигидан дунёга келади.

ДЕМОКРИТ

тон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасида кўзда тутилган: “Никоҳланувчи ёшлар тиббий кўриқдан фақат уларнинг розилиги билан ўтказилади”, — деган қоидадан қутилган мақсад-муддао ғоят қутлуғ. Бу қоида моҳиятан жамиятда соғлом оилани шакллантириш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва уларнинг баркамол бўлиб туғилишини таъминлашга қаратилган. 2001 йилнинг I чорагида Кодексга мувофиқ 11339 та ёшлар никоҳгача тиббий кўриқдан ўтдилар. Зеро, Президентимиз Ислон Каримов қайта-қайта такрорлаганларидек, фарзандларимиз насл-насаби тоза, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб ўсишлари шарт.

Мустақиллик йилларида республикамизнинг барча ҳудудларида тиббий-ижтимоий патронаж хизмати ва ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни скрининг кўригидан ўтказиш йўлга қўйилди. Бу тизимнинг ишга тушиши мамлакатимизда туғма ногиронликни камайтиришга муносиб улуш қўшади.

Кейинги икки-уч йил давомида оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида қуриладиган шифо масканлари, марказлар, туғруқ мажмуалари хизматидан қанчадан-қанча оилалар манфаатдор бўлмоқдалар. Бу даволаниш мажмуалари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши, улардаги шароитлар кўрганнинг ҳавасини уйғотади.

Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш ниятида бир ёшгача ҳамда бир ёшдан беш ёшгача бўлган болалар патронажи ўтказилаётганини ҳам мамнуният билан таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ҳеч қайси бир мамлакатда мавжуд бўлмаган яна бир институти бу — маҳалладир. Маҳалла аҳолига, демак, унинг биринчи навбатда ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламига энг яқинлиги билан ана шу муҳофаза соҳасидаги сиёсат самарадорлигини таъминлаш имконияти жуда катта. Давлатимиз томонидан нафақа олувчиларнинг 80 фоизини болалик оилалар ташкил қилади. 1999 йилда республикаміздаги оилаларнинг 20 фоизидан кўпроғи нафақа билан таъминландилар.

Бугун хотин-қизларимиз барча соҳаларда самарали меҳнат қилишиб, жамият тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқдалар. Бу билан улар ўз оилаларининг иқтисодий аҳволини яхшилаш билан бирга фарзандларни меҳнатга ўргатиш, миллий анъаналарни давом эттириш, халқ амалий санъатини ривожлантиришга эришмоқдалар. Улар ўртасида тадбиркорлик ҳаракати ҳам ёйилмоқда. Янгиликка интилувчи тадбиркор хотин-қизлар меҳнатини рағбатлантириш мақсадида 90 нафар тадбиркор аёлга Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси томонидан 56,4 миллион сўм ажратилди.



Алла, болам, алла-ё,
Кўрар кўзим, алла-ё,
Суяр кўзим, алла-ё,

Алла, болам, алла-ё,
Ширин жоним, алла-ё,
Иссиқ ноним, алла-ё.

Халқ кўшиғи

Инсонлик моҳияти ҳақиқий бахт-саодатга эришув экан, инсон бу мақсадни ўзининг олий ғояси ва истагига айлантириб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у бахт-саодатга эришади.

Абу Наср ФОРОБИЙ

Маҳаллаларда касаначилик меҳнати билан 1369 нафар ёш болали аёл қамраб олинди.

Уч ёшгача боласи бор ёки ногирон фарзанди бўлган 1026 нафар ишсиз аёлга 2,5 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Фарзандларимиз таълим-тарбияси масаласи билан бугун нафақат оила ва мактаб шуғулланмоқда. Бу ишга маҳалла, хотин-қизлар фаоллари, жамғарма ва ташкилотлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқдалар. Улар фаолиятининг асосий негизини “оила — мактаб — таълим-тарбия муассасаси” тизими ташкил қилади.

Мамлакатимизда соғлом авлодни шакллантириш борасида босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, болалар манфаатларини таъминлаш юзасидан олдимизга қўйилаётган янгидан-янги вазифалар барча давлат ва нодавлат ташкилотларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилмоқда.

Шу сабабдан 2001 йилнинг январь ойида Ўзбекистон болалари манфаатларини таъминлаш бўйича давлат тузилмалари, ҳукуматга қарашли бўлмаган бирлашмалар, жамоат ва халқаро-ташкилотлари Альянси (бирлашмаси) ташкил қилинди ва у ўз фаолиятини бошлади.

Мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган

бу каби ибратли ишлар бугунги кунда энг илғор мамлакатлар диққат-эътиборини ўзига тортмоқда. Германия, АҚШ, Япония, Италия, Швеция, Хитой, Туркия, Малайзия, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бошқа давлатлар хотин-қизлар ташкилотлари Ўзбекистоннинг тажрибасини ўрганишга, ҳамкорликни йўлга қўйишга интилмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, Оналик ва болалик муҳофазаси янги тафаккур ва тасаввурлар асосида ташкил этилаётгани ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи оналарга, мамлакатимизнинг порлоқ келажаги бўлган болаларга катта эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намоёнишидир.



Ахбор ЁРҚУЛОВ,
тиббиёт фанлари номзоди
Учкун КАРИМОВ,
профессор

ЎСИБ КЕЛАЁТГАН АВЛОД МАНФААТЛАРИ ҲАММАГА БИРДЕК ТЕГИШЛИ

Донишманд халқимиз соғлом танда — соғ ақл, саломатлик — туман бойлик, деган нақлларни ҳар доим истеъмолда тутиб, улар замиридаги теран маъно ва мазмунни йигит-қизлар қулоғига қуйиш учун интилиши бежиз эмас.

Давлатчилик негизлари, жамият сиёсий-ижтимоий асосларининг мустақамлиги, моддий-маънавий ҳаётдаги мувозанат, маданият, илм-фан, санъатнинг умрбоқий мезонлар заминида юксалиши ҳам, меҳнат фаолияти гўзаллик, қадр-қиммат касб этиши, насл-насаб бардавомлиги ва тозалиги ҳам тан билан руҳ қай даражада саломат бўлишига чамбарчас боғлиқдир.

Мана шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ медицина соҳасини шўро замонидан қолган аянчли ижтимоий асоратлардан батамом тозалаш, инсон шахсини, инсон ҳаёти ва истиқболини эъозлаш — миллат сиҳат-саломатлигини давлат кафолатига олиш учун қатъий ҳаракат бошланди.

Бугун муборак истиқлол бизга она тарихимиз, қадимий маданиятимиз, эзгу қадриятларимиз, ҳаётбахш удумларимиз, эътиқодимиз ва ғуруримиз билан бирга бебаҳо мулк — саломатликни, уни тўла маънода муҳо-

Соғлом авлод деганда, фақат жисмоний соғлом-
ликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбаша-
рий ғоялар руҳида камол тошган инсонни тушунамиз.

Ислом **КАРИМОВ**

фаза қилишдек эзгу имконни ҳам қайтариб берганини
фахр-ифтихор билан таъкидлаймиз.

Очиғи, Ватанимизга шўролар тузумидан ҳаёт учун
жиддий хавф-хатар солувчи, асрлар давомида шаклан-
ган ирсий мувозанатни издан чиқарувчи, генофонди-
мизга офир шикаст етказган кўпгина юкумли касаллик-
лар, шунингдек, миллий хусусиятлар билан ҳисоблаш-
майдиган эскича даволаш усуллари, тиббиёт
муассасалари моддий-техника базасининг ночорлиги,
аллақачон хизмат муддатини ўтаб улгурган асбоб-уску-
налар мерос бўлиб қолди.

Мустақилликка қадар, айниқса, оналик ва болалик-
ни ҳам ижтимоий, ҳам тиббий муҳофаза қилиш маса-
ласи халқимизни жуда ташвишга солар эди. Шўровий
тарғибот аёл ва фарзанд бахт-саодат оғушида яшашини
муттасил тарғиб этса-да, асли, амалда бунинг тескари-
си ҳукм сурди. Бу фожиа, аввало, аҳолининг турмуш
тарзи аянчли аҳволга тушиб қолганида, ниҳоят, бетоб-
лик авж олгани ва ўлим кўпайганида акс этди. Маса-
лан, ўша йилларда республикада она ўлими ҳар 100000
туғруқ ҳисобига 75—90 атрофида қайд қилинди. Қора-
қалпоғистонда, Сурхондарё, Самарқанд ва бошқа ай-
рим вилоятларда бу борадаги кўрсаткичлар янада юқори
эди.

Оналар саломатлиги даражасига мувофиқ равишда
республикада бир ёшгача бўлган гўдаклар ўлими ҳам

ортди. 1980—1990 йиллар орасида республика бўйича ўртача 4,0—4,6% атрофида, айрим вилоятларда эса 6 фоиз ва ундан юқори рақамлар қайд қилинди. Болалар ўртасидаги ўлим сабаблари ичида нафас олиш аъзолари, ўтқир ичак, перинатал давр ва юқумли касалликлар асосий ўринларни эгаллаб келди.

Мустақиллик шарофати билан ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг истиқболли йўларини ишлаб чиқиш бошланди. Республикамиз Президенти белгилаб берган асосий бешта тамойил бўйича мустақил ривожланиш йўлига кирдик. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустақкамлаш ва унинг равнақини таъминлаш масалаларига эътибор кучайтирилди. Юз берган иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, бу муҳим жабҳага юксак мақом берилди ва катта ички-ташқи имкониятлар сафарбар қилинди.

Соғлиқни сақлаш тизими олдида дастлабки йилларда даволаш-профилактика соҳасида шаклланган энг яхши анъаналарни сақлаб қолган ҳолда, республика-миз хусусиятлари, имкониятлари ва истиқболини назарда тутиб, янгича иш услубларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишдек муҳим вазифа кўндаланг бўлиб турди. Бу жуда мураккаб ва шарафли вазифа эди. Чунки даволаш-профилактика муассасаларининг, аynиқса қишлоқ туманларида қарийб 70 фоизга яқини шунчаки мослаштирилган, санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган биноларда жойлашган бўлиб, беморларни сифатли даволаш, соғлигини қайта тиклаш имкониятлари чекланган эди. Касалхона ва поликлиникалардаги даволаш-диагностика асбоб-ускуналари эскириб, талабга жавоб бермайдиган аҳволга тушганди.

Эру хотин турмуш қуришларидан аввалроқ бир-бирларининг ахлоқи, одатлари ва феъл-атворларини тўла ўрганиб чиқмас экан, уларнинг ҳаёти бахтли кечмайди.

Оноре **БАЛЬЗАК**

Бу ҳолат тиббиёт тараққиёти муаммоларини зудлик билан ўрганиб чиқишни тақозо этди. Амалиёт ва назария соҳасидаги ишлар кўламини белгилашга етакчи олим ва мутахассислар жалб қилинди. Уларнинг фикр ва мулоҳазалари, статистик маълумотлар, даволаш-профилактика муассасаларининг фаолияти таҳлили ва кўпгина бошқа манбалардан чиқарилган хулосалар асосида 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги замонавий медицинани кенг миқёсда ривожлантиришнинг янги концепциясини ишлаб чиқди. У вазирлик ҳайъатида муҳокама қилиниб тасдиқланди. Янги концепцияга мувофиқ республикамиз соғлиқни сақлаш тизими экстенсив йўлдан интенсив тараққиёт йўлига ўтди. Муҳими, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларига устувор йўналиш мақоми берилди. Янги концепция дастурларидан амбулатория-поликлиника хизматини кескин яхшилаш, моддий-техник имкониятларни юксак даражага кўтариш, малакали мутахассис кадрлар сафини кенгайтириш, врачлар ва ўрта тиббий ходимлар нисбатини 1:7 га етказиш, даволаш-ташхис сифатини жаҳон андозалари талаблари даражасига тенглаштириш каби улуғвор вазифалар ўрин олди. Тиббий хизматни аҳоли ҳаётига бевосита яқинлаштириш, унинг асосий турларини жойларда бажариш, она ва болани оиладан узоқлаштирмаган ҳолда даволаш ва

соғломлаштириш, ҳар бир шифокор бевосита оилага қириб бориши кўзда тутилди.

Юқоридаги кенг қамровли тадбирларни муваффақиятли амалга оширишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги кейинги йилларда қабул қилган “Экстрагенитал касалликлари бўлган ҳомиладор аёлларга ихтисослашган тиббий ёрдамни ташкил қилиш ҳақида”, “Қизлар ва ўсмир қизларга гинекологик ёрдамни ташкил қилишнинг аҳволи ва уни ривожлантириш чоралари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида янги туғилган чақалоқларга тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш тўғрисида”, “Туғруқхоналар таркибини қайта қурилишидан келиб чиққан ҳолда улар ишини ташкил қилиш ҳақида”, “Болаларни 6 ёшдан мактабларга қабул қилиш жараёнларида ўтказиладиган тиббий кўрикларни янада такомиллаштириш ҳақида”ги қарорлар алоҳида аҳамият касб этди. Ундан ташқари, Халқ таълими, Ички ишлар вазирликлари ва бошқа муассасалар билан ҳамкорликда ҳам болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, улар ўртасида гиёҳвандлик ва қонунбузарликнинг олдини олишга қаратилган махсус тадбирлар режаси тузилди.

Даволаш-профилактикани кучайтириш мақсадида турли касалликларга чалинган ҳомиладор аёллар учун касалхоналар ҳузурида ихтисослашган бўлимлар ташкил қилинди ва малакали кадрлар билан таъминланди. Йирик туғруқхоналарнинг гинекологик бўлимида қиз болалар ва ўсмир қизлар учун махсус хоналар очилди. Уларда ишлаш учун махсус курсларда мутахассис кадрлар ўқитиб тайёрланди. Туғруқхоналар таркиби тубдан ўзгартирилиб, туғруқ мажмуаларига айлантирилди. Туғруққа тайёрлаш бўлими ташкил қилиниб, у ёки бу патологик ҳолатлари бўлган ҳомиладор аёлларни сифатли даволаб, туғруққа ҳозирлаш ишлари йўлга қўйилди.

Ҳар бир залда кунига биттадан ортиқ туғруқ қабул қилмаслик меъёр қилиб қўйилди ва шунга яраша махсус заллар 8 тадан 16-18 тагача етказилди. Туғруқдан кейин саломатликни тиклаш бўлимлари фаолият кўрсата бошлади. Туғруқхоналардан чиққан оналар ва болаларга амбулатория-поликлиника хизмати кучайтирилди. Уларни ўз уйида ва кундузги шифохона шароитида даволаш ҳамда соғломлаштириш ишлари республика бўйича кенг жорий этилди.

Аёллар ўртасида экстрагенитал касалликлар кўплиги, туғиш жараёнлари жадаллиги, оналар ва бир ёшгача бўлган болалар ўртасида ўлим ҳоллари юқорилигини эътиборга олган ҳолда соғлом оилани шакллантириш бўйича кенг қамровли дастурлар амалга оширилди ва бу жараён узлуксиз давом этмоқда. Шунини айтиш керакки, соғлом оилани шакллантиришдан мақсад фарзанд сонини камайтириш эмас, балки ҳар бир оилада фақат соғлом ўғил-қизлар дунёга келишини таъминлашдан иборатдир.

Амалий эҳтиёжларни қондирадиган назарий тадқиқотлар барча илмий марказларда кучайтирилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммоларининг ечилишига Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Акушерлик ва гинекология ҳамда Педиатрия илмий-текшириш институтлари карвонбошилиқ қилдилар. Муаммолар ечимига барча тиббиёт олий ўқув юртларининг шу соҳа кафедралари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти аёллар репродуктив фаолиятини ўрганиш, соғлом оилани шакллантириш, туғиш ёшидагилар ўртасида экстрагенитал касалликлар тарқалиши, ўлим сабабларини аниқлаш асосида минтақалар ва минтақалараро соғломлаштиришнинг кенг қамровли режа ва дастур-

ларини ишлаб чиқиб амалиётга киритди. Педиатрия илмий-текшириш институти болалар ўртасида кенг тарқалган касалликлар олдини олиш, аниқ ташхис қўйиш ва самарали даволаш муаммоларини ҳал қилиш юзасидан йирик дастурлар асосида муҳим натижаларга эришди. Институтда бирламчи бўғин тиббий муассасалари меҳнатини баҳолаш мезонлари, тиббий ходимлар иш юкламасининг янги меъёрлари, қишлоқ муассасаларининг кичкинтойларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Институт қошида кўкрак сути билан боқишни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш маркази фаолияти йўлга қўйилди ва унда барча вилоятлар учун мутахассис кадрлар тайёрланди. Барча вилоятларда марказ шохобчалари очилиб, улар янги туғилган чақалоқларни дастлабки соатлариданоқ она сути билан боқиш ва бу жараённи ҳаётнинг кейинги босқичларида ҳам мумкин қадар узоқ давом эттириш лозимлигини кенг тарғиб қила бошладилар. Болаларни рационал овқатлантириш муаммолари юзасидан қатор илмий тавсиялар жорий этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва илмий марказлар амалга оширган катта ҳажмдаги ташкилий, илмий-амалий тадбирлар натижасида мустақиллик йилларида оналар ва болалар саломатлиги кўрсаткичларида катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Туғиш ёшидаги аёлларда экстрагенитал касалликларни аниқлаш қамрови 95 фоиздан ошди, ҳомиладор аёллар 97-100 фоиз атрофида терапевт кўригидан ўтказила бошлади. Экстрагенитал касалликларга чалинган аёлларни даволаш ва соғломлаштириш 80 фоиздан кўпроқни ташкил қилмоқда. Ҳомиладор аёлларни эрта муддатларда тиббий маслаҳатхона ҳисобига олиш 90 фоизга етди. Натижада ҳомиладорлик ва туғруқ асоратлари 1991 йилга нисбатан

40 фоиздан ҳам кўпроқ камайди. 17 ёшгача туғаётган аёллар сони 1991 йилга нисбатан 2 марта, 35 ёшдан кейин туғаётганлар — 4 мартадан ортиқроқ камайди. 1991 йилда контрацепция воситаларидан фойдаланган аёллар атиги 21,4 фоизни ташкил этган бўлса, 1999 йилга келиб улар вилоятларда 45-55 фоизга кўтарилди. Бу эса танага кучли салбий таъсир қилувчи абортлар сонини 1991 йилдаги қарийб 40 фоиздан 15-18 фоизга туширишга имкон берди. Ҳозирги кунда 8 ҳомиладорликнинг фақат биттаси аборт билан яқунланмоқда, холос. Бу собиқ иттифокдан ажралиб чиққан бошқа республикалардагига қараганда 6-8 марта оздир. Ҳаётга сифарбар этилган амалий-назарий тадбирларнинг қутилган натижаси ўлароқ мамлакатимизда туғаётган оналар ўлими борасида сезиларли ўзгариш бўлди. 1991 йилда ҳар 100.000 тирик туғилган чақалоқ ҳисобига бу кўрсаткич 65 тани ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунда у 31 тагача камайди. Шу йиллар ичида ҳар 1000 та аҳоли ҳисобига туғилиш сони ҳам 34,5 дан 20,0 гача тушди. Бу жараён саломатликка зиён етказувчи, ис-талмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш ва туғиш ёшидагиларни ёппасига соғломлаштириш ҳисобига юз берди ҳамда соғлом чақалоқлар туғилиши даражасини кескин оширди.

Аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш тобора яхшиланиши натижасида чала ва кичик вазнда дунёга келаётган гўдаклар сони ҳам кескин озайди. 1991 йилда чала туғилганлар республика бўйича ўрта ҳисобда 5,2



Ҳомиладор аёлларни иззатланг.

Корейс мақоли

фоиз, кичик вазндагилар — 14,1 фоизни ташкил қилган бўлса, бугунги кунда ушбу рақамлар тегишли равишда 3,4 ва 8,6 фоизга тушди.

Тиббий ёрдамни такомиллаштириш, туғилиш жараёнларини оқилона бошқариш, тиббий фаолликни кўтариш ва педиатрия участкаларида даволаш-профилактикани сифатли уюштириш натижасида кўкрак ёшидаги болалар нобуд бўлишининг олдини олишда қувонарли ютуқларга эришилди. 1999 йилда бир ёшгача болалар ўлими 1991 йилга нисбатан 54,5 фоизга камайди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг жойлардаги ташкилотлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар моҳиятини республика раҳбарияти ва ҳукуматининг оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш ташкил этади. Мамлакатимиз биринчи ордени “Соғлом авлод учун” деб номланиши фикримизнинг яққол тасдиғидир. Ушбу орден таъсис этилиши билан бир вақтда Юртбошимиз ташаббуси билан ҳукуматга қарашли бўлмаган “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасининг ташкил қилиниши ўсиб келаётган авлод саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш ишларига жаҳон жамоатчилиги эътиборини жалб қилди. Барча вилоят ва шаҳарларда жамғарманинг бўлимлари ташкил қилиниб, улар оилалар турмуш тарзини яхшилаш, касалликларни ўз вақтида аниқлаш, тегишли даволаш-соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш, муҳтож оилаларга моддий ва маънавий ёрдам уюштиришда фаол иштирок этмоқдалар.

Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 3 декабрда “Ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш муаммоларини мажмуий ҳал қилиш” тўғрисида қабул қилган қарори болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, маънавий етук

қилиб тарбиялаш ишларига турли вазирлик ва идоралар, жамоатчилик ташкилотлари, маҳаллий ва халқаро жамғармалар, давлат қўмиталари ва маҳаллий ҳокимиятларнинг кенг иштирокини таъминлади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Халқ таълими, Ижтимоий таъминот, Ички ишлар, Адлия ва бошқа вазирликлар ҳамда давлат қўмиталари билан ҳамкорликда мактабгача тарбия муассасалари, мактабларда болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшлар ўртасида гиёҳвандлик ва ичкиликбозликнинг олдини олиш, уларни оила ҳаётига тайёрлаш, оила ва никоҳ гигиенасига оид билимларни эгаллаши каби кўшимча тадбирларни йўлга қўйди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилган ҳаётий тадбирлар босқичма-босқич ижобий натижаларга эришиш имкониятини яратди ва 1998 йил 10 ноябрда Президент И.А.Каримов томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш ҳақида”ги Давлат дастурига асос бўлди. Давлат дастурини бажариш учун вазирлик ва жойлардаги соғлиқни сақлаш муассасалари кенг қамровли фаолиятни изчил давом эттирмоқдалар. Шунини айтиш керакки, барча вилоятларда замонавий лойиҳалар асосида туғруққа ёрдам берувчи даволаш-профилактика муассасалари қурилиб, ишга туширилмоқда, эскилари қайта таъмирланиб, беморлар даволаниши ва тиббий ходимлар самарали ишлаши учун қулай шароитлар яратилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурининг бажарилиши юзасидан Фарғона вилоятида 60 ўринли даволаш корпуси, 200 ўринли кўз касалликлари шифохонаси, 100 қатновга мўлжалланган болалар поликлиникаси барпо қилинди. Қашқадарёнинг Яккабоғ туманида 60 ўринли янги туғруқ мажмуи, болалар вилоят касалхонасида 20 ўринли неанолотогия, 60 ўрин-

Бадан учун жуда зарур бўлган жисмоний машқлар руҳ учун ҳам шундай зарурдир, чунки баданни пок, соғлом этиш руҳни ҳам пок, соғлом этади.

ПЛАТОН

ли саломатликни қайта тиклаш бўлимлари очилди. Шаҳрисабз шаҳрида янги туғруқ мажмуи бунёд этилди. Сурхондарё, Самарқанд ва бошқа вилоятларда ҳам туғруқхоналар, болалар поликлиникалари ва реанимация бўлимлари аҳолига тақдим этилди. Тошкент шаҳрида 105 ўринли ўсмирлар соғлигини тиклаш маркази, шаҳар касалхоналарида кундузги ўсмирлар бўлимлари ташкил қилинди ва улар ҳозирги кунда самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

Оналар ва болалар соғлигини сақлаш тизимининг бирламчи бўғин муассасаларида тиббий ёрдам кўрсатиш яхшиланиб бораётгани, айниқса қувончли ҳолдир. Барча вилоятларда қишлоқ врачлик амбулаториялари ва касалхоналари ҳамда фельдшерлик-акушерлик пунктлари ўрнида қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) ташкил қилинмоқда ва улар умумий тиббиёт амалиёти мутахассислари билан таъминланмоқда. Ҳозирги кунда қишлоқ врачлик пунктлари сони республика бўйича 1281 дан ошди, 2005 йилга бориб 2800 тага етади. Илмий тадқиқот натижалари, чет эл сабоқлари ва ўз тажрибаларимизга асосланиб, бундан кейин беморларни касалхона шароитида даволашни кескин қисқартирган ҳолда, уларнинг 90 фойзга яқинини амбулатория-поликлиника шароитида тўлиқ даволаш ва соғломлаштириш йўлга қўйилади. Шу сабабли поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари ва амбулаториялари энг

замонавий тиббий-техника асбоб-ускуналари билан жиҳозланмоқда. Улар, асосан, илғор технология асосида тайёрланган хориждаги машҳур фирма ва компанияларнинг даволаш-диагностика асбоб-ускуналаридир. Булар орасида Финляндиянинг “Pribiri Oy”, Швейцариянинг “Hospitex Diadnostics”, Германия, Япония ва бошқа давлатлар фирмаларининг тиббий-техника маҳсулотлари салмоқли ўрин эгаллайди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда, айрим долзарб йўналишлар бўйича бир қанча халқаро жамоалар, жумладан, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси ва Аҳолишунослик жамғармаси, АҚШ ва Япониянинг халқаро ривожланиш агентликлари, Германиянинг Техник ҳамжиҳатлик ташкилоти ва бошқа халқаро бирлашмалар билан алоҳида дастурлар тузилиб, босқичма-босқич ҳаётга жорий этилди.

Ҳамкорлик дастурларини бажариш юзасидан келишувга кўра Германия ҳукумати Наманган ва Тошкент вилоятларидаги туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш учун 5 миллион марка маблағ ажратди. Ушбу вилоятларнинг барча туманида шу мақсадда фельдшерлар учун 63 марта семинар уюштирилиб, уларда 294 акушер-гинеколог, 296 терапевт, 441 фельдшер, ҳаммаси бўлиб 2248 мутахассис малакасини оширди. Шунингдек, Германия ҳукумати ажратган 3 миллиондан ортиқ турли хил ҳомиладорликдан сақланиш воситалари, бўғмага қарши 2 миллион 800 минг доза вакцина, ҳомиладорлар ва гўдакларни жонлантириш, йўргаклаш столлари, ўпкани сунъий шамоллатиш жамламалари ва бошқа тиббий асбоб-ускуналар хайрия ёрдами тарзида мамлакатимизга келтирилди.

1996 йилдан бошлаб AVSC International Халқаро ташкилоти худди шундай дастурни Сурхондарё вилоятида амалга оширди. Унинг ташаббуси билан Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида 13 та ўқув семинари ташкил қилиниб, уларда 112 та мутахассис тайёрланди. Ушбу ташкилот ҳисобидан бирламчи бўғин тиббий муассасалари шифокорларидан 6 киши Индонезияда оилани соғлом ривожлантириш масалалари бўйича касб малакаларини ошириб қайтдилар.

1997 йилдан буён ЮНЕСКО ташкилотининг ахборот, таълим ва коммуникация бўлими, АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси аёллар репродуктив саломатлигини сақлаш ва оилани соғлом ривожлантириш дастурларини бажариш юзасидан 560000 АҚШ доллари ажратди. Худди шу мақсадда БМТнинг ЮНФПА ташкилоти Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари учун 873000 АҚШ доллари миқдоридан моддий ёрдам берди ва қишлоқ тиббиёт муассасаларини керакли асбоб-ускуналар билан таъминлашга салмоқли ҳисса қўшди. Япония ҳукумати ажратган грант ҳисобига Педиатрия илмий-текшириш институти ва Педиатрия тиббиёт институти клиникалари 650 миллион иен, Андижон вилоят болалар касалхонаси, аёллар маслаҳатхонаси ва вилоят туғруқ комплекси 400 миллион иен қийматидаги асбоб-ускуналарга эга бўлди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё, Фарғона, Тошкент вилоятларининг 12 та оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасалари ҳам алоҳида грантлар бўйича замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозландилар. Бундай тадбирлар республиканинг Навоий, Самарқанд вилоятларида ҳам амалга оширилмоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташки-

лотининг ЦАРК дастури бўйича Андижон вилоятининг Бўз, Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай туманлари даволаш-профилактика муассасалари тиббий асбоб-ускуналар олдилар ва уларга тегишли мутахассислар етказиб берилди.

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси томонидан биргина 2000 йилда 10 миллиондан ортиқ АҚШ доллари қийматида оналар ва болалар тиббий муассасаларига жиҳозлар ва дори-дармонлар инсонпарварлик ёрдами сифатида етказиб берилди.

2000 йил Соғлом авлод йили деб эълон қилиниши муносабати билан республика ҳукумати “Соғлом авлод” Давлат дастурини ишлаб чиқди ва ўсиб келаётган авлод манфаатлари республиканинг ҳамма аҳолиси учун бирдек тегишли эканига эътиборни қаратди. Шу қутлуғ воқеа муносабати билан ўтказилажак тадбирларнинг асосий йўналишларини ҳам Юртбошимиз кўрсатиб бердилар. Шунга асосан Давлат дастурида соғлом болалар дунёга келишига асос яратиш, бир ёшгача ва олти ёшгача



Фарзандлар улғайтган мард оналарсиз,
Ҳаёт майдонида мардоналарсиз...

Меҳрингиздан унгай ҳаёт кўклами,
Кўнгил ғазнасида дурдоналарсиз.

Хайрли дуонгиз мустажоб бўлди,
Сиз бугун хуршиди замоналарсиз.

Унар кўксингизда соғлом, хур насл,
Кўкси фарзандларга қошоналарсиз.

Жуманиёз ЖАББОРОВ

Маълумки, одам биринчи тарбияни онасининг бағрида олади. Шу нарса муқаррарки, биринчи тарбия (оила тарбияси)нинг энг муҳими ҳисобланади. Унинг таъсири одам табиатига мустаҳкам ўрнашади. Шахс руҳияти, ахлоқ жавҳари ва одатлари болалигиданоқ шаклланади.

Абдурауф ФИТРАТ

болалар парвариши, тарбияси, саломатлигини яхшилаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом оилаларни шакллантириш, ногирон болаларга эътиборни кучайтириш, уларни жамиятнинг тўлақонли аъзолари даражасига кўтариш, ҳар бир ота-онанинг ўз бурчини англашидаги масъулиятини ошириш каби қатор талаблар етакчи ўрин эгаллади.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари соғлиқни сақлаш бош бошқармалари “Соғлом авлод” Давлат дастурининг мантиқий давоми бўлган “Она ва бола” Давлат дастурини амалга ошириш учун катта куч сарфламоқдалар.

Тошкент шаҳрида 1000 га яқин ёш оилага патронаж хизмати кўрсатилиб, келин-куёвларга оилавий турмуш гигиенаси, ҳомиладорлик физиологияси ва патологияси, декрет таътилларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш қоидалари, чақалоқ ва эмизикли онага оилада яратилиши лозим бўлган шарт-шароитлар, боланинг соғлом ўсишида кўкрак сути билан боқишнинг аҳамияти, она ва бола саломатлигини сақлашда эркаларнинг бурч ва вазифалари, оиладаги мусаффо муҳитнинг аҳамияти ва бошқалар тўғрисида чуқур билим ҳамда тушунчалар

бериб борилаётир. Бу тажриба барча шаҳар ва туманларга ёйилмоқда.

Туғма касалликлар билан дунёга келишнинг олдини олиш, гўдакларда яқин келажакда қандай касалликлар ривожланиш эҳтимоли борлигини олдиндан аниқлаш мақсадида Тошкент, Андижон, Нукус, Самарқанд, Қарши, Фарғона, Термиз, Бухоро, Наманган шаҳарларида “Она ва бола скрининги” марказлари ташкил қилинди, уларда ишлаш учун юқори малакали мутахассислар тайёрланди.

Шу билан биргаликда, барча вилоятларда оила ва никоҳ, тиббий-ирсий маслаҳатхоналар фаолияти тубдан яхшиланди. Бу муассасалар ёшларни турмуш қуришдан аввал кўриқдан ўтказиб, уларга оилавий ҳаёт муаммолари ва истиқболлари тўғрисида аниқ маслаҳатлар беради. Яқин қариндош-уруғлар, балоғатга етмаган ёшлар ўртасида тузиладиган никоҳларнинг қўнғилсиз оқибатлари тўғрисида маҳаллаларда, ўрта ва олий ўқув юртларида, фуқаролар ва, хусусан, ёшлар орасида суҳбатлар, маърузалар, савол-жавоб кечалари, учрашувлар ўтказилмоқда. Масалан, Андижон вилоятининг 18 та шаҳар ва туман туғруқ мажмуаларида маҳаллаларнинг фаол аёллари учун махсус “Репродуктив саломатлик” хоналари ташкил қилинди. Улар ушбу хоналарда ўқиб, зарур билимларга эга бўлгач, ўз маҳаллаларида хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида соғлом оилани шакллантириш масалалари бўйича тарғибот ишларини олиб борадилар. Репродуктив саломатликни сақлаш ва оилалар соғлом ривожланиши ва шаклланишини таъминлашга қаратилган барча тадбирларни мувофиқлаштириш учун Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтида “Инсон репродукцияси” маркази қурилиши бошланди.

Кейинги йилларда дунёнинг жуда кўп минтақаларида сил касаллиги даражаси ўсиб бораётгани қайд этилмоқда. Шу сабабли республикамизда 2000 йил давомида туғиш ёшидаги аёллар профилактика мақсадида махсус текширишдан ўтказила бошлади ва ушбу касалликнинг фаол шакли аниқланган ҳолларда, даволаш ишлари йўлга қўйилди. Бу тадбир барча вилоятларда узлуксиз давом этмоқда. Айниқса, болалар ўртасида сил тарқалишига йўл қўймаслик масаласи кун тартибидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Юқумли касалликларга қарши эмлаш ҳам муваффақиятли олиб борилмоқда. Масалан, 2000 йилнинг биринчи чорагида республика бўйича 2 миллиондан ортиқ 2 ёшгача бўлган бола қоқшол, кўкйўтал, бўғма ва қизамиққа қарши эмланди. Тошкент шаҳри, Тошкент ва Навоий вилоятларида вирусли В гепатитига қарши эмлаш жорий этилди. Бу тадбир бошқа вилоятларда ҳам босқичма-босқич ўтказилади.

Республикамизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқдаки, бу халқимизнинг эртанги кундан ишончи комил бўлишини таъминлаш билан бирга мутасадди ва мутахассисларимиз ғайратига ғайрат қўшади, уларни фидокорона меҳнатга илҳомлантиради.



Оламда кўп эрур ибора,
Бир сўз бор — оғриқдан иборат:
У — Ватан, Барчиним, у — Ватан!
Боламга “Ватан” де илк бора.

Сўзлагин энг юксак тилақдан,
Бўтадай бўзлагин юракдан.
“Ватан” де, боламнинг қонига
Оқиблар кирсин у юракдан.

Усмон АЗИМОВ

Албатта, ҳали олдинда қиладиган ишларимиз кўп. Биз бу ўринда жамоатчилик эътиборини қаратиш мақсадида бир масалага тўжталамиз.

Болалар саломатлигининг муҳим асосларидан бири бўлган оқилона овқатланиш масаласини уй, мактабгача тарбия, мактаб ва касалхоналар шароитларида барча воқитларни ишга солган ҳолда ҳал қилиш лозим. Умум-халқ аҳамиятига молик ана шу савоб ишга иқтисодий жиҳатдан бақувват акционерлик жамиятлари, корхоналар, ташкилотлар, фирмалар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари ҳолислик билан бош қўшишларини истар эдик.



Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ

КЎНГИЛ БИЛАН ЭШИТИБ, АҚЛ БИЛАН КЎРИБ...

I

«Ҳеч шубҳа йўқ: соғлом авлод орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас интилишдир». Юртбошимиз халқимизга хос фазилатни шундай юксак таърифлар экан, болаларга керакли шарт-шароитни ўз вақтида яратиб бериш вазифасини кун тартибига қўйди: «...Бир ёшдан олти-етти ёшгача бўлган болаларни вояга етказишга алоҳида ёндашув бўлиши лозим...

Ҳолбуки, биз бола олти-етти ёшга киргунча унинг тарбияси ҳақида деярли қайғурмаймиз. Эргаштириб пахта даласига олиб чиқамиз. У чанг ютиб, пайкалда пилдираб юради. Қандай ўтиради, қандай туради, қай аҳволда оқатланади, нималарга интилади, нималарга қизиқади, қандай ривожланади — афсуски, бу билан ишимиз бўлмайди. Шундай вазиятда у қандай қилиб керакли бир ахборотни олсин? Қандай қилиб унда фикрлаш қобилияти тадрижий ривожланиб борсин? Ахир, унинг кўз ўнгида борлиқнинг юз очиши, илк ҳаётий тасаввурлар, масалан, куёш қаёқдан чиқади, қаёққа ботади, қандай нур таради, ой қаердан пайдо бўлади, одамзод ўзи нима, деган содда, аммо инсон тафаккурида пойдевор бўлиб қоладиган тушунчалар боланинг онгига айна шу даврда синг-

Кишилар шуни аниқ ва равшан англаб етишлари керакки, маънавий потенциални илдам ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллигини ва равнақ топишини таъминлаб бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ

майдими? Билим олишни орзиқиб кутиб турган, бетўхтов ўсаётган бир пайтда болага, афсуски, биз кўпинча ҳеч нарса бера олмаймиз. Ваҳоланки, такрор айтаман, одам умри мобайнида тўшлайдиган ахборотнинг ярмини айнан шу пайтда олади. Унга керакли шарт-шароитни шу даврда яратиб бермасак, кейин фойдаси кам бўлади».

Юртбошимиз раҳнамолигида миллат генофондини соғломлаштириш соҳасида олиб борилаётган ишлар чуқур илмий асосга эгаллиги ва аҳолининг барча қатламларини тобора кенг жалб этаётгани диққатга моликдир.

Мамлакатимизда болалар ҳар тарафлама тўғри ва мукамал таълим-тарбия олишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Муайян соҳага қобиллиги эрта аён бўлган болаларнинг истеъдоди тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун қулай муҳит ҳосил қилинмоқда.

Зеро, Мустақилликнинг илк йиллариданоқ «ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароитларни яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилиш» тараққиёт йўлимизнинг фазилатларидан бири сифатида зоҳир бўлмоқда.

Ҳаёт инсоннинг Худо берган салоҳияти, улуғ мақсадларга интилиб қилган оқилона меҳнати, бунёдкорлик фаолияти орқали чинакам маъносини намоён этади. Бефарқлик қилган банда Худо раво кўрган бебаҳо дил мулкини осонгина бой бериши мумкин. Туғма қобилиятни кўз қорачиғидек эъзозлаган, авайлаб асраган киши эса рўшноликка етади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Болалиқдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун янги туғилган чақалоқлар ҳамда ҳомиладор аёлларда туғма ва бошқа патологияни барвақт аниқлаш бўйича «Она ва бола скрининги» давлат тизимини ташкил этиш тўғрисида»ги 1998 йил 1 апрель 140-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган ва 1998—2002 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг «Она ва бола скрининги» давлат дастури ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда, шу билан бирга, тиббий-генетик хизматни ривожлантириш билан боғлиқ ишлар ҳам тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Ногиронларни жамиятнинг тўлақонли аъзосига айлантириш — реабилитация қилиш бўйича ҳам аниқ бир тизим фаолият кўрсатмоқда. Тақдир уларни бир томондан қисган бўлса, айна пайтда, давлат муруввати ва ёрдами билан улар ҳаётдан ўз ўринларини топишга мушарраф бўлишаётгани ибратли мисолдир. Навоий шаҳридаги «Ногиронларни қайта тиклаш реабилитация маркази»да ногиронлар ўртасида армреслинг бўйича Осиё чемпиони билан бўлган ушбу суҳбат сабоқлари оламга татирли...

«Кўлтиқтаёқда бўлса-да, илдам-илдам қадам ташлайдиган, кўзларидан ўт чақнаб турган бир йигит эътибо-

Аввал қилиб келган хайрлигу эзгуликларингизга кейин ҳам (яъни доимо) эзгулик қўшаверинг, чунончи қушнинг қанотидаги кичик патлари катта патларига мададкордир.

Маҳмуд ЗАМАХШАРИЙ

римизни тортди. Танишдик. Унинг исми Мирзоҳид, у спортни жони-дилидан яхши кўрар экан.

— Болалигимдан ногиронман, — дейди у. — Даво излаб бормаган жойим қолмади, ҳисоб. Гўдаклик пайтимда мени дурустроқ даволашган, деб айтолмайман. Ота-онамнинг меҳрибонлиги туфайли Самарқанд шаҳридаги молия техникумини тугатдим. Бироқ мажруҳ оёқларим сабабли қайта-қайта даволанишга мажбур эдим. Ушбу реабилитация марказида даволанишим мобайнида мен ўзимни дунёга қайта келгандек ҳис этдим. Бу даргоҳдаги муолажалардан бўш пайтларда спортнинг армреслинг тури — билакбозлик билан астойдил шуғуллана бошладим. Армреслингни кўпчилик яхши билмаса керак. Бу спорт тури дунёда 33 йилдан бери расман тан олинган. Буни қаранг, аввал вилоятимиз, кейин мамлакатимиз миқёсида чемпион бўлдим. Сўнг Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида 11 кун давом этган армреслинг бўйича Осиё биринчилиги мусобақаларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш бахтига эришдим. Спортда беллашиш менга анча масъулият юкларди... Қуръа ташлаш йўли билан ўтказилган биринчи ва иккинчи давраларда ҳам ғолибликни эгаллаб бордим. Ниҳоят, финалда бангладешлик рақибимни ҳам енгганим-

да, ҳаяжонимнинг чек-чегараси йўқ эди, бошим узра эса озод ва обод Ватанимизнинг байроғи ҳилпираб, кўзларимдан севинч ёшлари қуйилиб келарди. Ўша ҳаяжонли дақиқаларда мен Ватанни севиш нақадар улуғ туйғу эканлигини англаб етдим... Мен ўша дақиқаларда Ўзбекистондек улуғ мамлакатнинг фарзанди бўлишнинг ўзи катта бахт эканлигини юракдан ҳис этганман...»

Болаликдан ногирон кишининг маънавий ва жисмоний жиҳатдан бунчалар юксалиши, бинобарин, қадр топиб ҳурмат-эътибор қозониши — спорт билан шуғулланиб, аввал мамлакат, кейин Осиё чемпиони унвонини қўлга киритиши дилларга ҳаяжон солмайди-ми? Мирзоҳид ғалабаларига ватанпарварлик туйғуси асос бўлгани аниқ. Унинг эътиқоди — давлати, халқи, ота-онаси берган таълим-тарбия, кўрсатган ғамхўрлик туфайли шаклланиб, кучли омилга айлангани ҳам ҳақиқатдир.

«Бозор механизмларини жорий этишдан олдин инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари амалга оширилмоғи лозим, — деб ёзди Президент Ислом Каримов 1992 йили «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида. — Давлат ўз аҳолисини ҳимоя қила олган тақдирдагина инсонпарвар ҳисобланади. Давлат кишиларга, айниқса ёрдамга муҳтож бўлганларга, ижтимоий ночор қатламларга, етимлар, болалар, ўқувчилар, нафақахўрлар ва ногиронлар, ёлғиз оналар, кўп болали ва кам таъминланган oilаларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиши керак».

Давлат дастурини бажара бориб, ногирон туғилишининг олдини олиш мақсадида, ҳомиладор аёллар ва чақа-

лоқларни оммавий текширув (скрининг) йўли билан наслий касалликлар ва ривожланишнинг туғма нуқсонларини мумкин қадар эрта аниқловчи давлат тизимининг ташкил этилиши чин инсонпарварлик намунаси бўлди.

* * *

«Она ва бола скрининги» давлат дастури миқёсида мамлакатимизнинг баъзи ҳудудларида ўтказилган неонатал скрининг-тадқиқотларнинг дастлабки натижаларини умумлаштириб, Ю. Баратова, Т. Ишунина, М. Босимов каби мутахассислар билдирган фикр-мулоҳазаларни келтирайлик:

— 1999 йилдан эътиборан республикаимиз, — скрининг дастурини татбиқ этиш жараёнида туғма ва ирсий касалликлар маълум гуруҳини ўз вақтида аниқлаш ва самарали даволашни йўлга қўйиб, — болалар ногиронлиги ва ўлими профилактикасини амалга ошираётган давлатлар қаторига қўшилди.

“Она ва бола скрининги” давлат дастури асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида янги инфраструктура-скрининг марказлари ташкил қилинди.

Скрининг хизмати янги технологияни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлгани туфайли, марказларни тадқиқотлар учун керакли биоматериаллар билан таъминлаш, тиббий ходимлар заргарона аниқ ишлай олишлари учун уларнинг бошланғич бўғинини ўргатиш, скринингда қатнашадиган барча бўлимларнинг ўзаро ҳаракати механизmlарини ишлаб чиқиш, неонатал скрининг касалликлари (фенилкетонурия ва туғма гипотиреоз) бўйича тадқиқотлар самарали йўлга қўйилди.

Лаборатория тадқиқотлари «Прибори Ой» фирмасининг («Валлак» концерни, Финляндия) юксак технологик жиҳозлари воситасида олиб борилмоқда. Туғма гипотиреоз (қисқача — ТГ) ташхисини қўйиш учун лантанид флюоресцент иммун таҳлил методи («Дельфия»), фенилкетонурия (қисқача ФКУ) ташхисини қўйиш учун иммун-флюоресцент таҳлил методи қўлланади. Уч йил мобайнида республикада 203454 бола туғилган заҳотиёқ текширилди. 2000 йилда жами тирик туғилган чақалоқларнинг 26,8 фоизи скрининг назоратидан ўтказилди.

Неонатал скрининг икки босқичдан иборат.

Неонатал скринингга (ТГ) Қорақалпоғистон Республикасида 1997 йилдан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида (ФКУ, ТГ) 1999 йил октябрдан, Андижон шаҳри ва Андижон вилоятида (ТГ) 2000 йил январдан, Сирдарё вилоятида (ФКУ, ТГ) 2000 йил январдан киришилди. 6 ойлик муддатда (1999 йил IV чораги ва 2000 йилнинг I чораги) 40179 нафар янги туғилган чақалоқ текширилди. Жами 35 болада хасталик мавжудлиги аниқланди (32 ТГ ва 3 ФКУ). Тасаввур тўлиқ бўлиши учун, мамлакатимиз ҳудудлари скрининг-марказларига қайси тартибда бириктирилганини кўз ўнгимизга келтирайлик:

1. Оролбўйи марказига Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси;
2. Тошкент марказига Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари;
3. Самарқанд марказига Самарқанд ва Жиззах вилояти;
4. Андижон марказига Андижон вилояти;
5. Наманган марказига Наманган вилояти;
6. Фарғона марказига Фарғона вилояти;
7. Қарши марказига Қашқадарё вилояти;
8. Тер-

миз марказига Сурхондарё вилояти; 9. Бухоро марказига Бухоро ва Навоий вилоятлари қарайди. Яъни Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудлари скрининг хизмати билан тўлиқ қамралган.

Бу соҳани ривожлантириш муаммолари: скрининг-марказларни автотранспорт воситалари билан таъминлаш, жойлардаги педиатрия хизматида оперативликни талаб даражасига етказиш устида иш олиб борилмоқда. Бу иккинчи марта текшириб кўрилиши керак бўлган гуруҳни тўла назоратга олишга имкон беради. Ҳозирча назоратдан четда қолаётганлар орасида ногирон болалар туғилиши учраб турибди ва бу ҳол жиддий ташвиш туғдиради.

Таъкидлаш жоизки, умрбод ногиронлик чангалидан қутқазиб олинган ҳар бир бола — катта ғалаба. Бу аҳоли саломатлигини сақлашдан ташқари иқтисодий аҳамиятга ҳам эга.

Шундай қилиб, муайян қийинчиликларга қарамай, умуман, скрининг-дастур олдига қўйилган вазифа bajarилмоқда, мазкур лойиҳа билан боғлиқ умидлар рўёбга чиқмоқда.

Яқин вақтларда Даун касаллиги, галактоземия, гемофилия, Дюшень миопатияси скринингини бошлаш режалаштирилмоқда.

Мамлакатимизда скрининг-тадқиқотларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларига эътиборни қаратайлик:

— мамлакатнинг шарқий ҳудудларида аҳолининг зич жойлашмагани, аҳоли пунктлари ўртасидаги масофаларнинг узоқлиги, қишлоқ ҳудудларини ижтисослашган автотранспорт билан таъминлаш зарурати;

Болаларнинг тарбияси бу фарзандни жисмонан, фикран ва ахлоқан тарбия қилиб, камолга етиштириш демакдир. Яъни уларни уриниш ва тиришиш саҳросига, ҳаёт-мамот майдонига кучли бадан, соғлом фикр ва яхши ахлоқ билан қуроллантириб юбориш демакдир.

Абдурауф ФИТРАТ


— вилоят, шаҳар, туман соғлиқни сақлаш муассасалари болалар ҳамда туғруқ бўлимларини текширишнинг иккинчи босқичини ва болалар диспансеризациясини амалга оширишда фаол иштирок этиши лозимлиги;

— жамоат ташкилотлари (хотин-қизлар, маҳалла кўмиталари)ни ахборот-маърифий ишларга жалб қилиш, улар ёрдамида истиқомат манзилларида аниқланган касалларни аниқлаш, скрининг вазифаларини ота-оналарга тушунтириш ва ҳоказо.

Мутахассисларнинг матбуот ва оммавий ахборот воситаларида чиқишлари аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари скрининг дастури бўйича олиб борилаётган тадбирлар кўламини тўғри идрок этишимизга, самарасини кўтаришимизга ёрдам беради, албатта.

Инсон учун фарзанд азиз. Айни мана шу ҳикмат уларнинг саломат туғилишлари ва соғлом вояга етишлари учун тиббиёт ходимларидан ҳам, оила аъзоларидан ҳам фаол ҳаракат талаб этади. Имкондан фойдаланиб, фенилкетонурия хасталиги билан туғилган болалар парвариши ҳақида мутахассислар тавсияларини баён қилмоқчимиз.






Қон таркибидан хасталик аломатлари топилган бола тиббиёт талаблари асосида парвариш қилинса, бахтсизлик ва фалокат четлаб ўтилади.

Биринчидан, бундай гуруҳга мансуб бола оқсилга бой гўшт, сут маҳсулотларини истеъмол қилса, соғлиғига зарар келтиришини эслатиб ўтмоқ жоиз.

Фенилкетонурия (ФКУ) ташхиси қўйилган болаларда — илк ёшида қон таркибидаги фенилаланин моддаси тез кўпаяди, ҳатто 20 мг/100 мл ва ундан ошиб кетиши мумкин. Агар даволаш йўлга қўйилмаса, фенилаланин даражаси 20-80 мг/100 мл га етиб, бола саломатлиғига жиддий хавф пайдо бўлади. Шу сабабли бу тоифадаги беморларни фенилаланин миқдори чекланган махсус парҳезга ўтказиш лозим. Фенилкетонурия даволанмаса, оқибатда танада фенилаланин ва унинг парчланиши натижасида пайдо бўлиб, киши аъзоларига салбий таъсир қилувчи моддалар йиғилиб қолади, оқибатда ақлий ўсиш тўхтайдди, чилла яра ва чангак касалига мубтало бўлади. Парҳез билан даволашнинг мақсади фенилаланин концентрациясини керакли даражада тутиб туриш ва айна пайтда боланинг меъёрида ўсиши ва ақлий ривожланиши учун зарур озиқ моддалар билан организмни таъминлашдан иборатдир. Фенилаланин боланинг меъёрида ўсиши учун зарур — ўрнини бошқа нарса билан боса олмайдиган аминокислоталардан бири ҳисобланади. Фенилкетонурия билан оғриган бола илк ёшида ва нисбатан кейинги даврларда меъёрида ўсиши ва ривожланиши учун чекланган, аммо айна пайтда етарли миқдордаги фенилаланин талаб қилинади. Клиник тажриба кўрсатадики, агарда фенилкетонурияни



парҳез билан даволаш чақалоқ туғилганидан сўнг — умрининг дастлабки ҳафталариданоқ бошланса, ниҳоятда самарали бўлади, бу ҳолда ўсиш жараёнида марказий асаб тизимининг ривожланишида юзага келадиган касалликлар олди олинади. Барча табиий озикларнинг оқсили таркибида маълум миқдорда фенилаланин (ўртача 5%) мавжуд. Шуни эътиборга олиб, зарур ҳолда мувофиқлаштирилган оқсилли маҳсулотлар, жумладан, Лофеналак (таркибида фенилаланин миқдори бўлган) ва Фенил-фри (таркибида фенилаланин бўлмаган) парҳез дори истеъмол қилиш тавсия этилади.

Бола 15-16 ёшга киргач, яъни мияси ривожланиб улгургач, парҳез дори-дармонлар тўхтатилади. Энди гўшт ва сут маҳсулотларини бемалол истеъмол қилиш мумкин. Фақат қизлар никоҳ ёшига етиб, турмушга чиқса, бўйида бўлса, ўша кундан эътиборан бўлажак она яна парҳезга ўтади. Бу ҳомилани фенилкетонурия ва туғма хасталиклардан асрайди.

Ўрни келганда, шуни айтиб ўтиш керакки, бошқа давлат дастурлари каби, скрининг-дастури бўйича текширишлар, даволаш-профилактика ишлари, дори-дармонлар тарқатиш тўлалигича давлат ҳисобига амалга оширилмоқда. Фенилкетонурия ёки туғма гипотиреоз ташхиси билан даволанаётган бола ҳар ойда 4 идиш Лофеналак ёки Фенил-фри (ҳар идиш нархи — 20 АҚШ доллари, яъни ҳар ойда жами 80 АҚШ доллари миқдоридаги парҳез-дори) билан таъминланади. Туғма гипотиреоз ва фенилкетонурияни даволаш учун касалларни препаратлар билан таъминлашни Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғар-

маси зиммасига олган. Молия вазирлиги республика бюджетни маблағидан 1.770 минг, «Соғлом авлод учун» жамғармаси шериклари ҳисобидан 50,0 минг АҚШ долларини сафарбар этди.

Бу ўринда «Она ва бола скрининги» дастури бўйича жами харажатлар: бюджетдан ташқари — 1.205.000, давлат бюджетидан эса 4.410.000 АҚШ долларини ташкил этишини ёдга олиб ўтиш жоиз.

Бинобарин, касаллиги аниқланган чақалоқларни ўз вақтида даволаш — умрбод ногиронлик олдини олиш учун давлатимиз маблағни аямаяпти. Янги туғилган чақалоқларда касалликни барвақт аниқлашнинг ташкилий, бошқарув ва технологик тизими ташкил этилди, иқтисодий мақсадга мувофиқлик асосида скрининг узлуксизлиги, скрининг тадқиқотларининг оммавийлиги, шунингдек, скрининг технологиясини биладиган малакали мутахассислар билан таъминлаш ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмоқда.

1998—2001 йиллар мобайнида, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан “Прибори Ой” фирмаси (Финляндия) ва «Бристол Майерс Сквибб» компанияси (АҚШ) билан тузилган битимларга мувофиқ, «Она ва бола скрининги» дастурлари сирасида ташкил этилган скрининг-марказлар техникавий мурувват ёрдамининг умумий миқдори 1,2 млн. АҚШ долларидан иборат бўлди. Диагностика аппаратлари, ташкилий техника ва коммуникация воситалари билан жиҳозлаш тобора яхшиланмоқда.

«Она ва бола скрининги» дастурини амалга оширишга оид тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-

камасининг 2000 йил 15 февралда қабул қилинган «Соғлом авлод» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига ҳам киритилган.

Скрининг марказларини диагностика асбоб-ускуналари, реактивлар ва бошқа жиҳозлар билан таъминлашда «Прибори Ой» фирмаси (Финляндия) ва «Бристол Майерс Сквибб» (АҚШ) компанияси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси 1999 йилда қиймати 540 минг АҚШ долларига тенг, 2000 йилда эса 610 минг АҚШ долларига тенг жиҳозлар, реактивлар, дори-дармонларни скрининг-марказларга тортиқ қилди. Жумладан, Жамғарма инсонпарварлик йўли билан «Прибори Ой» фирмасидан олинган «Виктор Дельфия» диагностика жиҳозлари билан барча минтақавий скрининг-марказларини таъминлади.

* * *

Республика скрининг маркази масъул ходими Юлдуз Баратова ҳикоя қилади:

— Эришилган натижа сарфлаганимиздан бир неча баробар ортиқ — бу, асраб қолинган соғлиқ, четлаб ўтилган умрбод ногиронлик, олди олинган бахтсизлик...

Мана, кўнгил изқорлари билан танишинг.

Катта дафтарни варақлаймиз... Ҳар бир ота, онаизор ўз миннатдорчилигини билдириб, боласининг юзи, кўзидаги қувонч учун скрининг маркази аъзоларини алқайди, дуо қилади.

Ҳар бир раҳматнома ўқиганни ҳаяжонга солади.

**Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағиш-
ла, ўзинг эса қоронғуда бўл.**

Баҳоуддин НАҚШБАНД

II

Ҳукуматимизнинг 1996 йил 22 февраль 71-сонли қарори республикамизда тиббий-ижтимоий патронаж тизимини ташкил этишга асос бўлди. Бу тизим ижтимоий соҳада фаолият кўрсатадиган, яъни ҳар бир оилани, айниқса қишлоқ жойларидаги оилаларни ижтимоий, нуфусий (демографик), иқтисодий ва тиббий жиҳатдан биргаликда ўрганадиган турли ташкилотлар ва муассасаларнинг саъй-ҳаракатларини ўзида мувофиқлаштиради, мамлакатимиз халқларининг асрий анъаналарига, ватанимиз ва жаҳон фани муваффақиятларига таянган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган самарали ижтимоий сиёсатни ҳар бир оила эътиборига етказди. Қисқача қилиб айтганда, у ҳар бир оиланинг тиббий-ижтимоий ҳолатини доимий ва режали равишда ўрганади — мониторинг жараёнини амалга оширади.

Тиббий-ижтимоий патронажнинг вазифалари:

— тегишли кўрсаткич (индикаторлар) асосида, ҳокимиятнинг маҳаллий органлари билан яқин муносабат боғлаган ҳолда, оиланинг яшаш муҳитидаги санитария-гигиена шарт-шароитлари, руҳий муҳити, оила аъзолари, айниқса хотин-қизлар ва болалар сиҳат-саломатлигининг ҳолатини белгилаш;

— тиббий, ижтимоий ва руҳий ёрдамга, ижтимоий-хуқуқий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар ва болаларни ўз вақтида аниқлаш ва тегишли тавсиялар бериш;

— оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришдан иборат.

Шу вазифаларга мувофиқ равишда, **тиббий-ижтимоий патронаж тизими зиммасига** қуйидаги ишлар бўйича масъулият юкланган:

— оилаларга тиббий, ижтимоий ва хуқуқий ёрдам кўрсатиш;

— хотин-қизлар ва болаларни соғломлаштиришда ёрдам бериш, турли касалликларнинг олдини олиш, эмлаш ва бошқа мавзуларда кенг тушунтириш ишлари ўтказиш, эмлашни назорат қилиш;

— санитар-тиббий ишлар олиб бориш.

Тиббий-ижтимоий патронаж ишларини «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тиббий-ижтимоий маркази ходимлари, яъни гинекологлар, педиатрлар, терапевтлар, тиббий-ижтимоий мутахассислар олиб борадилар.

Тиббий-ижтимоий патронаж ишлари бригада тартибида ташкил этилган.

Тиббий-ижтимоий патронаж хизмати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, вилоят ҳокимлари ўринбосарлари ва Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари раислигидаги тиббий-ижтимоий патронаж бўйича комиссиялар томонидан назорат этилади. Бу комиссиялар текширишлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда оила аҳволини яхшилаш тadbирларини ишлаб чиқади.

Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тарғиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига эзгулик билан меҳроқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас.

Ислом КАРИМОВ

Тиббий-ижтимоий марказ Жамғарманинг тиббий ва ижтимоий дастурларини амалга ошириш борасида бош ташкилотчи ҳисобланади.

Бу марказ тизимида, республиканинг ҳар бир минтақасида, хусусан, чекка жойлардаги аёллар ва болаларни текширувдан ўтказиш мақсадида аҳолига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатувчи 14 та кўчма бригада иш олиб бормоқда. Бу бригадалар фаолиятини йўлга қўйиш учун Жамғарма Германиянинг «Карл Цейсс Йена» фирмасидан 15 та автомобиль-амбуланс сотиб олди. Улар тиббий диагностика техникаси билан етарли даражада жиҳозланган. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри Тиббий-ижтимоий марказлари шундай амбуланс билан таъминланган. Амбуланс мутахассислари оилаларни текширувдан ўтказиб, уларнинг санитария-гигиена ва руҳий ҳолатини, айниқса аёллар ва болалар саломатлигини текширмоқдалар, муҳтожларга зарур тиббий ва моддий ёрдам кўрсатиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишларини олиб бормоқдалар.

Бригадалар эҳтиёжманд оилаларга ташриф буюрар экан, ҳар сафар инсонпарварлик ёрдами ҳам кўрсат-

моқдалар, масалан, дори-дармон, озиқ-овқат, кийим-бош билан таъминламоқдалар.

1996—1998 йиллар мобайнида республиканинг 940 аҳоли масканидаги (асосан чекка жойлардаги) 100 мингдан ортиқ оиланинг тиббий-ижтимоий аҳволи ўрганилди. Бу оилаларда 180 мингдан ортиқ одам, асосан болалар ва аёллар текширувдан ўтказилди. Жамланган маълумотлар мунтазам таҳлил қилиб борилмоқда. Мана шу асосда айрим хасталиклар тарқалиши ўртача статистик маълумотлардан анча ортиқ экани аниқланди. Чунончи, камқонлик, сийдик йўллари касалликлари, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари кўпроқ учраши маълум бўлди. Бу тадбирлар натижасида хасталарга тегишли ёрдам кўрсатилиб, талай талофатларнинг олди олинди.

Ижтимоий ночор гуруҳга кирувчи ҳар бир оилага Жамфарма ва унинг бўлимлари ҳисобидан хайрия ёрдами, дори-дармонлар, санитария-гигиена буюмлари, озиқ-овқат, кийим-бош, зарур бўлган ҳолларда эса пул маблағлари, санаторийларга йўлланмалар берилмоқда.

Жамфарманинг Тошкент, Наманган, Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоят бўлимларининг мазкур йўналишдаги ишлари айниқса самарали бўлди.

Ўтказилган текширув натижалари бўйича оилаларнинг тиббий-ижтимоий аҳволини яхшилаш юзасидан чоралар кўриш учун ҳокимликлар, соғлиқни сақлаш муассасалари, ижтимоий таъминот идоралари, жамоат ташкилотлари ва мутасадди жамфармаларга ўз вақтида маълумотномалар юбориб турилибди.

* * *

Тиббий-ижтимоий патронаж соҳасида амалга оширилаётган ишлар мазмуни ва кўлами ҳақида тасаввур янада тўлароқ бўлиши учун айрим далилларга мурожаат қилайлик.

Тиббий-ижтимоий марказ бошлиғи Муқаддас Аралова ҳикоя қилади:

«2000 йил натижаларига асосан 2956 та аҳоли яшовчи пункт бўйича 25028 та оиланинг тиббий-ижтимоий ҳолати ўрганилди, тиббий кўриқдан ўтказилди. Шуларнинг орасида болалар (14 ёшгача), ўсмирлар (15-17 ёш) ва аёллар алоҳида эътиборда бўлди.

Аниқланган беморларнинг ташхисини аниқлаштириш учун 89 фоизига махсус текшириш усуллари қўлланди. Жумладан, 23,5% ультратовуш текшируви, 7,2% ЭКГ, 13,7% аудиометрия, 21,6% кўриш ўткирлиги, 9,6% колпоскопия текширувига жалб қилинди ҳамда қондаги гемоглобин миқдорини аниқлаш мақсадида 24,4% киши лаборатория текширувидан ўтказилди.

Тиббий-ижтимоий патронаж кўчма бригадаларининг 2000 йилги иш фаолияти маълумотлари республика бўйича аниқланган касалликлар ичида қон ва қон ҳосил этувчи орган касалликлари биринчи ўринда эканини маълум қилди.

Тиббий текширув натижасида аниқланган беморларнинг 74,8 фоизига касалхона шароитида даволаниш тавсия қилинган эди. Бу тавсияга кўра даволанганлар аёллар орасида 46,4 фоизни, болалар орасида 45,9 фоизни ва ўсмирлар орасида 38,3 фоизни ташкил қилди. Соғломлаштириш бўйича энг катта кўрсаткичлар Сурхондарё, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида, энг куйи

кўрсаткичлар Жиззах вилоятида қайд этилди. Сўнгги ҳолатнинг сабаби соғломлаштириш ва реабилитацияга муҳтож аҳолига ёрдам кўрсатиш ишига махсус тиббий-профилактик муассасалар, консультатив ташхис марказлари тўлиқ жалб қилинмаганидир.

2000 йил давомида тиббий-ижтимоий патронаж кўчма бригадалари ходимлари томонидан 25028 оилада уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ва саломатлик даражасини аниқлаш мақсадида анкета сўрови ўтказилиб, бу оилалар 4 гуруҳга ажратилди: яъни ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва саломатлиги яхши оилалар (1-гуруҳ), ижтимоий-иқтисодий ҳолати ўртача ва саломатлиги яхши оилалар (2-гуруҳ), ижтимоий-иқтисодий ҳолати ўртача ва саломатлиги ёмон оилалар (3-гуруҳ), ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва саломатлиги ёрдамга муҳтож оилалар (4-гуруҳ). Мана шу тасниф асосида тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ишлари режали ва мақсадли тарзда йўлга қўйилмоқда.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан кўчма бригадалар томонидан бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, жумладан, аҳолининг барча қатламлари, айниқса ёшлар орасида репродуктив соғлиқ ва соғлом оила ташкил этиш борасида, қариндошлар орасида никоҳ ва эрта никоҳларнинг олдини олиш бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб борилди.

Кўчма бригада мутахассислари ҳамда туман соғлиқни сақлаш тизими ходимлари биргаликда ялпи диспансеризацияни ташкил этиб, кўрик ўтказилаётган ҳудудларда жойлашган болалар муассасалари тарбияланувчиларини ҳамда мактаблар, лицей ва коллежлар ўқувчиларини ҳам тиббий кўрикка тортмоқдалар.

2001 йил “Оналар ва болалар йили” деб эълон қилиниши тиббий-ижтимоий соҳадаги ишларга яна бир кучли туртки берди. “Она ва бола” Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда жойларда тиббий-ижтимоий патронаж комиссиялари иши фаоллаштирилмоқда. 2001 йилнинг I чораги натижаларига кўра, 7056 та оиланинг тиббий-ижтимоий ҳолати ўрганилиб, 38090 киши тиббий кўриқдан ўтказилди, шуларнинг орасида болалар (14 ёшгача) — 10235 нафарни, ўсмирлар (15-17 ёш) — 6029 нафарни ва аёллар 21586 нафарни, шу жумладан, туғиш ёшидаги аёллар 20046 нафарни ташкил этди.

Ўсмирлар орасида гиёҳвандлик, ОИТС, ичкиликбозлик тарқалишининг олдини олиш ва бошқа долзарб мавзуларда тушунтириш ишлари ва давра суҳбатлари қамрови кенгайтирилмоқда.



ЎЗБЕКНИНГ АЁЛЛАРИ

Ухламайди тунлари,
Ой нурлари таралган.
Ўзбекнинг хотинлари
Фарзанд учун яралган.

Қирқ йил қирғин бўлса ҳам,
Ўз аҳдида туролган.
Ўзбекнинг хотинлари
Тоқат учун яралган.

Қўллари олтинлари,
Қай томонга бурса юз,
Йўллари олтинлари —
Иззат учун яралган!

Муҳаммад ЮСУФ

2001 йилнинг I чорагида республика вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси тиббий-ижтимоий патронаж кўчма бригадаларининг иш фаолияти учун 5 196 437 сўм маблағ сарф қилинди.

Масаланинг қувончли томони шундаки, аҳоли тиббий-ижтимоий патронаж хизматининг асл моҳиятини тўғри англаб етмоқда. Саодат Худойқулова, Гуласал Умарова, I гуруҳ ногирони Муҳаббат Мухторова, I гуруҳ ногирони Ойимхол Улуғбердиева, Жарқин Сафарова, Ширингул Пиримқулова Президентимизга, халқимизга тинчлик, хотиржамлик тилаб, Сурхондарё вилоятида истиқомат қилувчи бир гуруҳ оналар, ногиронлар ва ногирон болалар номидан ёзган хатида шундай сатрлар бор:

«Бизнинг Қизириқ туманимизда бир неча ойдан бери «Соғлом авлод учун» жамғармаси йўллаган бир гуруҳ дўхтир келиб, қишлоқ аёллари, болалар соғлиқларини текшириб, яшаш шароитимизни ўрганиб, биздек ногиронларга, ногирон болаларимизга тиббий, ижтимоий ёрдам кўрсатишди. Ҳурматли Президентимиз, мана шундай машинада юриб аҳоли соғлиғини текшираётган ташкилотни барпо қилганингиз учун миннатдорчилик билдирамиз. Халқимиз саломатлиги йўлида, узоқ туманларда кечаю кундуз меҳнат қилиб юрган соғлом авлод дўхтирларига ҳам Қизириқ тумани аҳолиси номидан ташаккур деймиз».

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари 1996 йили тиббий-ижтимоий патронаж хизмати аниқлаган туғма юрак иллати (етишмаслиги) бўлган тўрт нафар бола Кореяда даволангани ҳақида ёзган эди. Ўшанда мураккаб тиббий операциялар амалга оширилди. Ноёб

Фарзандлар туфайли меҳнат қувончга айланади, ҳаётинг мазмун касб этади, ўлим даҳшати нари чекинади.

Фрэнсис БЭЖОН

дори-дармонлар ишлатилди. Жарроҳликдан кейинги муолажалар ҳам керагича давом этди. Бу чиқимларнинг бир қисмини, бемор болаларнинг ота-оналарининг яшаш сарфлари билан биргаликда, Корея томони зиммасига олди, қолган харажатларни «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси кўтарди.

Бундай эзгу, савоб иш Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини эгаллагани, жаҳондаги кўпданкўп мамлакатлар билан ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатлари ўрнатгани шарофати ила рўёбга чиқди. Ислоҳ Каримовнинг Кореяга расмий давлат сафари кунларида Президентимизнинг рафиқалари — «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси президенти Татьяна Каримова ва Корея Республикаси Президентининг рафиқаси Сон Менг Сун хоним мазкур хайрия тadbирини ўтказиш тўғрисида келишиб олган эдилар. Ана шу олижаноб ниятни амалга оширишда Сеул шаҳридаги Жарроҳлик маркази шифокорлари, кардиология жамғармаси ходимлари бор истеъдодларини ишга солдилар — аввал худо, сўнг олижаноб инсонлар ва врачлар меҳнати туфайли дилбандларимиз тўлақонли ҳаётга қайтдилар.

Худди шу тарзда, ҳозиргача 10 нафар ўғил-қизимиз Сеулдан даво топиб келди.

Кувонарлиси шундаки, ҳар бир ёшу қари юртдошимиз, ҳар бир оила, маҳалла, қишлоқ, шаҳар аҳолиси ўз инсоний қадрини, ҳаётдаги мавқеини тўғри англаб бормоқда — кўнгил билан эшитишга, ақл билан кўришга интиломоқда. Бу эса, ҳақиқатан ҳам, эзгу ишлар самарасидир.



*Гулнора МАЪРУФОВА,
Фаргона вилояти ҳокимининг ўринбосари,
вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси*

ХАЙРЛИ ИШЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Улуғ Ватанимиз тақдири, келажагимиз бугун униб-ўсиб келаётган ёш авлодга, унинг жисмоний, маънавий камолотига чамбарчас боғлиқ эканлиги аён. Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан 2001 йил “Оналар ва болалар йили” деб эълон қилиниши ҳам баркамол авлодни вояга етказиш, эртанги буюк келажагимизнинг мустақкам пойдеворини яратиш йўлида бетакрор аҳамиятга эга бўлди. Қувонарли жиҳати шундаки, шу йилларда жамиятнинг кичик бўғини — оилани мустақкамлаш, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш, маънавий ва жисмоний соғломлаштириш борасида фахрланарли ишлар амалга оширилди.

Оила, она, бола манфаатлари устувор ўринга қўйилган кейинги йилларда қилинган эзгу ишлар аёлларимиз, болаларимиз саломатлигини мустақкамлаш йўлида қандай самара бераётганини биргина Фаргона вилояти мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўтган давр ичида соғлом оилани шакллантириш, оилада юксак ахлоқий, маънавий муҳитни барпо этиш борасида вилоят тиббиёт ходимлари, педагоглар, ҳуқуқшунослар ва бошқа соҳа мутахассислари томонидан муайян ишлар амалга оширилди.

Маълумки, инсоннинг бу ёруғ дунёда қолдирадиган изи унинг фарзандларидир. Фарзанд баркамол, ақл-идрокли, гўзал хулқли бўлиб ўсса, демак, инсон ўзидан сўнг ҳам яна узоқ йиллар ҳосил берадиган эзгулик ниҳолларини экиб кетган бўлади. Ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол фарзанд фақат соғлом онадангина туғилади. Шунини эътиборга олиб, шаҳар ва туманларимиздаги туғиш ёшидаги барча аёллар тўла тиббий кўриқдан ўтказилмоқда, зарурий ҳолларда шифохоналарга жойлаштирилиб, даволанмоқда.

Вилоят туғруқ уйи қошида “Она ва бола” скрининг маркази иш бошлагани вилоятимиз аҳли учун катта туҳфа бўлди.

Республика “Соғлом авлод” ҳамда “Она ва бола” Давлат дастурларига киритилган 3 та йирик “Она ва бола” шифохонасидан иккитаси айнан Фарғона вилояти ҳудудида бунёд этилмоқда. Булар Бешариқ туманидаги 120 ўринли “Она ва бола” сиҳатгоҳи ҳамда Қува туманидаги “Она ва бола” реабилитация марказидир.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига туҳфа бўлажак ажойиб иншоот — Бешариқ туманидаги “Она ва бола” сиҳатгоҳи қурилиши бугунги кунда жадал суръат билан бормоқда. Ушбу сиҳатгоҳ маъданли шифобахш сув воцитасида беморларни даволаш имконига эга.

Қува туманидаги “Она ва бола” шифохонаси (реабилитация маркази)ни энг замонавий тиббиёт ускуналари, мебель ва зарурий жиҳозлар билан безатилган. Марказ ҳавас қилса арзигулик даволаш муассасаси бўлади.

Вилоятимизнинг Чимён оромбахш ҳудудида жойлашган республика миқёсидаги санаторийнинг 200 ўринли 3-корпуси таъмирланиб, қайта жиҳозланди ва “Она ва

Соғлом, баркамол авлод камоли спорт ва жисмоний тарбия билан узвий боғлиқ.

Ислом КАРИМОВ

бола” корпусига айлантирилди. Ҳозирги кунда бу шифо масканида республикамизнинг барча шаҳар, туманларидан келган оналар ва болалар соғломлаштирилмоқда.

Ёш оилаларни мустаҳкамлаш борасида белгиланган вазифалар ҳам доимо эътиборда. Барча шаҳар ва туман фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлимлари, шунингдек, марказий шифохоналар қошида ҳуқуқий, тиббий, руҳий маслаҳатхоналар, комиссиялар, “Оила дорилфунун”лари самарали фаолият кўрсатмоқда. “Сиз оила қуришга тайёрмисиз?”, “Балоғат остонасида”, “Келин-куёв либослари” вилоят кўрик-танловларининг ўтказилгани ҳам оилани мустаҳкамлаш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Ўтган қисқа давр ичида “Соғлом авлод” Давлат дастурининг бошқа йўналишлари, чунончи болалар соғлигини мустаҳкамлаш, ногирон болаларни қўллаб-қувватлаш, таълим-тарбия ва спортнинг фарзандларимиз ҳаётидаги ўрнини ошириш юзасидан муайян ишлар қилинди.

Спорт болаларимиз ва ўсмирларимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин олмоқда. Маҳалла болаларининг футбол мусобақалари, “Олимпиада умидлари” вилоят спартакиадалари ёш авлоднинг соғлом бўлиб вояга етиши учун пойдевор вазифасини ўтайди. Маҳалла болалари футбол командалари ўртасидаги мусобақаларнинг оммалашуви, “Алпомиш ўйинлари” талаба ёшлар спорт мусо-

бақаларининг доимий тус олиши бу борадаги умидларимизга жўшқинлик бахш этипти.

Айни пайтда Халқаро болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Конвенциясига асосан вилоятимизнинг барча шаҳар, туман халқ таълими бўлимларига қарашли муассасаларда кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жойларда ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари билан болалар ҳуқуқлари мавзуида кечалар, баҳс-мунозаралар ўтказиб борилмоқда.

Ҳар бир миллатнинг маданияти хотин-қизларга бўлган муносабат мезони билан ўлчанади. Мамлакатимизда оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, жамиятдаги мавқеларини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани Юртбошимизнинг аёлларга бўлган беқиёс эҳтироми, ишонч-эътибори ифодасидир.

Истеъдодли, ижодкор қизларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш, ижоди билан халқимизни таништириш мақсадида талай тадбирлар ўтказилди. Қизларимизнинг ижод намуналари “Фарғона ҳақиқати”, “Ойдин”, “Устоз” газеталарида чоп этилиб, Республика ва вилоят телевидениеларида улар тўғрисида махсус кўрсатувлар намойиш қилинди. 1999 йилда Марғилон шаҳридаги “Истиқбол” гимназиясининг 11-синф ўқувчиси Дилфуза Содиқова, 2000 йилда Риштон туманидаги 27-ўрта мактаб ўқувчиси Муҳайё Тешабоева Зулфия мукофоти совриндори бўлдилар.

Бизнинг яна бир бебаҳо маънавий бойлигимиз — маҳалладир. Халқимизнинг “Кўшнинг тинч, маҳалланг тинч — сен тинч”, деган доно нақли айни кунларда янада долзарблик касб этмоқда. Бир болага етти маҳал-

ла ота-она, деганларидай, оила мустаҳкамлиги, фарзандларимиз тарбиясида маҳалланинг ўзига хос, асрларга дахлдор тажрибаси бор. Яқинда хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида диний экстремизмнинг олдини олиш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор ҳам маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, хотин-қизлар, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтиришга қаратилди. Қарорга асосан ҳуқуқий ойлик ўтказилиб, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, тегишли мутахассислар вилоятнинг энг чекка қишлоқларигача бориб, мулоқотлар, баҳслар, мунозаралар ўтказмоқдалар. Оила маънавиятини юксалтириш мақсадида маҳаллалар, ўқув юртлари, меҳнат жамоаларида ўтказилган “Ҳуқуқингизни биласизми?”, “Маҳалла — маънавият бешиги”, “Ватан оиладан бошланади”, “Диний қадриятларимиз” сингари кечалар, баҳс, учрашувлар ҳозирдаёқ ўз самарасини бермоқда.

Фарғона — санъаткорлар гулшанидир. Бу гулшандан етук санъаткорлар етишиб чиқиши ҳам ота-оналарга, ҳам тарбиячиларга, ҳам ўқитувчиларга боғлиқ. Вилоят халқ таълими бошқармаси мактабгача болалар муассасаларини 35 миллион сўмлик миллий мусиқа асбоблари билан таъминлаш учун маблағ ажратди.



Беланчакда ётган гўдакдан
тунлар бодом иси анқийди,
сочларида юлдузлар ўйнар,
кўзларида қувонч сийрати...

Кейин яна тонгнинг кўксига
беланчакда гўдак очар кўз,
гуллар яшар шўх нафасида,
сочларида ўйнайди юлдуз...

Хуришид ДАВРОН

Айни пайтда мактабгача тарбия муассасаларидан ҳар бирининг ўз кўғирчоқ театри бўлиши учун тадорик кўрилмоқда. Тез кунларда болажонларимиз театрларида эртакларни ўзлари саҳналаштириб, ўзлари уни ижро этишади.

Буларнинг барчаси болаларимиз маънавий оламини юксалтиришдек хайрли ишларимизнинг дебчасидир. Зеро, бу соҳада қанча кўп иш қилсак, қанча кўп ташаббусга қанот берсак, Президентимизнинг оналар ва болаларни эъзозлаш ҳақидаги йўл-йўриқларини шу қадар муносиброқ бажарган бўламиз.



Шарофат АШУРОВА

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ТАҚДИРИГА МАСЪУЛЛИК

Кейинги йилларда Қашқадарё вилоятида оналар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг турли касалликларга чалинишига йўл қўймаслик, ногиронликнинг олдини олиш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди. Аёллар, болаларнинг муҳофазасига эътибор йилдан-йил кучайтирилмоқда.

Масалан, Қарши шаҳридаги “Она ва бола скрининги” маркази мутахассислари 2000 йил давомида вилоят бўйича 50 мингдан зиёд туғиш ёшидаги хотин-қизларни тиббий назоратдан ўтказди. Шундан турли даражадаги тиббий ёрдамга муҳтож 23 минг хотин-қиз назоратга олиниб, уларни соғломлаштириш ишлари амалга оширилди. Марказ томонидан аёлларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, билимларини кенгайтириш мақсадида вилоятнинг оналар ва болаларга хизмат қилиш муассасаларида 223 та “Оналар мактаби” ташкил этилди. Жойларда ўқув семинарлари, суҳбатлар мунтазам ўтказилмоқда.

Вилоят “Она ва бола скрининги” марказининг олиб бораётган ишларини эътиборга олиб, 2000 йил 18 августда “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси томонидан 100 минг АҚШ доллари қийматидаги “Дельфия-Виктор” таххис лабораторияси, реактивлар, дори-

Оилада биринчи фарзандни мустаҳкам оёққа тургаза билиш муҳим аҳамиятга молик, чунки у кейингиларга таянч бўлади.

Шарқ ҳикмати

дармонлар келтирилиб, жиҳозлар ишга туширилди. Замонавий ташхис лабораториясига эга бўлган марказ йил охирига қадар вилоятнинг барча туман туғруқ комплексларида чақалоқларни неонатал скрининг текширувидан ўтказиш учун 4000 та қон намунаси олинган бланкалар тарқатди ва 3400 та қон таҳлили амалга оширилди.

2000 йилда жами 57970 та ҳомиладор аёл ҳисобга олиниб, шундан 46120 таси ультратовуш текширувидан ўтказилди. Жами 106 та туғма нуқсон аниқланиб, тиббий чоралар кўрилди. Бу ишлар “Она ва бола” Давлат дастурига киритилган тадбирларни янада яхшироқ амалга ошириш мақсадида изчил давом эттирилмоқда. “Она ва бола скрининги” маркази томонидан 2001 йилнинг 4 ойи давомида 3000 дан ортиқ ҳомиладор аёл ультратовуш текширувидан ўтказилиб, 26 та нуқсонли ҳомила туғилишининг олди олинди.

Марказ мутахассислари ва ҳамкорликдаги давлат ва нодавлат ташкилотлар, жамғармалар томонидан вилоятда 3526 та маъруза ўқилди, 10 та кўрсатув, 31 та эшиттириш тайёрланди. Болалар ногирон туғилишининг олдини олиш мақсадида қариндош-уруғларнинг қуда-анда бўлишининг салбий оқибатлари ҳақида тушунтириш ишлари кучайтирилди, никоҳдан ўтиш олдидан тиббий кўрик албатта лозимлиги, соғлом аёлдангина соғлом фарзанд туғилиши мумкинлиги, туғруқ оралиқларида

танаффус бўлиши афзаллиги ёшларнинг онгига етказилмоқда.

Вилоят “Саломатлик” маркази томонидан 2000 йилда мактабларда “Саломатлик” ўқув курслари ташкил этилиб, шу йили 860 та ўсмир йигит-қиз ўқитилди. Марказ томонидан аҳолининг тиббий ва маданий билимларини ошириш мақсадида турли видеоклиплар тайёрланиб, мулоқот даврида намойиш этилмоқда.

Бундан ташқари, келажакда оила қурадиган ёш йигит-қизлар ўртасида оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида соғлом онадан соғлом бола туғилиши, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини тушунтириш учун вилоят хотин-қизлар кўмитаси, адлия бошқармаси, вилоятдаги Оила ва никоҳ марказлари, Наркология ва бошқа диспансерлар билан ҳамкорликда Қарши шаҳар фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлимида “Ёш оила мактаби” курси ташкил қилинди. Шу даврда 264 нафар ёш йигит-қиз ўқитилди. Тадбирларда вилоят “Саломатлик” марказининг видеоклиплари намойиш этилади. Шунингдек, вилоят ва шаҳар телевидениеларида “Саломатлик” кўрсатувлари уюштирилиб, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш ва соғлом авлод яратишга доир лавҳалар кўрсатилмоқда. Марказ томонидан 10 турдаги буклет ва варақалар тайёрланиб, аҳоли ўртасида тарқатилди.

Вилоят “Саломатлик” маркази хотин-қизлар Кўмитаси, вилоят “Олима аёллар” уюшмаси билан ҳамкорликда вилоят телевидениесига “Оналар мактаби” кўрсатувини ташкил этиб, ойда икки марта эфирга бериб бормоқда. Республикада фаолиятини бошлаган хорижий жамғармалар вилоят “Саломатлик” марказининг тажрибасини ўрганиб, у билан ҳамкорлик қилишга эъти-

бор қаратдилар. 2001 йилнинг бошида “Сорос фонди” томонидан “Соғлом она — соғлом бола” лойиҳаси учун (унинг муаллифи олий тоифали врач Шоира Набиева) 5742 АҚШ доллари миқдорида грант берилди.

Бундан ташқари, хорижий жамғармалар маблағи ҳисобидан хотин-қизлар ўртасида тиббий билимларни ошириш бўйича ўқув семинарлари ишламоқда. Бугунги кунда марказ қошида вилоят тиббиёт кутубхонаси ишлаб турибди. Бу кутубхона ҳам марказнинг ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, ҳозир унда 12009 та тиббий қўлланма мавжуд. Кутубхона инсон саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида барча ўқув қўлланмалари, газета ва журналлар билан таъминланади. Жумладан, Женевадан Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг беғараз ёрдами сифатида мунтазам тиббий қўлланмалар олинмоқда. Бу тадбирлар бутун республикамизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган улкан ишларнинг бир қисмидир.



*Васила КАРИМОВА,
Республика "Оила" илмий-амалий
маркази раҳбари*

ОИЛАДА МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯНИНГ ТАЪСИР ЙЎНАЛИШЛАРИ

“Она ва бола” дастурида маънавий тарбияга алоҳида эътибор қаратилган.

Зеро шахснинг маънавияти, дунёқараши, тасавури ва эътиқодини белгиловчи билимлар мажмуи асосан оилада шаклланади. Шу маънода — оила ҳақиқий маънавият ўчоғи, мафкуравий тарбиянинг сарчашмасидир, оиладаги шарт-шароит — руҳий таълим-тарбиянинг жуда муҳим омилidir.

Оиладаги маънавий-мафкуравий тарбия хусусида гап борар экан, биз унинг асосий таъсир йўналишларини белгилаб олишимиз керак.

Энг аввало, шуни эътироф этиш керакки, оилавий тарбиянинг самарадорлиги ота ва она, оиладаги бошқа катталарнинг болаларга қай даражада ўртак бўлаётганига боғлиқ. Боланинг кўз ўнгиде содир бўлаётган ҳодисалар, оилавий анъаналар, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари қай йўсинда эканлиги унинг тарбиясига қаттиқ таъсир ўтказади. Шу боис ҳам жамиятдаги инсоний муносабатлар, айниқса, эркак киши билан аёл ўртасидаги, ота ва она, қайнона ва келин, қайнота ва куёв муносабатларини таҳлил қилиш, керак бўлса, илмий нуқтаи назардан ўрганиш, бундан тегишли хулоса

Энг муҳими бошланғич тарбиядир. Бошланғич тарбия эса, сўзсиз, аёллар билан боғлиқ.

Жан Жак РУССО

ва тавсиялар келтириб чиқариш долзарб вазифа ҳисобланади. Республика “Оила” илмий-амалий марказининг ташкил бўлиши ва унда амалга ошириладиган тадқиқотларнинг асосий мақсади шунга йўналтирилган.

Бу масалада жамият бефарқлик билан “оиладаги муносабатлар — оиланинг ички иши” деб ўзини четга ололмайди. Акс ҳолда бола тарбияси ҳам “оиланинг ички” иши бўлиб қолар эди. Гап шундаки, бир қарашда оиладаги муҳит фақат ўз аъзолари ўртасидаги муносабатлар мажмуасидан иборатдай туюлса-да, аслида айнан мана шу масканда жамиятда рўй берадиган барча ижтимоий муносабатлар — ахлоқий, маънавий, диний, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий дунёқараш ва маданият шаклланади.

Оила — одамларнинг умр мазмуни, уларнинг тақдирини боғлайдиган, бахту қувончлари, ташвишу ғамларини мужассам этувчи мураккаб ва кўпқиррали бир макон. “Оила” илмий-амалий маркази тадқиқ этаётган муаммолардан бири бу — ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларда никоҳ деб аталмиш ноёб қадриятга нисбатан тўғри муносабатни тарбиялаш. Ота-оналар аниқтиник англаб етмоқлари лозимки, ёшлар оилавий ҳаётга нафақат жисмонан — физиологик жиҳатдан, балки энг аввало, маънавий-руҳий жиҳатдан ҳам, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам тайёр бўлишлари керак. Масалан, ота-оналарнинг “Неча ёшдан йигит-қиз оилавий ҳаётга тайёр бўлади, деб ўйлайсиз?” деган саволга

жавоби, тушунчаси ўрганилди. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, аксарият ота-оналар 17-18 ёшда қизлар, 19-20 ёшда йигитлар оилавий ҳаётга тайёр бўлади, деб ҳисоблашар экан. Лекин бу балоғат ёши ҳамда никоҳ ёши тўғрисидаги илмий нуқтаи назардан белгиланган кўрсаткичларга мос келмайди. Ижтимоий психологияда никоҳга етукликнинг бир неча тури фарқланади. Тўғри, жисмоний балоғат, қизлар ва йигитлардаги физиологик ўсиш ва ривожланишдан келиб чиққанда, етилиш даври 16 ёшдан 18 ёшгача эканлиги маълум. Лекин оилавий ҳаёт ва рўзғор бошқаруви нуқтаи назаридан етуклик тушунчаси бундан анча фарқ қилади. Агар иқтисодий етуклик учун йигит ва қизнинг айна бирор касб-ҳунар ва малаканинг соҳиби бўлиши кифоя деб олганда ҳам, ҳозир жорий қилинаётган таълим тизими бўйича етуклик 18 ёшдан ўтиб кетади. Ҳақиқатан, мустақил тарзда рўзғор кам-кўстини энг кам даражада бўлсада, қоплай оладиган бўлиш учун, олий маълумотга эга бўлмаган тақдирда ҳам, касб-ҳунар коллежини битиргач, тайин иш жойига, даромад манбаига эга бўлиш



Қўл силкитиб турар оналар,
Бизлар кетган ёқларга қараб,
Узун хаёл сураб оналар
Ўтган учкур дамларни санаб...
Оқ сочларин жимгина тараб,
Кўзлари тўрт турар оналар.
Бизнинг кетган йўлларга қараб,
Қўл силкитиб ўтар оналар...

АЗИМ СУҲОН

**Оила — жамиятнинг митти кўриниши, бутун инсо-
ниятнинг хавфсизлиги — оиланинг мустаҳкамлигига
борлиқ.**

Феликс АДЛЕР

керак (айниқса, йигитлар). Шарқона маданиятимиз ва миллий удумларимиз ёш оилани иқтисодий жиҳатдан рўзгорнинг дастлабки йилларида қўллаб-қувватлаб туришни анъанага айлантирган. Ота-оналар турмуш қурган фарзандлари моддий жиҳатдан қийналмаслиги учун аввалдан шароит яратишни ўйлашади, тўйдан сўнг шунга интилишади. Лекин, бир томондан, айнан мана шу ҳолат — янги турмуш қурган йигит ё қиз мустақил ҳаётга етарлича тайёрланмаганини кўрсатса, иккинчи муҳим томони, оила қурадиган ёшларнинг ижтимоий жиҳатдан етуклиги кўп ҳолларда эътибордан четда қолади.

Бугун республикамизда никоҳ қураётганларнинг 60-65 фоизи ҳаётининг беш йилини ота-оналар кучоғида ўтказди. Моддий жиҳатдан таъминланмаган ёш оилада пайдо бўлаётган муаммолар келин-куёвнинг бири-бирига, оиланинг катта ва кичик бошқа аъзоларига нисбатан тўғри муносабат йўлга қўйилмаганидан келиб чиқади. Шу ўринда айрим рақамларни келтириш мумкин: 2000 йилда 168 мингдан зиёд ёш оила қурилди. Ажралишлар сонига келсак, 14% ни ташкил этди. Бу рақам бошқа давлатлардагига нисбатан анча кам бўлсада, асрий анъаналарга эга бўлган халқимиз учун барибир ташвишланарлидир. Ажралишларнинг сабабларини таҳлил қиладиган бўлсак, ёшларнинг ўзаро тил топиша олмагани, феъл-атворининг мос келмаётгани кўпчилиқни ташкил этади. Айнан мана шу ҳолат ижти-

мойи психологик етукликка эришмай турмуш қуриш билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам бизнинг олдимизда турган энг долзарб муаммо ҳар бир фуқарога жамиятимиз маънавияти ва ривожда никоҳнинг мустаҳкамлиги катта аҳамиятга эгаллигини уқдириш, ҳар бир оилада соғлом мафкуравий тарбия муҳитини шакллантиришдан иборат. Шу мақсаддан келиб чиқиб, бир неча тарбиявий таъсир йўналишларини белгиладик.

1. Оилавий анъаналар, удумлар, расм-русумлар оилада мафкуравий тарбияни кучайтирувчи муҳим омилдир. Чунки узоқ асрлар давомида сақланиб келаётган бу қадриятларда халқ эъзозлайдиган муҳим хусусиятлар бор. Масалан, чақалоқ туғилганда, унинг қулоғига азон айтилиши, “бешик солди” удуми, оналар “Алла”си, суннат тўйлари, никоҳ тўйлари бутун маҳалланинг эътиборида ўтади, бу эса оиладаги ҳар бир ўзгариш жамоатчилик назарига ҳавола этилиш тамойилини, бир болага етти маҳалла, етти уруғ тарбиячи эканини исботлайди. Бу удумлардан ҳар бирининг замирида остонанинг муқаддаслиги, инсонийлик иймондан бошланиши, инсон дунёда эзгу ва солиҳ ҳаёт кечириш учун яралганини авлодларга эслатиб туриш ва уларнинг онгига сингдириш нияти ётади. Бу том маънодаги тарбиянинг пойдеворидир. Бундан ташқари, ҳар бир оилада авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтиб келаётган расм-русумлар, оилавий урфлар, масалан, ота касбини давом эттириш, меҳмоннавозлик, китобхонлик каби анъаналар бўлади. Бундай одатларнинг сақланиши ва ривожлантирилиши, ҳар бир оила аъзосининг уларга қатъий риоя этиши, шараф деб билиши оила, маҳалла ва жамият анъаналари ўртасидаги уйғунликни таъминлайди, ижтимоий тотувлик ва ҳамжиҳатликка асос бўлади, улар ҳатто фаровонлик учун

ҳам муҳимдир. Демак, инсонпарварлик, эътиқодлилик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, ҳозир давримизда долзарблик касб этаётган тушунча — толерантлик, яъни ўзга эътиқод ва анъаналарга нисбатан бағрикенглик фазилатларининг бари-бариси оиладаги муносабатлардан келиб чиқади. Агар бола илк ёшидан оила аъзоларига нисбатан меҳр-шафқатли, кўни-кўшниларга оқибатли бўлиб, остонасини муқаддас деб билиш руҳида тарбияланса, қалбида Ватан туйғуси шунча чуқур илдиз отади.

2. **Мулоқот** — ота-она, қайнона-келин, қариндош-уруғлар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри, уларда ор-номус, меҳр-оқибат, сиполик, олижаноблик (рамзий образ — Отабек), шарм-ҳаё, иффат, ибо, назокат (рамзий образ — Кумуш) сифатларининг намоён бўлиши ўзбек характерининг шундай кучли томоники, уни ўзлаштира олган ҳар бир йигит ва қиз баркамоллик сари интилади.

Бугун бутун таълим тизими, маҳалла, жамоат ташкилотлари, ҳар бир оила фарзандлар тарбиясида шарқона муомала ва одобга катта аҳамият беришлари зарур.

Турли тоифадаги оилалар — тўлиқ ва нотўлиқ, катта ва кичик, бўлинган ва бўлинмаган оилалар мисолида шуни кўриш мумкинки, боланинг тарбия даражаси, энг аввало, оиланинг таркибига, қолаверса, ундаги муносабатларнинг характерига бевосита боғлиқ экан.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юксак технологиялар асрида инсон миясига кириб келадиган маълум



Давлатинг — ота-онанг, савлатинг — ўғил-қизинг.

Ўзбек мақоли

мотлар оқимининг тиғизлигига қарамай, инсон барибир оддий инсоний муомалалар, ўша Абдулла Қодирий асарларида акс эттирилган ота-она—фарзанд, келин—куёв, келин—қайнона муносабатлари доирасида қолади ва уларнинг анъанавий муносабат ва одоб нормаларига эҳтиёж сезади. Бундай эҳтиёжнинг қондирилмаслиги эса асабийлашиш, атрофда рўй бераётган ҳодиса-воқеаларга нисбатан субъектив, нотўғри муносабатни юзага чиқаради. Оилавий низолар, ажралишларнинг сабаблари таҳлилидан яна шу нарса аён бўладики, оила муҳити, ундаги муносабатлар юқорида таъкидланган инсоний сифатлар шаклланишида ижобий ҳам, салбий ҳам роль ўйнаши мумкин. Демак, ёшларни оилавий ҳаётга ижтимоий психологик жиҳатдан тайёрлаш фаол тарбияни тақозо этади.

3. **Меҳнат тарбияси** аслида оиладан бошланади ва оила аъзоларининг меҳнатга, унинг натижаларига, меҳнат туфайли яратиладиган моддий ва маънавий неъматларга тўғри муносабатни шакллантиришни назарда тутди. Агар оилада бирор йўналишда ёки касбга нисбатан меҳнат анъаналари шаклланган бўлса, бундай шароитда болани тарбиялаш анча енгил кечади. Лекин ҳозирги бозор муносабатлари шароитида ота-оналарнинг моддий неъматлар яратиш, пул топиш, меҳнат қилиш ва уни оила манфаати йўлида сарф этишга муносабатларида ўзгаришлар кузатилмоқда. Айниқса, аёлларнинг ўз зиммаларига оиланинг моддий таъминотини олиши, эрталабдан кечгача ишда банд бўлиши қатор ноқулайликлар туғдирмоқда, масалан, бола тарбиясида онанинг ўрни сезилмоқда. Яна бир ачинарли ҳолат: ишдан чарчаб келиб, қилган меҳнатида боласи олдида нолиб турган аёл на ўғли, на қизи қалбида меҳнатга нисбатан тўғри муносабатни шакллантира олмайди.

Болаларни шундай тарбия этиш лозимки, бахтга бўлган иштигишлари ҳеч қачон хазон бўлмасин, сўнмасин, балки кўкарсин.

Абдурауф ФИТРАТ

Фарғона водийси, Зарафшон воҳаси, Хоразмда асрий ҳунармандчилик анъаналарини сақлаб келаётган оилалар бор. Бу оилаларда касбни нафақат тирикчилик манбаи деб билишади, балки юксак маданият ва маънавият, санъат даражасида эъозлашади. Лекин баъзан у ёки бу касбнинг қийинчиликлари, тинимсиз изланиш, тиришқоқликни талаб қилишини инобатга олиб, ота-оналари ўз зурриётларини марказдаги нуфузли ўқув юртларида ўқитиш, бутунлай бошқа касб-ҳунар билан шуғулланишига рағбат билдиришади. Умуман олганда, бунинг ёмон жиҳати йўқ. Лекин бола қонидаги касбга лаёқатнинг сунъий тарзда сўндирилиши, бир неча авлод фаолияти туфайли йиғилган касбий маҳорат анъанасидаги узилиш масаланинг бир томони бўлса, юраги чопмаган касб бўйича ўртамиёна мутахассис бўлиш, сўнг қониқмасдан оиласини боқиш учун турли йўллар ахтаришга тушишни ижобий ҳодиса деб бўлмайди. Ҳарқалай, ривожланган мамлакатларда ота-онасидан мерос фаолият ёки бизнес тури билан шуғулланиш ва бора-бора йирик оилавий корхоналар пайдо қилиш анъанаси кенг тарқалган. Шунинг учун ота-оналар олдида турган муҳим мафкуравий вазифа — фарзандларининг лаёқатларини имкони борича эрта илғаб, унинг ривожини учун ўз имкониятларидаги барча шарт-шароитни яратиб беришдир. Бунда ишнинг ёмони бўлмаслиги, ҳар қандай касб, агар у қунт ва маҳорат билан бажарилса,

оилага барака, касб эгасига жамиятда обрў келтиришини тушунтира олиш зарур.

4. Болалар ўйинлари. Ўйин фаолияти — инсон ҳаётидаги энг табиий фаолият турларидан бири. Ташқи олам ҳақида билимнинг катта қисмини бола асосан турли ўйинлар орқали ўзлаштиради. Бу соҳада ҳам ўзбек халқининг бой маданияти, сермазмун маънавий мероси бор. Азалдан ота-боболаримиз қиз болалар ва ўғил болалар ўйинларини фарқлаганлар, ўйин моҳиятида жинсий хусусиятлар билан боғлиқ сифатларни тарбиялашни назарда тутганлар. Масалан, қизларнинг кўғирчоқлари кўпинча оналари, момолари ёрдамида ясалган, бу жараёнда ўша маданий муҳит, унинг иқтисодий салоҳияти бевосита ўз аксини топган. Ёки арғимчоқ, “тўптош” ўйинлари ҳаракатчанлик, аниқлик, саноқ малакалари, бошқа тенгқурлар билан ҳамкорлик қила олиш кўникмаларини шакллантирган. Ўғил болалар ўйинлари ҳам ўзига хос бўлиб, ҳеч қачон қизлар уларни ўйнамаган. Албатта, бугун замон бошқа. XX аср барча соҳада бўлгани каби болалар ўйинларининг мазмунини ҳам ўзгартирди. Ўйинчоқлар ишлаб чиқарувчи саноатнинг ривожини шу даражага етдики, бола онги ва тафаккури уларнинг мазмунини тўла қамрашга ҳатто ожизлик қилмоқда.

Замонавий ўйин ва ўйинчоқларнинг аксарияти ўғил болалар фантазияси ва тасаввур оламини кенгайтиришга мўлжалланган. Қизларга мўлжалланган ўйинчоқлар хили ҳам, сифати ҳам қоникарли эмас. Шу боис табиатан тиришқоқ ва қизиқувчан қизлар ўғил болалар ўйинларини ҳам ўйнашга берилиб кетмоқда. Бу маълум маънода жинсга оид тасаввурларда ҳам ўз аксини топиб, замонавий қизлардаги дадиллик, етакчиликка иштиёқ, қатъият каби қатор эркакларга хос сифатларни кучайтирмоқда.

Болаликни севинг, унинг ўйини ва эртақларига, мурваққинна табиий туйғуларига эътибор беринг! Лабдан кулги аримайдиган, қалб шу оламдан тўхтовсиз хузурланадиган ўша дақиқаларни қай бирингиз, ахир, аччиқ билан эсламайсиз?

Жан Жак РУССО

Болалар ўйинчоқлари мафкуравий нуқтаи назардан ҳам кузатилиб, таҳлил қилиб борилиши лозим. Масалан, “Бэдмэн” кўғирчоғи каби жангари тоифали ўйинчоқлар, табиийки, бола характерида урушқоқликни кучайтиради, “Барби” каби болалар ёшига мос келмайдиган ифбатсиз ўйинчоқлар шарқона ибo ёки назокат сифатларидан чекинишга сабаб бўлиши мумкин. Умуман, бугун савдогарларимиз олиб келиб болаларимизга таклиф этаётган турфа хил ўйинчоқларни, болаларга таклиф этилаётган мультфильмлар ва китобчалар мазмунини психологик ва педагогик экспертиза қилишни йўлга қўйиш долзарб масала. Ҳеч бўлмаганда қайси ўйин (хусусан, компьютер ўйинлари) ёки ўйинчоқ бола руҳиятига қандай таъсир ўтказиши ҳақида ота-оналарни огоҳ қилиб туриш лозим. Болаларимизни ўйинчоқлардаги опкор ёки яширин, миллий истиқлол ғоясига ёт руҳ таъсиридан ҳимоя қилишимиз керак.

5. Мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларнинг оила ва никоҳ масалаларида саводхонлигини ошириш ишлари “Она ва бола” Давлат дастурига мувофиқ олиб борилмоқда. Шу билан бирга энди ота-оналар, қайнона ва қайноталар саводхонлигини ҳам ошириш чораларини кўриш пайти келди. Бу масалага жиддий ёндошиб, таълим шаклини тубдан ўзгартириш шу куннинг му-

ҳим муаммоларидан. Тасаввур қилинг, ёш оила бахтли турмуш бошлади. Ўзаро муносабатларда, муомалада муаммо йўқ. Лекин маълум вақт ўтгач, Яратганнинг марҳамати билан фарзанд туғилади. Янги меҳмоннинг улгайиши ва камол топиши шу қадар мураккаб жараёнки, ёш она бола ривожланишининг барча қирраларини билмаслиги, ҳатто ўз саломатлигини сақлаш ва шу орқали болани тўлақонли озиқлантириш малакасига эга бўлмаслиги табиий. Тўғри, келинчакнинг кўзи ёриганда қайнонаси, онаси чилласи чиққунга қадар баҳоли қудрат ёрдам беришади. Момолар ҳам қараб туришмайди. Лекин чилла муддати тугайди, ёш она фарзанди билан ёлғиз қолади. Бундан буён кўп нарса энди ёш онанинг саводхонлигига боғлиқ бўлиб қолади. Болани тўғри тарбиялаш нафақат онанинг, балки отанинг ҳам ишидир. Баъзи ёш оталар фарзандларини қандай эркалашни ҳам билмай қийналади. Хуллас, ёшларимизни оналик ва оталикка ҳар жиҳатдан тайёрлашимиз лозим.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, оилавий саводхонлик тушунчаси фақат бола тарбияси билан чекланмайди. Маънавият билан йўғрилган мулоқот ва чиройли муомала одоби ижтимоий саводхонликнинг яна бир шаклини талаб қилади, бу — ҳар бир оила аъзоси учун бир-бирининг олдида ўзини тўғри тутиш маданиятидир. Таниқли психолог ва социолог Гоффман оилавий ўзаро муносабатларни “саҳнадаги” ва “саҳна орти” турларига бўлиб, уларнинг ҳар бири инсондан ўзига хос тарздаги маданиятни талаб қилишини асослаган эди. Дарҳақиқат, қайнона бўлиш, қайнота бўлиш, қуёв ёки келин ролларини Гоффман таъбири билан айтганда, “саҳнада” — ҳамманинг кўз ўнгида намойиш этиш осонликча кечмайди. Бунда бизнинг ўзбекона маданиятимизга му-

вофиқ бутун маҳалла, қариндош-уруғ “саҳна”дагиларнинг ҳар бир босган қадамига эътибор бериб туришганини ҳам ҳисобга олиш керак. Шунинг учун агар ёшлар ҳам, миллий анъаналардан яхши хабардор бўлмаган ота-оналар ҳам муомала сирлари ва этикет асосларини билмасалар, бу маълум қийинчиликлар, оилавий низолар келтириб чиқариши мумкин. Бу муаммони ҳал этишда мумтоз адабиёт, оммабоп тарзда ёзилган асарлар, “Оила кутубхонаси” рукнида чиқаётган рисола, қўлланмалар қўл келади. Улар мазмунини давр талаби руҳида ёритиш, маҳаллаларда “Ота-оналар дорилфунунлари” ишини такомиллаштириш кутилган самара бериши лозим.

6. Яна бир мураккаб, лекин долзарб йўналиш бу — фарзандларимизни оила муҳитида мустақил фикрлашга ўргатишдир. Масаланинг мураккаблиги шундаки, шарқона одоб ва муносабатларга муайян даражада консерватизм хос. Мустақил фикрлаш эса кўпинча ана шу қоида ва нормаларга зид келади. Лекин бу сиртдан қараганда шундай. Моҳиятан, шарқона одоб ва ахлоқ эркин фикрлашни рад этмайди. Шунинг учун Шарқ тарбия тизимининг барча ижобий жиҳатларини сақлаб қолган ҳолда, Ғарб тарбия мактаби анъаналарини ҳам инобатга олиш оиланинг миллий истиқлол ғояларини фарзандларга сингдиришида муҳим омил ҳисобланади.

Ўтказилган социологик ҳамда психологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, боланинг мустақил фикрлай олиш қобилиятининг илк куртаклари айнан оила муҳитида шаклланади экан. Юқорида таъкидлаганимиздек, ранг-баранг ўйинчоқларга эга бўлган ўғил болада синчковлик, кузатувчанлик, жонсарақлик сифатлари шакллана бошлайди. Мактабгача тарбия ёшида боланинг барча саволларига берилган аниқ ва тушунарли жавоб-

Ахлоқий таъсир кучи ҳар қандай кучдан устундир.

Николай ГОГОЛЬ

лар, овоз чиқариб мушоҳада қилиш бола онгини ва фикрлаш қобилиятини сўзсиз ўстиради. Психологик сўровлар ва кузатишлардан яна шу нарса маълумки, қиз болаларнинг турфа саволларига негадир ота-оналар қисқа, узук-юлуқ жавоб беришар, баъзан умуман “қиз бола ҳадеб савол беравермайди”, деб унинг раъйи қайтарилар экан. Бу ҳолат бора-бора қизлардаги ўзгалар фикрига эргашиш, катганинг фикрини сўзсиз тўғри деб қабул қилишга олиб келади. Кейинчалик кичик мактаб ёшида ҳам ўғил болаларга мактаб ўқитувчиси ҳам танбеҳ, ҳам рағбат маъносида кўпроқ эътибор берар, бу ҳам уларнинг ҳаётда тезроқ “пишиб қолишига” замин яратар экан. Шунинг учун ўзбек оиласида ўғил боланинг мустақилроқ бўлиши ва фикрлаш тарзининг йўналиши учун кўпроқ замин яратилади. Лекин замонавий оилалардаги ота-онанинг бандлиги ва айниқса, оталарнинг тарбия жараёнидан четда қолаётгани табиий ҳолатга айланиб қолмоқда (сўровларда 85-90 % оналар ва бувилар бола тарбиясида бевосита ўзларини масъул деб кўрсатишган). Мана шу каби далиллар оилада фарзандларимизнинг мустақил фикрлаш қобилиятини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигини кўрсатади.

Даврнинг жадал суръат билан ўзгараётгани ҳаммамизнинг кўз олдимизда юз бермоқда. Бу “пойга” ҳар бир шахс олдига қўяётган талабларни инобатга оладиган бўлсак, оилада фарзандларнинг жинсидан қатъи

назар, илк ёшидан мустақил фикрлашга, замонавий дунёқарашга эга бўлиши учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилишимиз керак.

Миллий истиқлол мафкураси жамиятимизнинг ҳар бир аъзосини ватанпарвар, халқнинг тинчлиги ва турмушнинг фаровонлиги учун фидоий бўлишини талаб қилгани учун биз юқорида саналган йўналишдаги ишларни у ёки бу даражада муҳим ёки номуҳимроқ дейишни баҳсталаб мавзу эмас, деб ҳисоблаймиз. Фақат яна бир карра таъкидлаймизки, фарзандларимиз, энг аввало, ўз ота-онасини, оилаларини эъозласин, оиладаги ота-онанинг мавқеи ва нуфузи тўғрисида тўғри тасаввурларга эга бўлсин. Шундагина у улғайгач, “Қуш уясида кўрганини қилади”, деганларидек, ўз оиласининг мустаҳкамлиги учун қайғурадиган оилапарвар, олижаноб инсон бўлиб камолга етади.





МИЛЛИЙ ДУНИЁҚАРАШ
БОЛА ВУЖУДИГА
ОНА СУТИ БИЛАН
КИРАДИ

назар, илк ёшидан мустақил фикрлашга, замонавий дунёқарашга эга бўлиши учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилишимиз керак.

Миллий истиқлол мафкураси жамиятимизнинг ҳар бир аъзосини ватанпарвар, халқнинг тинчлиги ва турмушнинг фаровонлиги учун фидоий бўлишини талаб қилгани учун биз юқорида саналган йўналишдаги ишларни у ёки бу даражада муҳим ёки номуҳимроқ дейишни баҳсталаб мавзу эмас, деб ҳисоблаймиз. Фақат яна бир карра таъкидлаймизки, фарзандларимиз, энг аввало, ўз ота-онасини, оилаларини эъозласин, оиладаги ота-онанинг мавқеи ва нуфузи тўғрисида тўғри тасаввурларга эга бўлсин. Шундагина у улғайгач, “Қуш уясида кўрганини қилади”, деганларидек, ўз оиласининг мустаҳкамлиги учун қайғурадиган оилапарвар, олижаноб инсон бўлиб камолга етади.





МИЛЛИЙ ДУНИЁҚАРАШ
БОЛА ВУЖУДИГА
ОНА СУТИ БИЛАН
КИРАДИ



*Норқул БЕКМИРЗАЕВ,
филология фанлари номзоди*

ТАРИХ ОНА ВА БОЛА ҲАҚИДА

Халқимиз азал-азалдан она ва болани эъзозлаб келган. Ўзбек давлатчилиги тарихининг ёрқин саҳифаларига назар ташласак, бунга бир-биридан ибратли жуда кўп мисолларни келтириш мумкин.

Бобомиз Амир Темур оилада аёлнинг, боланинг жамият ҳаётида тутган ўрнига алоҳида диққат қилган. У ўз хонадонига келин ёки куёв бўладиган йигит-қизнинг насл-насабини яхши суриштирган ва бу масалани давлат ишлари билан бир қаторга қўйган.

Жумладан, Соҳибқирон ўз тузукларида шундай васият қилади: “Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим”. Амир Темур туғиладиган ҳар бир боланинг соғлигига катта эътибор берган. Бунинг ёрқин тасдиғини ҳам ўғилларида кўришимиз мумкин: “Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб, хотинларига яқинлашишни ман этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида дунёга келган фарзанд насл-насабнинг бузилишига таъсир этгай, дебон шу покиза йўлни тутдим”.

Амир Темур фақат ўз оиласига шундай эътибор бериш билан кифояланиб қолмасдан, мамлакат фуқаро-

лари, уларнинг оилаларига ҳам ўз оиласига ғамхўрлик қилганидек муносабатда бўлади. “Тузук”лардан ўқиймиз:

“Қарши қалъасини забт этиб, муҳофазакорлик туғи бирла қайтар эдим. Кечда Кўкбулоққа етиб, шу ерда тунамоқни ихтиёр этдик. Навкарларни хонадонларга тақсимлаб, ўзимиз сой бўйида яшил чодир тикладик.

Субҳидам атрофга разм солмоқда эдим.

Иттифоқо бир аёл кишининг от етаклаб, сой томон ўтмоғига назаримиз тушди. Шунда бизни ўй чулғади. Мулозим йўллаб, ул ожизанинг эрини топтириб келтирдик ва савол айладик:

— Нечун завжангизни от суғорғали йўллайсиз? От суғормоқ эркак кишининг хизмати-ку?

— Соҳибқирон, — жавоб айлади ул киши, — от боқиш ҳам, от суғориш ҳам эркакнинг юмуши эканин биламен. Аммо уйимга қоплонсифат тўрт навкаринг тушубдур. Уларнинг ниятини билмасмен. Шул боисдан аёлимни от суғормоққа йўллаб, уйда қолган икки бўйига етган қизимни қўриқламоқ истадим...

Биз мулоҳазага берилдик ва ўз хатомизни англаб, ҳамишаликка қарор бердик. Бундан бу ёғига навкарлар хонадонларга жойлаштирилмасун”.

Амир Темурнинг аёлларга бўлган катта эътиборини бошқа бир далил ҳам исботлайди. Унинг саройида бўладиган юксак даражадаги учрашувларда, элчиларнинг қабул қилиш маросимларида аёллар ҳам иштирок этган. Бу борада испаниялик элчи Сароймулкхонимнинг қабул маросимига кириб келишини шундай таърифлайди:

“Зарбоб, узун этаклари кенгайиб бориб ерни ўпадиган, енгсиз қизил ипак кўйлақда эди. Унинг этагини ўн беш нафар аёл кўтариб келарди. Ёғупа билан лардозланган юзи қоғоздек оппоқ эди. (Бу мамлакатдаги) барча

аслзода аёллар ёз ва қиш ойларида йўлга отланганларида ҳамда (умуман) қуёш нурларидан сақланиш учун ушбу ёғупани юзларига суриб юрадилар. Сароймулкхонимнинг юзи оппоқ ҳарир тўр билан тўсилган, бошига эса қизил матодан қалпоқ кийган бўлиб, ундан елкасига ёпинғич тушиб турарди. Қалпоқ шаклан баланд, жуда кўплаб йирик, ярқираб турувчи, чиройли ҳалқаланган думалоқ марварид, талайгина ёқут, феруза ва бошқа турли-туман қимматбаҳо тошлар билан безатилган эди. Сароймулкхоним елкасидаги ёпинғич зардан тўқилган бўлиб, қалпоқнинг чўққисидан кўплаб қимматбаҳо тошлар ва катта марварид билан зийнатланган тож кўрк бағишлар, учига эса ёрқин ва ниҳоятда гўзал икки бармоқ қалинлигидаги ёқутдан учтаси ўрнатилган эди... Ҳаммаси бўлиб Сароймулкхонимни тахминан уч юз нафар аёл кузатиб келарди.

Бу мисол узоқ ўтмишда, хусусан Амир Темур замонидан аёллар ижтимоий ҳаётда муайян мавқе эгаллаганидан далолат беради. Ўша замонлардан бери аёллар, айниқса, оналар ўз болалари тақдирини белгилаш, хатти-ҳаракатларини, фаолиятларини тўғри йўлга солиш орқали тарихий тараққиётга муайян таъсир кўрсатишга муваффақ бўлганлар. Бунинг ёрқин намунаси сифатида Шохруҳ Мирзонинг рафиқаси Гавҳаршодбегим фаолиятини эслаш мумкин. Унинг сиймосини яратар экан, ёзувчи Пиримқул Қодиров “Она Лочин видоси” романида жуда кўп далилларга, тарихий ҳақиқатга суянган ҳолда Гавҳаршодбегимни деярли бутун умр фарзандлари, айниқса, Улуғбек билан Абдулатифни ҳаётда тўғри йўлга солиш изтиробидан қийналган аёл сифатида кўрсатади. Гавҳаршодбегим фарзандлар орасида тинчлик, тотувлик, ҳамжиҳатлик ўрнатиш учун ҳормай-толмай курашган.

Инсон табияти, феъл-атвори гўдаклигидан шакл-ланар экан, миллий дунёқараш ҳам бола вужудига она-сути билан киради.

Ислоҳ **КАРИМОВ**

Ўз навбатида тарихда энг буюк шон-шуҳратга эришган фарзандлар оналари мартабасини, обрў-эътиборини, улуғлигини ҳам юз чандон юксакликларга кўтарганлар. Бу тарих ҳақиқатини Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов “Алишернинг онаси” шеърида жуда яхши ифодалаган. Унда гўё Алишернинг болалиги жонлантирилиб, башариятга Навоий-дек даҳони етказиб берган онанинг улуғворлиги, буюклиги таъсирчан шаклда очиб берилган:

Билмам, қандай аёл бўлган

Алишернинг онаси.

Балки унинг ақлига ҳам

Лол қолган замонаси.

Балки, унинг кўзларида

Бўлган оғир бир хаёл.

Балки ғамгин бир зотдир у,

Балки шўхчан бир аёл.

Балки буюк фарзандига

Териб келган чечаклар.

Балки тунлар унга бедор

Айтиб берган эртақлар.

Майлига, у ким бўлмасин,

Ёлғиз бир сўз маъноси:

Алишернинг онаси у,

Навоийнинг онаси.

Бу шеърдан ва умуман, тарих, адабиёт, ҳаёт тажрибасидан бир эзгу ҳақиқат яққол аён бўлади. Мазкур тарих ҳақиқатига кўра оналар ва болалар ажралмас, яъни диалектик бирлик бўлиб, у халқ оммасини ҳаракатлантирувчи муҳим омил ҳисобланади ва кишиларни даҳшатли фожиалардан сақлайди ҳамда уларнинг турмушига битмас-туганмас сурур, гўзаллик, теран мазмун бахш этади.

Анбар Отин ўзининг “Фалсафаи сиёҳан” асарида ўзбек оналарининг келажаги ҳақида шундай дейди: “Бир замона бўлурки, камина мушгишар каби мазлумалар олийжаноб, орзу қилгондан зиёда бўлур, тамома мазлумалар яхши кун кўриб, яхши либос кийиб, тинч рўзгор ўтказган сабаб, аларни авлоди хатарсиз таваллуд ўлиб, яхши парвариш топуб, хушрўй ва хушхўр, ботаъмиз ва ватандўст, серғайрату меҳмондўст бўлиб камолга етар. Ул замонда барча халқ соҳибжамол бўлур”. Мазкур иқтисодда она ва бола ҳақида, бизнингча, айнан бутунги кун ҳақидаги орзу фалсафий дунёқараш асосида ўз ифодасини топган. Шоира она ва боланинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол бўлиши замон имкониятлари билан уйғун эканлигини аниқ баён этган. Турмуш даражаси паст, иқтисодий жиҳатдан ўта қийинчиликда ўсган ва тарбияланган аёл ўз фарзандига оналик меҳрини тўлиқ ўтказа олмайди. Боланинг ўз навбатида “Ватандўст, серғайрат, меҳмондўст бўлиб камолга” етиши ҳам мураккаб ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муносабатларга боғлиқ. Бинобарин, она ва бола тушунчасини замон, ижтимоий ҳаётдан ажраган ҳолда тасаввур қилсак, янглишамиз. Шунинг учун Анбар Отин тасавурида она ва бола, аввало, оилавий муҳит, қолаверса, маҳалла, юрт тўкинлиги, замон хусусиятлари таъсири-

да шаклланувчи, айни пайтда, халқнинг, миллатнинг келажагини белгиловчи тушунчалар мажмуасидир.

“Фалсафаи сиёҳан”да шоира ўз замонасида аёлга бўлган муносабат “чумолиға бўлган эътибордин ҳам камроқ” эканини таассуф билан алоҳида таъкидлайди. Ваҳоланки: “Ул ано шундоқ анодир ва моҳир донодирки, Афлотун ва Арастуни, Лаюуможис ва Диниёлни Хизр ила Илёсни, Искандару Дорони, Луқмон ва Сулаймонни, Ибн Сино ва Улуғбекни, Жомийни, Саъдийни, Навоийни, Фирдавсийни, Бедил ва Хайёмни, Нодира ва Увайсийни, мени ва сени ўз қорнида ўн ой кўтариб, турли офатлардан сақлаб, еган физосидин расамат бериб, ...банд бандиға йиғилгон кирларни артиб, қўлимизга бирон нарсаларни ушлатиб, ҳаракат ва ўйинларни ўргатди”.

Шоира ўз асаарида аёлнинг инсоният тарихида туганган ўрнини жуда аниқ белгилашга уринган: аёл камолотсиз жамият келажаги тасаввур қилиб бўлмаслигига алоҳида урғу бериб, жаҳон маданияти, фани тарихида дунёвий кашфиётлар қилган алломаларнинг ҳам ана шу мушфиқ ва муштипар она бағрида катта бўлгани, тарбия олганини уқтиради.

Бола тарбияси, она ва бола ўртасидаги гўзал инсоний муносабат инсон яратилганидан буён ҳаммани қизиқтириб келади. Агар ҳар бир она ўз боласини асрлар бўйи шаклланган ўзбекона қадриятлар асосида вояга етказса, бу фарзанд ватандўст, илмдўст шахс бўлса, ўзбекнинг келажаги таъминланади, ва аксинча, агар она фақат бугунги кун ташвишлари билан яшаса, ҳар бир сониядан фақат иқтисодий манфаат қидирса, у тарбиялаган инсон пировардида фақат ватани ва халқини эмас, ўзини дунёга келтирган онани ҳам тан олмайдиган манқурт бўлиб вояга етади.

Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир.

Абу Наср **ФОРОБИЙ**

Кўпинча ота-онасини, қариндош-уруғларини менсимайдиган, уларнинг ҳар бир ҳаракатидан қоралаш учун важ-карсон ахтарадиган ёш йигит-қизларнинг қаердан пайдо бўлиб қолишлари ҳақида ажабланиб мулоҳаза юритамиз. Кўчани, атроф муҳитни айблаймиз, уларга панд-насиҳатлар қилишга ўтамыз. Аслида бундай зотларнинг пайдо бўлишида ўзимизнинг айбимиз борлигини тан олишга ожизлик қиламиз ёки тан олишни истамаймиз. Оилада бирон одамнинг гийбати, қайсидир одамга панд бериб, нимагадир эга бўлганимиздан мақтанишларимиз — буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда фарзандимизнинг шахсиятпараст, худбин, истеъмолчилик кайфиятидаги инсон бўлиб ўсишига сабаб бўлмасмикин?! Энг ёмони шундаки, биз ўз ўғил-қизимиздаги бу хусусиятларни аввалига пайқамаймиз, тўғрироғи, пайқашни истамаймиз. Кейинчалик эса бу иллатни тамомила яширишга, кўни-кўшниларга, қариндошларга билдирмасликка уринамиз.

Дунёга келган гўдак оила, аввало, онанинг меҳрини ҳис қилади ва фақат унинг ҳимоясига муҳтож бўлади. Зеро бу гўдакни дунёда ҳеч ким оначалик ҳимоя қилишга шай ва унга оначалик меҳр беришга тайёр турмаса керак. Норасида фарзанд ўз онасининг муҳаббатини табиатан ҳис қилади, ундан нажот истайди. Айни пайтда бу икки зот ҳеч бир сўзсиз бир-бирини ҳис қилади, тушунади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам Абдулҳамид Чўлпон алла айтишнинг мўъжизавий таъсирига эътибор қарат-

ган: “Бир бола ухламаса, алла айтайлик. Бола тез ухлаб кетар. Чунки ул бир лаззат ҳис қилур”.

Истиклол йилларида тарихга янгича муносабатнинг шакллангани, халқимизнинг минг йиллик қадрият, анъана ва урф-одатлари қайта тиклангани ҳаётимизнинг ижобий томонга ўзгаришига хизмат қилди. Хусусан, улуғ аждодларимиз томонидан суюб куйланган, бола тарбиясида муҳим ўрин тутадиган алла, дoston, эртақ ва нақлларнинг бугунги кунда яна ҳаётимизда кенг ўрин олгани ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Зеро баркамол авлод тарбияси халқимизнинг асрий орзусидир. Истиклол йилларида бу орзу ўзининг амалий ижросини топаётган экан, бу, ҳеч шубҳасиз, ҳар биримизни қувонтиради.



Асқар МАҲКАМ

«АВЕСТО» ҲАҚИҚАТИ ВА АЁЛ

*Эй, аёл! Мен сенинг қудратинг ва вужудингни пок қиламан. Мен сени серфарзанд ва серсут айлайман...
Эй, гўдак! Мен сени туғилишда ва камолотда пок этаман.*

«Авесто»дан

Шарқ халқларининг ғоят қадимий тарихий-маданий ёдгорлиги «Авесто» китоби бундан қарийб уч минг йил муқаддам яшаб ўтган аждодларимизнинг ҳаёти ва яшаш тарзи, эътиқоди ва ақл-заковати, орзу-ўйлари ва курашлари хусусида ҳикоя қилувчи ғоят қимматли манбадир.

«Авесто» аёл — онани илоҳий мақомларга кўтаради. Зеро, башарият ибтидоси ҳам оналар номи билан чамбарчас боғлиқ ёхуд яратилишнинг ўзи аслида Она демасдир.

Хўш, «Авесто»да оналар нечоғли ўрин тутадилар? Улар ким? Илоҳий аъмоллари нималардан иборат?

Сипандормаз. Авестоий тилда — «Спинта армаитий». Кўриниб турганидек, мазкур маъбуданинг исми икки жуъздан иборат: «спинта» — буюк; «армаитий» — андиша, фидокорлик, сабр-матонат. Унинг бошқа бир номи — «Комил ақл». Шундай қилиб, «Авесто»даги буюк Сипандормазни аждодларимиз «Комил ақл» эгаси деб билганлар. Бу ҳолнинг ўзи ижтимоий ҳаётда аёлнинг ўрни нечоғли улуғ бўлганини исбот этади.

Сипандормаз маънавий-руҳий оламда Ахура Мазданинг дўстлик, сабр-тоқат ва камтарлик каби олий

хислатларини намоён қилади. Моддий оламда эса у заминнинг ҳомийси, поклик, туғилиш ва яшиллик ҳимоячисидир. Шак-шубҳасиз, Сипандормаз тасарруфидаги ҳодисаларнинг жамулжамида оналик хосияти бор. Замин — асли она. Унинг ҳар бир унсури оналикнинг ўлмас дostonини тараннум этади. Бағрида етиштирилган неъматлар она кўксидаги сутга ўхшайди. Замин башариятни тўйғизади, ичиради, кийдиради. Елкасига кўтариб, улғайтиради ва охир-оқибат оғушига олади. Сипандормазнинг тасарруфидаги иккинчи ҳодисага эътибор беринг: поклик. У илоҳ она тимсолидир. Одам боласининг тийнати ва зийнати ҳам покликдир. Биз оддий ва пок яшаш сирларини даставвал онамиздан ўрганамиз. Унинг пок сути танамизни турли фасодлардан сақлайди. «Авесто» таълимотининг бош мавзуси бўлмиш поклик ва ҳалоллик тўйғуларининг аёл тимсолида намоён бўлиши ушбу муқаддас ҳодисалар бундан бир неча минг йиллар бурун ҳам энг улуг тушунча сифатида қадрланганини тасдиқ этади.

«Авесто»да Сипандормаз шаънига битилган таъсирли ва ҳаяжонли шеърларни ўқиймиз. Уларда Сипандормаз Аҳура Мазда яратган оламни парвариш қилувчи зот сифатида намоён бўлади. Одамлар у туфайли кут-барака топадилар.

«Авесто»да Сипандормаз ўн минг дармонбахш гиёҳ соҳибӣ сифатида тавсифланган. «Вандидод» («Девларга қарши қонунлар мажмуи») китобида она Сипандормазнинг номи «замин» тушунчаси билан бақамти қўлланади. Табиат яшил либосга бурканиб, борлиқ уйғониш фаслига кирганда бу сирли ҳодисаларнинг бари заминнинг уйғониши билан боғлиқлиги ҳеч қимга сир эмас. Ўз-ўзидан замин ва Сипандормаз моҳиятан бир

ҳодисадир. Баъзи бир авестошуносларнинг фикрича, «ормаитий» сўзи аслида икки унсурдан иборат бўлиб, «ара-мата» — «она-замин» демакдир.

«Авесто»да буюк муҳаббат билан тилга олинган кейинги она — Хурдод. Бу сўзнинг асл авестойи шакли — «Ҳвараватот». Маъноси — «расолик», «камолот». Хурдод олий илоҳ Аҳура Мазданинг расолик ва комиллик тажассумидир. У Сипандормаз ва Амурдод билан биргаликда амшосипандбону, яъни — она-илоҳлар училигини ташкил қилади. Хурдоднинг номи «Авесто»нинг қарийб барча ўринларида Амурдод билан ёнма-ён қўлланади. Илоҳа моддий оламда сувларнинг нигоҳбони. Йигирма бир яшздан иборат «Авесто»нинг тўртинчи яшти Хурдод шаънига бағишланган.

Аҳура Мазда ўз таълимотини одамларга ёйиш вази-фасини зиммасига юклаган Зардуштга она-илоҳа Хурдодни эъзоз-эҳтиром қилишини таъкидлайди. Худди шу нуқтанинг ўзиёқ зардуштийлик таълимоти ёйилган даврларда ҳам юртимизда она мақоми нақадар юксак бўлганини кўрсатади.

«Биз, — дейилади “Авесто”да, — амшосипандбону Хурдодни сутга омухта қилинган ҳавм (махсус гиёҳ шарбати), барсам (ёхуд барсман, зардуштийлар маросимида ишлатиладиган чивик), ақл тили, мансара (дуо), эзгу фикрат, калом, амал ва ҳаққоний сўз билан эъзозлаймиз...»

«Авесто» тақвимида мувофиқ ойнинг олтинчи куни, йилнинг учинчи ойи Хурдод номи билан юритилган. Илоҳлардан Тиштар (Сириус юлдузи) ва Фарвардин унинг ёр ҳамда ҳамкорларидан. Савсан гули амшосипандбону Хурдоднинг заминий рамзидир. «Бундахишн» («Оламнинг яралиши») — Шарқ халқларининг энг қадим

мий тарихий-адабий ёдгорлиги. Муаллифи маълум бўлмаган бу кўхна китоб 42 бўлимдан иборат. Унда шундай сўзлар бор: «Олам яралишининг ибтидосида у (Хурдод) сувни ўзига интиҳоб қилди. Унга ҳамкорлик қилишга Тийр (Тиштар), шамол ва Фарвардин берилди. Ёвузлик илоҳи Аҳриман ҳукмронлик қилган замонда она-илоҳа Хурдод Фарвардиннинг мадади билан сувни девлар тасарруфидан халос айлаб, шамолга топширди. Шамол эса сувни эзгулик йўлида олис ўлкаларга кузатиб борди, булутларга олиб чиқди ва яна заминга қайтарди...»

Зардуштийлар ривоятига кўра, Зардушт фарвардин ойининг (шамсий йил ҳисоби бўйича баҳорнинг илк ойи, 21 март - 20 апрелга тўғри келади) Хурдод куни таваллуд топган. Қадимий Шарқ халқлари тарихида Хурдод «Буюк Наврўз» деб юритилган. Бу, халқимизнинг қутлуғ байрами Наврўз қанчалик узоқ тарихга эга эканига яна бир далил.

“Авесто”даги яна бир она образи бу Амурдоддир. Мазкур исмнинг авестойи шакли — «Амирмитат». Маъноси абадият, безаволлик демакдир. Амурдод маънавий-руҳий оламда Аҳура Мазданинг безаволлиги тимсолидир. Моддий-заминий оламда эса гиёҳлар ва нознеъматларнинг ҳомийсидир.

Йилнинг бешинчи ойи ва ойнинг еттинчи куни Амурдод номи билан юритилган. «Чамбак» исмли гул (ўткир ҳидли, сарғиш тусли гул) Амурдоднинг рамзидир. Авестойи маъбудлар Рашн, Арштод, Зомяд илоҳанинг ёронларидан ҳисобланади.

Амурдод «Авесто»да шундай тавсифланади: «...Амурдод сонсиз гиёҳлар сарваридир. Зеро, оламда унинг ўз

гиёҳи мавжуд. Илоҳа майсаларни ундиради ва қўйлар сурувини баракотли қилади... Кимда-ким гиёҳларга озор берса, илоҳа Амурдод ундан қаттиқ озорланади...».

«Авесто» ижтимоий ҳаётда ҳам аёлнинг ҳақ-ҳуқуқини ўз низомлари воситасида ҳимоясига олган.

«Вандидод» китобида Зардушт Аҳура Маздага шундай мурожаат қилади:

— *Эй, оламни яратган Зот!*

Эҳ, Ҳақиқат!

Замини ҳаммадан кўра бахтлироқ бўлган дунёдаги иккинчи жой қаер?

Аҳура Мазда жавоб берди:

— *Бундай жой бир ашаван уй тиклаган макондир. Ўша уйда мўбад (зардуштийликда муғлардан мартабалироқ руҳоний) рўзғор тебратади. Сигирлар галаси, уй бекаси, фарзандлар ва сурувлар яшайди бу уйда. Сигирлар галаси яхши парвариш қилинади. Тевалар хўраги фаровон, яхши итларнинг ризқи сероб. Уй бекаси бахтиёр, фарзандлари шодмон. Ҳамиша олов гуриллаб туради. Тирикликнинг ҳар бир гўзал ҳодисаси яхшиликка қовушади. Бундай жой дунёдаги энг бахтиёр иккинчи заминдир...*

Одам боласининг бахт ва бахтиёрлик ҳақидаги тунунчаларига «Авесто» уч минг йил бурун ойдинлик киритган экан. Демак, қадимги аждодларимиз эътиқодига кўра бахт қоп-қоп тилла ва танга, турли-туман зебу зийнатлар эмас, балки, оддий тилда айтганимизда, уй бекаси, фарзандлар бахти экан. Ҳатто ит ризқининг сероблиги ҳам бахтиёрлик белгиларидан бири экан, ниҳоят, тирикликнинг фақат яхшиликка қовушувчи барча ҳодисалари чинакам бахт экан.

«Авесто» одамларни оддий ҳаёт дастурлари асосида озод ва эркин яшашга, оламларнинг пок Парвардигорини ҳар доим ёд этиб туришга даъват қилган. Зардушт «Буғдой экинлар» дейди, «Теваларни яхшилаб қашланг», деган. Мана яна “Авесто”дан бир парча:

«Кимда-ким буғдой экса, у Ашаҳ — Ҳақиқатни экади. Қачонки пушталарда уруғ етилса, девлар ўринларидан қўпадилар.

Қачонки буғдой ун бўлса, девлар нола чекадилар.

Қачонки буғдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар...»

Зардушт одамларни одамдек яшашга, оила қуриб, бир аёл билан умр кечиришга, серфарзанд бўлишга чақирган:

«Эй, Сипийтмон Зардушт! — дейди Аҳура Мазда.

— Кимнинг хотини бўлса, у хотинсиз ва дунёдан бепарзанд ўтаётган кимсадан яхшироқдир.

Кимнинг уйи бўлса, у уйсиз одамдан яхшироқдир.

Кимнинг дунёси бўлса, у ҳеч вақоси йўқ гадодан афзалдир...»

«Авесто»да фарзанд масаласи ўзининг ўта қатъий қонуниятлари билан кишини ҳайратга солади. Фарзанд хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин, икки шахснинг ўзаро яқинлиги билан дунёга келдими, энди унинг қисмати (ҳали туғилмаган бўлса-да) бутун жамият зиммасидадир. Хоҳ эр бўлсин, хоҳ аёл — унинг ҳаётига зомин бўлиш, қасд қилиш улуг жиноятдир.

«Агар бир эр балоғатга етган қиз ёхуд жувон билан яқинлик қилса, оқибатда ўша қиз ё жувон бўйида бўлгач,

одамлардан номус қилиб, тириклик меваси бўлмиш бир парча этни нобуд қилса... одам ўлдириш гуноҳи аёл ва эрнинг гарданидадир. Улар ошкора қатл этиладилар...»

Ҳаётнинг икки ҳудуди ўртасида қурилган қисмат кўпригидан ўтаётган одамлар оқими ўз жараёнидан тўхтамайди. Замонлар ўзгаради. Эҳтимол кўприк ҳам эскирар. Аммо бир Ҳақиқат барча даври замонлар учун ҳамиша навқиронлигича қолаверади. Бу — одамнинг Одамлигидир.



Султонмурод ОЛИМ

ОҒИЗ СУТИ

*Навоий асарларида она ва бола талқинлари
асосида мулоҳазалар*

Бир уюр от дарё кечиб ўтибди. Шунда улардан бири қирғоққа чиққан заҳоти оёқ қоқиб, сувларини селкибди.

Шунда кузатиб турган бир кекса отахон йилқибоқарга:

— Шу отингнинг онаси ўлиб қолган экан-а, — дебди.

— Ҳа. Қаёқдан била қолдингиз? — деб сўрабди йилқибоқар.

— От сувдан чиқиб оёқ қоқмайди. Бу — сигирларнинг одати. Шу отингни сигир сути билан катта қилган экансан, шу одати сут билан ўтибди-да...

Миллий одобномамиз — таълим-тарбияда фарзанднинг она олдидаги қарздорлиги-ю, бурчдорлиги бу қадар улуғланиши бекорга эмас. Чунки дунёдаги ҳеч бир меҳр онанинг боласига бўлган муҳаббатига тенг келолмаса керак. Ҳатто зоҳиран она дилбандига бадмеҳрлик, ё борингки, очиқ адоват қилгани тақдирда ҳам, бир кун келиб қалбида кутилмаганда ва гайриихтиёрий равишда оташин меҳр-муҳаббат жўш уриши мумкин.

Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асарида ўқиймиз: «Ҳумой рою хирадлиғ (ўй-фикрли, ақлли) хотун эрди. Баҳманддин (эри — Баҳманддан) сўнгра тахтқа ўлтурди. Чун ҳомила эрди, вазъ ҳамл қилди (кўзи ёриди) ва салтанат ҳубби (меҳри) қўймадиким, ўғлини

подшоҳликка мансуб қилиб, ўзи анга муҳофазат қилғай (қарам бўлғай). Ани (ўғлини) бир сандуққа солиб, қийр (қора мум) била маҳкам қилиб, дарёга солди. Дебтурларки, бир гозур (кир юувчи) иликига (қўлига) тушуб, ани фарзандчилай (фарзанд қилиб) асраб, тарбият қилди. Булуғ ҳаддиға (балоғат ёшига) еткандин сўнгра салтанат гавҳари ўз ишин қилиб, гозурлуқ (кир юувчилик) ишин макруҳ тутуб (ёқтирмай, ундан ор қилиб), илму фазл ва адаб касбин қилиб силоҳшўрлуқ (қурол-аслаҳадан фойдаланишни) ўрганиб, сипоҳийлик (аскарлик) қоидасин хўб (якши) билди.

Кўрдингизми, ирсият шунчалик кучли эканки, асли ўзининг шоҳ ўғли эканини билмаса ҳам, бу бола барибир шаҳзодалар каби касбу корларга қизиқади.

Кир юувчи чақалоқни сувдан топиб олгани учун унга Дороб («дор» — ол, «об» — сув дегани) деб от қўяди. Охири Дороб ўзининг кир юувчи ўғли эмаслигини ичдан ҳис қилади. Тарбиялаган отасидан анигини сўрайди. Кир юувчи ростини айтишга мажбур бўлади. Шундан сўнг сандиққа солиб юборилган бойликлардан қолганини Доробга топширади. Дороб бу бойликларга қурол-аслаҳа сотиб олиб, мамлакатда давом этаётган жангга киришиб кетади.

Шундай қаҳрамонликлар кўрсатадики, овозаси подшоҳ онаси — Хумойга ҳам етиб боради. Хумой бу донғи чиққан паҳлавон йигитни кўрмоқчи бўлади. Аскарлар жангдан қайтганидан кейин уруш тафсилотларини таҳлил қилиш учун Хумой жабҳа кетаётган ерга яқин боради. Шунда узоқдан Доробни кўрсатадилар.

Йигитга нигоҳ ташлаган заҳоти кутилмаган ҳодиса юз беради, Навоий сўзлари билан айтганда: «Кўзи анга тушкач, кўнглига изтироб тушуб, эмчокига сут келди»!..

Шундан кейин она Доробдан бор гапни сўраб, аниқлаб биладики, бу — ўзининг ўғли. Ёшлигида қилган ўз ишига пушаймонлар еб, тахтни ўғлига топширади.

Ўз ўғлини танимайдиган онанинг неча йиллардан кейин уни кўриб қолганда кўкрагига сут келиши ҳодисаси «Тарихи мулуки Ажам»нинг яна бир ерида тилга олинади. Бу Искандар Зулқарнайн ҳаёти билан боғлиқ ҳикоядир.

Бир қарашда бу ҳикоялар шунчаки афсона бўлиб туюлиши мумкин. Лекин ҳозир гап она меҳри ҳақида. Орадан йиллар ўтиб, вояга етган ўғлини кўриб қолган онанинг кўкрагига сут келадими-йўқми — буни илман аниқлаш тиббиёт фанининг иши. Бироқ неча йиллардан кейин боласини кўриб қолган оналар қалби-ю, руҳида, жисму жонида фавқулодда ўзгариш юз бериши табиий. Чунки фарзанди қорнидалик пайтидаёқ Аллоҳнинг каромати билан онада боласи учун ризқ — оқ-оппоқ сут пайдо бўлади, ахир.

...Оғиз сути бандаларга инъом этилган буюк неъматдир. Бухоро ва Наманган тарафларда оғиз сутини «палла» (асли — «фалла») дейдилар. Соғлом, паҳлавон йигитларни кўришганда «Бу палладан тўйган йигит экан», — деб кўядилар. Агар бола туфилганидан кейинги дастлабки кунларда ўз онасини эмиб, оғиз сутидан яхшилаб тўйиб олса, бир умр соғлом бўлади.

Оғиз сутининг таркиби фойдали моддаларга бой. Одамлар ҳатто сигирнинг оғиз сутини ҳам ўта тансиқ таомлардан бири сифатида истеъмол қиладилар.

1993 йилнинг кузида ойнаи жаҳонимизнинг дастурларидан бирида Тошкентдаги бир гуруҳ олимлар оғиз сутининг бола ривожига учун ниҳоятда муҳим аҳамияти борлигини илман асословчи тадқиқотни яқунлаганла-

ри ҳақида хабар берилди. Фаннинг исботига кўра, таркиби нуқтаи назаридан ҳеч бир сут оғиз сүтининг кучига тенг кела олмас экан.

Аммо шўро даврида неча йиллар мобайнида туғруқ-хоналаримизда чақалоқларимизга биринчи кунлари, худди қасддан қилингандек, онасининг эмас, аксинча, бошқа оналарнинг сүти бериб келинди.

Бунинг бизга тўғри келмайдиган тарафлари бор. Қадимдан ота-боболаримиз ҳаётлари кўп жиҳатлардан илмий ҳақиқатлар асосига қурилган, илм билан оддий турмуш уйғунлашиб кетган эди. Ана шундай илмий яшаш ақидасига кўра, гўдак бошқа онани эмса, энди бу бола ўша сут берган аёлнинг фарзанди бўлгандай бир гап. Ҳозир ҳам баъзилар эмизган аёлни ўз онасидек кўради. Қадимда сут эмишганлар аро ака-ука, опасингиллик,-яъни кўкалдошлик жуда қадрланган.

Буни Навоий асарларидаги тасвирлардан ҳам топамиз.

«Фарҳод ва Ширин»да Баҳром Фарҳодга кўкалдош, яъни улар ўзаро сут эмишган. Баҳром асарда илк бор Фарҳод тилсимли ойнада Ширинни ва ўзини кўргани воқеаси тасвирида тилга олинади. Эсингизда бўлса, ойнадаги тасвирда Ширин жамолини кўрган Фарҳод хушидан кетиб, йиқилади. Бир кеча-кундуздан кейин хушига келганида эса унинг бошида яқинлари қаторида кўкалдоши — Баҳром ҳам йиғлаб ўтирган эди:

...Кўз очиб кўрди боши узра хайле,
Тўкуб кўз ёшидин юз узра сайле.

Чу йиғлар эрди Мулқорову Баҳром,
Аларға лутф бирла берди ором...

Ўлими олдидан эса Фарҳод шамол, яъни боди сабога илтижо қилади. Ундан Чину Хитойга бориб, яқинларига васиятларини етқаришни сўрайди. Кўкалдоши — Баҳромга ҳам алоҳида айтар сўзи бор:

...Чериклар жамъ айлаб бемадоро,
Бу ён қилса азимат ошкоро;

Қиличи тўйғариб Хусравни жондин,
Тиласа бегунаҳ қонимни ондин!

Бир оздан кейин Фарҳод яна Баҳромни эсга олади:

Яна Баҳромга еткур саломим,
Чу еткурдунг саломим, де паёмим, —

Ки: «Эй, жоним топиб жонингга пайванд,
Кўкалтошу ини, шогирду фарзанд!

Гар оҳингдан чиқорсанг чарх уза дуд,
Не суд ондин сангаву не манга суд, —

Ки истарсенки, теккай ерга ёним,
Бўлуб хушнуд сендин хаста жоним.

Не бир дам тин, не бир соат таёнғил,
Не ҳарбу кина сурмакдин ўсонғил.

Бу ён азм айламак жазм айла филҳол,
Черик жамъ айлабон азм айла филҳол.

Бу ишдин роҳати жонимни иста,
Топибон қотилим, қонимни иста!..»

Хуллас, халқ эмишганликни ўта қадрлаганлиги учун ҳам Навоий Баҳромни Фарҳодга кўкалдош янглиф тас-вирлайди.

Кўкалдошлик қадимдан эмишганлар аро ўзаро турмуш қуриш ҳодисасига йўл қўймаслик учун ҳам шу қадар эъозланган бир удум эди. Ҳатто бир аёл бир-бирига бегона икки хотиннинг боласини эмизди, дейлик. Энди ана шу уч онанинг фарзандлари ҳам ўзаро эмишганлар ҳисобланади.

Соғлом авлод учун ўзаро бир-биридан узоқ қонлар қўшилиши керак. Олтой халқида, ҳатто қариндошлар аро турмуш қуриш у ёқда турсин, уруғдош кишилар ҳам ўзаро бир ёстиққа бош қўймайдилар. Ҳар бир олтой, ўз-ўзидан, қон жиҳатидан икки уруғнинг вакили ҳисобланади. Уруғ белгилашда отанинг уруғи ҳисобга олинади.

Корейсларда ҳатто бир фамилиядаги икки ёшга ҳам ўзаро турмуш қуришга рухсат берилмас экан...

Булар хурофот ёки шунчаки миллий анъаналар эмас. Бу — қадимдан илмга асосланиб ҳаёт кечиришнинг оддий намунаси.

Аммо собиқ Шўро замонининг сўнгги ўн йилликлари мобайнида, фан-техника инқилоби байроқ қилиб олинган бўлса ҳам, амалда кўп масалаларда илмий ҳақиқатларга хилоф йўллардан юрилди.

Ҳаёл бизни яна тарих сари етаклайди. Илмий асарларда «Хусайн Бойқаро Алишер Навоий билан кўкалдош, яъни эмиқдош эди», деган қайдга дуч келган бўлсангиз керак. Профессор Абдуқодир Ҳайитметовнинг хулосаларига кўра, мантиқан Навоийнинг онаси Хусайн Бойқарони эмизган бўлиши керак. Мутафаккир шоирнинг ўзи тузган дастлабки девони «Бадойиъ ул-бидоя»нинг «Дебоча»сида келтирилган:

Отам бу остоннинг хокбези,
Онам ҳам бу саро бўстон канизи, —

деган сатрлари ҳам шундай фикр юритишга асос беради. «Бу остон» деганда шоир темурийлар хонадонини кўзда тутган. Темурийлар билан Алишерлар хонадони ўртасида кўкалдошлик эса Бойқаро ва Навоий давридаги бошланган эмас, унинг тарихи жуда узоқ эди. Бу ҳақда Абдуқодир Ҳайитметов ва Марғуба Мирзааҳмедовалар беш жилдлик «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг Алишер Навоийга бағишланган 2-жилдида (1977) шундай ёзадилар: «Алишернинг ота томонидан бобоси Амир Темурнинг ўғли Умаршайх билан эмиқдош бўлиб, Бойқаро Мирзо ҳукмронлиги даврида Қандаҳорда амир бўлган. Демак, Алишернинг ота-боболари темурийлар билан эмиқдош бўлганлар ва уларнинг ҳокимиятини мустаҳкамлашга ёрдам бериб, улардан баъзиларининг ҳурмат ва ишончини қозонганлар».

Кўринадики, Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоий ўртасида фақат мактабдошлик, ёлғиз шоҳу вазирлик, яккаш ўзаро дўстлик, биргина қаламдошлик эмас, бевосита сут орқали ўтган қон жиҳатдан яқинлик ҳам бор эди ва буни улар қадрладилар.

Ҳамма замонларда ҳам баъзи оналарнинг сути камлик қилиб қолиши, эмизикли онанинг касалга чалиниши каби ҳодисалар бўлиб турган. Бундай маҳалда, албатта, эмизикли гўдаги бор бошқа бир она келиб, ўша сути оз ё дардманд онанинг боласини эмизган. Аммо катта бўлгани сари ўша болага уқтириб борилганки, у фалон аёлни эмган ва ўша хотин ҳам бунинг учун она мақомида туради, унинг фарзандлари бунга ака-ука, опасингил янглиғ бўлади. Ҳаётда мисоллар жуда кўп: эмишганлар ана шундай сут туфайли юз берган қариндош-

лик ришталарини узоқ йиллар мўстабар сақлайдилар, кўкалдошлараро турмуш қуришга сира йўл қўймайдилар.

Бундан буён ҳам айрим аёлларнинг сути кам бўлиши, саломатлиги боласини эмизишга йўл бермаслиги мумкин. Шундай маҳалда сути кўпроқ соғлом оналар ёрдамга келиши — буюк инсоний фидойилик бўлар эди. Аммо бошқа аёлнинг эмизиши содир бўлганда, туғруқхоналарда ўша аёлнинг манзили, исму насаби сути кам онага расман ёзиб берилиши, унга таништириб қўйилиши шарт. Ота-бобомиз каби биз ҳам қариндошлик ришталарини узмаслик тадоригини кўришимиз керак.

Бу шунчаки маънавий жиҳатдангина эмас, такрор айтилаётганидек, келажак авлодимиз қони мусаффолиги учун ҳам ниҳоятда зарур. Эҳтимол, бу ҳам комиллик сари интилишнинг бир шартидир...



*Инқилоб ЮСУПОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Болалар жамғармаси раиси*

БОЛАЛАР КАМОЛИ — ЮРТИМИЗ ИҚБОЛИ

Ўзбек халқи азалдан болажон халқ. Бу фазилат халқимизнинг урф-одатларию анъаналарида, ўзаро муносабатларида ҳам яққол намоён бўлади. Зеро, Юртбошимиз айтганларидек, *“Биз тўйда ҳам, азада ҳам ёнмаёن туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттанинг ҳурматини, кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, хуллас, одамгарчиликни барча нарсадан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандлари бўламиз”*.

Мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг замирида ҳам, энг аввало, инсон манфаатлари ётади ва бу одил сиёсатни қўллаб-қувватлаш мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Ўтган йил давомида юртимизда халқ турмушини яхшилаш мақсадида тинмай иш олиб борилди. Оналар ва болалар саломатлиги йўлида қилинаётган эзгу ишлар, халқимизнинг эртаси бўлган ёшларнинг касб-хунар эгаллаши учун жойларда яратилаётган замонавий шарт-шароитлар билан танишган ҳар бир кишини ифтихор ҳисси чулғайди.

Болалар жамғармаси ва унинг 17 та бўлими ҳам оила, оналик ва болаликни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофаза этиш билан шуғулланади. Шунингдек, болала-

римизни соғлом турмуш тарзига тарғиб қилиш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш жамғарма фаолиятининг асосий йўналишларидир. Бу мақсадни амалга ошириш учун Ўзбекистон Болалар жамғармаси ЮНИСЕФ, “Болаларни қутқаринг” фонди (Буюк Британия), “Кантерпарт Интернейшнл”, “Ворлд Концерн”, ПЭРРЦА, “Мерси прожект” каби халқаро ташкилотлар билан сармалари ҳамкорликни йўлга қўйган.

Ҳуқуқий давлат ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий саводхонлигини тақозо этади. Ўз-ўзидан равшанки, ҳуқуқий саводхонлик қанча эрта ёшдан бошланса, у шунча кучли бўлади. Бу фикр болаларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги устида иш олиб бориш лозимлигини билдиради. Ўзбекистон Болалар жамғармаси фаоллари мана шу вазифани қалбдан ҳис этган ҳолда, ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти билан биргаликда “Болалар ҳуқуқлари Конвенцияси”ни ишлаб чиқди. Негаки, ўз ҳақ-ҳуқуқини таниб ўсган ҳар бир бола эртанги кунга тўлиқ ишонч билан қарайди-да. Эндиликда мазкур конвенция оналар ва болалар ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда, мактаб ва маҳаллаларда бу ҳақда қизиқарли суҳбатлар уюштирилмоқда.

Халқимиз азалдан саховатли, олижаноб, меҳр-муруватли халқ. Ўзбекистон Болалар жамғармаси ҳам нодавлат ташкилот сифатида меҳр-муруватга муҳтож, мушкул аҳволда қолган болаларга катта эътибор бериб келмоқда. Ногирон, кам даромадли оилаларга кўмаклашиб, қариндош-уруғлари кўлида тарбияланаётган етим болаларга хайрихоҳлик кўрсатиш гуруҳи шу тариқа дунёга келди. Мазкур ишлар жамғарманинг “Меҳр гўшаси” ва “Оилавий болалар уйлари” дастурларида ўз ифо-

дасини топган. “Меҳр гўшаси” дастури Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчиларига маънавий-моддий ёрдам беришга йўналтирилган бўлса, “Оилавий болалар уйлари” дастури ота-онасиз қолган болаларни ҳомийлик ва васийликка олган оилаларга маънавий ва моддий жиҳатдан ёрдам бериш мақсадида ташкил этилди.

Бугунги кунда республикада 5 та оилавий болалар уйи фаолият кўрсатмоқда. Уларда 56 та бола тарбияланмоқда, шундан 36 нафари оилаларга тарбияга олинган етим болалардир. Уй-жой ва томорқа билан таъминланган бу оилаларда асосий эътибор болаларга ҳунар ўргатишга қаратилган. Масалан, Навоий шаҳридан Пардаевлар оиласи шу мақсадда тўқув цехи ва новвойхона очган. Бу оилада 16 нафар фарзанд ҳунар ўрганмоқда. Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги Тожиевлар оиласи эса миллий таомлар ошхонаси очишган.

“Уйим менинг — чироғим менинг” дастури бўйича ҳам эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилди. Жамгарманинг деярли барча вилоят бўлимлари томонидан қариндош-уруғлариникида тарбияланаётган етим болаларнинг яшаш шароитлари, соғлиги, ўқиши ва дам олиши кузатувга олиниб, уларнинг барчасига моддий ёрдам берилди. Бу ёрдам 2000 йилнинг ўзида 4 млн. сўмдан зиёдроқ бўлди. Шунингдек, 3 мингга яқин бола ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олди, 217 нафарида даволаниш учун йўлланмалар ажратилди. Жамгарманинг Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари бўлимлари ҳам бу борада фаол иштирок этди — қариндош-уруғлари қўлида тарбияланаётган 400 нафар болага ўқув қуроллари, гигиена анжомлари ва оёқ

Яратганимиз бизга оталик-оналик бахтини ато этган экан, айни вақтда бўйнимизга жуда катта масъулияят, жавобгарлик ҳам қўйган. Ана шу бурчни қандай адо этганимиз ҳақида охиратда ҳам жавоб бериш муқаррарлигини асло унутмаслигимиз зарур.

Ислом КАРИМОВ

кийимлари топширилди. Шунингдек, “Тақдир ҳамроҳлари”, “Кўп болали оила” дастурлари асосида ногирон болалар, кам таъминланган оилалар манфаатларини ҳимоя қилиш тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, Жиззах вилояти Меҳрибонлик уйида тарбияланувчи етим болаларнинг яшаш шароитлари яхшиланди.

Халқимизнинг бебаҳо қадриятларидан бири шуки, ҳар бир бола катталарнинг бағрида тарбияланиши лозим. Бир боланинг тақдири учун нафақат ота-она, балки етти маҳалла масъул, деган ҳикматли сўз чуқур маънога эга. Агар боланинг ҳаёти издан чиққан бўлса, у тўғри йўлдан адашса, бунга ўз вақтида болага эътиборсиз бўлган ота-она, маҳалла, мактаб, умуман шу бола ўсаётган муҳитга алоқаси бор барча айбдордир. “Уйим менинг — чироғим менинг” дастурига мутасадди ижтимоий гуруҳ мана шу йўналишга эътиборни қаратиб, қаровсиз қолган болаларнинг ахлоқий ва миллий дунёқарашини шакллантиришга интилди. Жамоат тапшилотлари билан ҳамкорликда улар республикамизнинг тарихий ёдгорликлари, музейларига бепул саёҳатларга олиб борилди, жумҳуриятимизнинг таниқли адиб ва санъаткорлари билан учрашувлар, кўрик-танловлар уюштирилди.

Ўзбекистон Болалар жамғармаси томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлардан яна бири — Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси ҳамда Арманистон Республикаси Норк-Мараш Кардиохирургия Маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузилди. Бу шартномага биноан ўзбекистонлик туғма юрак хасталиги билан оғриган 20 нафар бола марказ шифокорлари томонидан бепул даволанди. Шулардан уч нафарига жарроҳлик йўли билан тиббий ёрдам кўрсатилди. Бу ўринда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Руди Родригес эътирофини эслатиш жоиз:

— “Сизнинг фаолиятингиз болалар ҳаёти яхши томонга ўзгаришига ёрдам беради, чунки улар миллат келажигидир”. Дарҳақиқат, болалар дунёдаги барча халқларнинг кўз қорачиғи ва ёруғ истиқболдан умидидир. Бу борада дунёдаги барча халқларнинг орзу-истағи муштарақ: болалар бахтли ҳаёт кечиришсин, ўқиб-изланишсин. Болалар ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниши ва билиши ана шу мақсадлар амалга ошишига кўмаклашади. Ўзбекистон Болалар жамғармаси томонидан тайёрланган “Сенинг ҳуқуқларинг” деб номланган буклет ҳам айнан мана шу ғояни оммалаштиради.

Бола гулга қиёсланади. Гул қанча яхши парвариш қилинса, у шунча дуркун ўсади. Ҳозирги кунда болалар тарбияси борасида бир қатор муаммоларга дуч келмоқдамизки, уларни ҳамжиҳат бўлиб ҳал этмоғимиз лозим.

Маълумки, ўзбек оилаларида шарқона урф-одатлар, андиша кучлилиқ қилиб, гиёҳвандлик, токсикомания, жинсий муносабат хусусида кам гапирилади. Боладан

нимани сир тутиб, яширилса, унинг ўша нарсага қизиқиши ортади ва бу ҳол уни кўпинча эгри кўчаларга етаклаши мумкин. Худди шу ҳол ўсмирлар ўртасидаги жиноятчилик сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Бундай салбий ҳолатнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Болалар жамғармаси ЮНИСЕФ Халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда бу йил “Болалар ва ўсмирлар орасида гиёҳвандлик, токсикомания, жинсий касалликлар бўйича профилактика ўтказиш” дастурини амалга оширишга киришди. Ушбу дастурга мувофиқ жамғарма саъй-ҳаракати билан ташкил этилган “Ишонч” телефони мунтазам ишлаб турибди. Бу телефонга мурожаат қилиб, ёшлар ҳам, ота-оналар ҳам ўзларини қизиқтирган “нозик савол”ларга жавоб олишлари мумкин. Саволларга тажрибали психолог, невропатолог, нарколог ҳамда ҳуқуқшунослар жавоб беришади.

Шунингдек, Ўзбекистон Болалар жамғармаси “Буни сен билишинг керак” мавзуйига оид бўлган “Қийин суҳбат”, “Хавфли кайф”, “Мен ифбатни танлайман” деб номланган буклетларни ишлаб чиқди ва ЮНИСЕФ ёрдамида нашр этди. Бу мавзулар бўйича жамғарманинг барча фаоллари республикамиз ёшлари ўртасида кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Хусусан, семинар ва тренинглар ўтказилмоқда, гиёҳвандликнинг фожиали оқибатини кўрсатувчи кинофильмлар намоёиш этилмоқда. Бундан ташқари, жамғарма фаоллари ёзги дам олиш мавсумида оромгоҳлар ва соғломлаштириш масканларида бўлишиб, тажрибали мутахассис ҳамда шифокорлар иштирокида қизиқарли суҳбатлар ўтказишмоқда, мазмунли учрашув-кечалар уюштирмоқда.

Ҳозирги кунда ишлаган, меҳнат қилган киши кам бўлмайди. Лекин аҳоли орасида ҳамон ишсизлик сабабли қийналаётган ўсмирлар талай. Шунини назарда тутиб, Ўзбекистон Болалар жамғармаси кам таъминланган, боқувчисини йўқотган болалар, ногирон болалар, ёлғиз аёллар учун кўшимча иш жойлари яратиш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Масалан, Андижон туманида Касб-ҳунар ўргатиш ва ишлаб чиқариш маркази ташкил этилди ва унга ҳомийлар томонидан икки қаватли бино ажратилиб, таъмирдан чиқарилди. Марказни асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга бевосита ЮНИСЕФ ташкилоти ёрдам берди. Марказда нон дўкони, пойафзал ва электрон аппаратларни таъмирлаш устахонаси, тикувчилик цехлари ишлаб турибди. Ишчиларнинг меҳнати учун қулай шарт-шароитлар яратилган: ёш болали оналарга мини-боғчалар очилган. Шундай корхона Марғилон шаҳрида ҳам ташкил этилди.

Болалар жамғармаси қаровчисиз қолган болаларга ёрдам бериш, уларни тарбиялаш, касбларга йўналтириш ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида “Кўча болалари” дастури бўйича ҳам изчил иш олиб бормоқда. Жамғарма қошида 2000 йилдан “Меҳр таянчи” экспериментал ҳуқуқни муҳофаза қилиш маркази фаолият кўрсатмоқда. У Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, шаҳар ИИБ ҳамда “Болаларни қутқаринг” фонди (Буюк Британия) билан ҳамкорликда тузилган дастур асосида қаровчисиз қолган болаларга меҳр-муруват кўрсатиш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширяпти. Дастурга кўра болаларга касб-ҳунар ўргатиш мақсадида тикиш-бичиш, этикдўзлик, дурадгорлик, сартарошлик тўғараклари ташкил этилган.

Хуллас, республикамизда ёш авлод камолотини ўйлаб амалга оширилаётган хайрли ишларда Ўзбекистон Болалар жамғармасининг ҳам ҳиссаси бор. Жамғарма “Соғлом авлод” халқаро хайрия жамғармаси ҳамда бошқа нодавлат ташкилотлар билан бирга болаларга ғамхўрлик қилиш борасида бундан кейин ҳам бор имкониятини ишга солади, яна кўплаб хайрли ишларни амалга оширади, деб умид қиламиз.



Раъно ЗАРИПОВА

МЕҲР-МУРУВВАТ — ЎЗБЕКОНА МАЪНАВИЯТДИР

“SOS — БОЛАЛАР МАҲАЛЛАСИ”

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, жаҳоннинг илғор тажрибалари ва бағри кенг халқимизнинг эзгу анъаналари асосида кўплаб хайрли ишлар амалга оширила бошланди. Пойтахтимизда “Ўзбекистон SOS—Болалар маҳаллалари” уюшмаси тузилгани ва гўзал гўша, меҳр маскани — Болалар маҳалласи бунёд этилгани бунини тасдиқловчи муҳим далиллардан биридир.

“Ўзбекистон SOS—Болалар маҳаллалари” уюшмасини ташкил этиш ва “Болалар маҳалласи” шаҳарчасининг лойиҳасини тайёрлаш ишлари 1997 йили бошланган эди. Шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташаббусни маъқуллади. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинди. Болалар маҳалласини бунёд этиш учун пойтахтнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳудудидан ер ажратилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди. “Оналар ва болалар” йили арафасида Болалар маҳалласи кўплаб етим болани ўз бағрига олди! 2001 йил июнида SOS—Болалар маҳалласининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. “Ўзбекистон SOS—Болалар маҳаллалари” уюшмасининг ташкил қилиниши, илк маҳалланинг қурилиб, фаолиятга киритилишида катта жонбозлик кўрсатган Татьяна Каримова мазкур уюшманинг фахрий президенти этиб сайланди.

“SOS — Болалар маҳалласи” — у қандай гўша? Унинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

“Болалар маҳалласи”нинг бош мақсади — етим болаларни қариндошлик меҳри ва оила ҳарорати муҳитида тарбиялашдир.

“Болалар маҳалласи”ни қуриш ташаббуси, аввало, “SOS — Киндердорф интернейшнл” халқаро жамияти фаолияти билан танишишдан бошланди. Бу ташкилот Австриянинг Инсбрук шаҳрида жойлашган. Уни 1949 йили саховатпеша Герман Гмайнер ташкил этган эди. Эндиликда бу ташкилотнинг жаҳондаги 130 дан ортиқ мамлакатда бўлимлари бор. Ҳозир “SOS — Болалар маҳаллалари” сони 400 дан ортиб кетган. Бугунги кунда болапарвар бу ташкилотни моддий таъминлаб, маънавий қўллаб-қувватлаб турадиган 6,5 миллион ҳомийси мавжуд.

“SOS — Киндердорф интернейшнл” ташкилоти “Болалар маҳалласи” қурилишини ҳамда уларни жиҳозлар билан мунтазам таъминлашни батамом ўз зиммасига олган. Болалар вояга етгунга қадар таълим-тарбия ва касб танлашга кетадиган барча маблағларни ўзи етказиб туради. Маҳаллада ишлайдиган ходимларнинг маоши, тиббий, ижтимоий суғурта, шартнома муддати тугагандан кейин пенсия билан таъминлаш ва тарбияланувчиларга ҳаёти давомида моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатишни амалга оширади.

“Болалар маҳаллалари” ташкил этилган ҳар бир мамлакат, шулар қатори бизнинг республикамиз ҳукумати ҳам ўз қарорлари билан маҳалла лойиҳаларининг ҳуқуқий ҳолати, ташкил этиш тартиблари, фаолияти, етим болалар, она-тарбиячилар ҳуқуқий ҳолатини аниқлайди. Республиканинг мутасадди раҳбарлари маҳалла учун ер майдонлари ажратиш, уларнинг чегараларига

йўл, энергия, коммуникация, телефон тармоқлари ўтказишда, қурилишга жалб этилган мутахассисларни визалар билан таъминлашда, солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар билан қўллаб-қувватлашда ёрдам бериб келмоқда.

“SOS — Болалар маҳалласи” пойтахтимизнинг энг сўлим гўшаларидан бирида жойлашган. Ҳозирча мамлакатимизда ягона бўлмиш бу маскан 14 та оилавий коттеждан иборат. Улар энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. Маҳаллада болаларнинг соғлом униб-ўсиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит мавжуд: болалар боғчаси, меҳмонхона, устахона, спорт майдончалари, энг замонавий алоқа тизими. Айни пайтда бу ерда махсус танлов асосида саралаб олинган 14 нафар тарбиячи ва 60 нафар бола истиқомат қилмоқда. Тарбиячилик учун танлов барча вилоятларда ўтказилди. Синовдан ўтганлар бола тарбияси бўйича махсус ўқув курсини битирди.

Болалар Соғлиқни сақлаш ҳамда Халқ таълими вазирликлари томонидан саралаб олинган. Танлов меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган, етти ёшга тўлмаган болалар орасида ўтказилди. Болаларнинг янги шароитга кўникишини осонлаштириш учун маҳалладаги ҳар бир рамзий оилага икки-уч нафардан бола жойлаштирилди. Кейинги икки-уч йил ичида уларнинг сони ўнтагача етказилади.

Бу ерда тарбия тўртта негизга: она, ака-укаю опа-сингил, оила ва маҳалла муҳитига асосланади. Болалар опа-сингил, опа-ука бўлиб, она раҳнамолигида бир уйда яшаб, худди ўзбек оилаларидек ўз-ўзини бошқарадилар. Оналари раҳбарлигида ўзларига зарур нарсаларни ўзлари харид қилишади, пишир-куйдир, супир-сидир — бари-барини ўзлари бажарадилар.

Севимли нарсаларга машаққат билан, яхшиликка эса ўзига сеvimли бўлган нарсаларни (бировга) сарф қилиш билан эришилади.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

Она дам олишга кетганида ёки кўча-кўйга чиққанида, “хола” штатига олинган тарбиячи унинг вазифасини бажариб, кичкинтойларга кўз-қулоқ бўлиб туради.

ШАРҚ ФАЛСАФАСИ

Саксон йиллик тарих ва тажрибага эга етимхоналар ҳозир ҳам бор. Фақат уларда болалар оила ҳароратисиз улғаядилар. 30-40 та болага битта тарбиячи қайда-ю, олти нафәр болага битта тарбиячи қайда. Бу ердаги энг муҳим фарқ — оила ва маҳалла муҳити мавжудлигидадир. Аслида, у бизнинг мамлакатимиз учун янгилик эмас. Буни “Халқлар дўстлиги” майдонидаги уруш йиллари етим болаларни ўз бағрига олиб, тарбиялаган меҳрмурувватли оилалар ҳурматига бунёд этилган ёдгорлик мажмуи ҳам яққол тасдиқлайди. Бу ҳақда “Ўзбекистон SOS — Болалар маҳаллалари” ташкилотининг директори Алишер Алиматов шундай дейди: “SOS — Киндердорф интернейшнл” халқаро жамиятидан келган меҳмонлар “Халқлар дўстлиги” майдонидаги ёдгорлик билан танишиш чоғида ҳайрат билан: “Аслида бу Шарқона ташаббус, ўзбекона маънавият экан-да” деб айтган сўзларини асло унутмайман.

Шарқ фалсафаси хазинаси сахийлик ва ахийлик дуру жавоҳирлари ила безанган. Кимки бир бутун нонининг

ярмини эҳтиёжманд кишига илинса, бу — сахийликдир. Кимнинг бор-йўғи яримта нони бўлса-ю, шунинг барини муҳтож одамга эҳсон этса, бу ахийликдир.

Сахийлик ҳам, ахийлик ҳам беғараз амалга оширилса, бергану олган баравар маънан бойиб, юксалиб бо-раверади.

Сахийлик ва ахийлик халқимизга хос гўзал фазилат бўлгани учун азал-азалдан шарқда етимхоналар бўлмаган. Сағирлар қариндош-уруғдан, маҳаллаю қишлоқдан ташқарида қолган эмас.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқи мана шу фазилатини ёрқин бир тарзда намойиш қилди. Меҳр-муҳаббатли халқимиз маънавиятининг ёғдуси билан гўдаклар бошига тушган мусибатли кунларнинг ғам-андухини бир оз бўлса-да қисқартиришга интилди. Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг умр йўлдоши Баҳри Акрамова 14 етим-есирни иссиқ бағирларига олишгани, каттақўрғонлик Ҳамид Самадов ва унинг хотини Санобар Самадова ўзларининг олти фарзанди қаторида турли миллатта мансуб 16 нафар болани тарбиялаб ўстиришгани алғов-далғовли даврда чинакам хайр-эҳсон, одамийлик ва эзгуликнинг ёрқин тимсоли эди. Уруш йиллари минг-минглаб оилалар ўзбекнинг одамийлик донғини оламаро яна бир марта намойиш қилган эдилар. Зеро ота-она, жигарлар, маҳалла-кўй — бу одамийлик қанотларидир.



Фарзандлар оилани мустаҳкамловчи ришталардир.

Япон мақоли

“Етим” сўзида бир олам мунг ва кемтиклик бўлса, “Она” сўзида бир олам нур, зиё ва куч-қудрат мавжуд. Она меҳри билан инсон вужудига баҳор шабадасидек майинлик ва илиқлик кириб келади. Она меҳрига зор бола! Гўдак ҳидига муштоқ аёл...

Донишмандлар айтганидек, меҳрнинг энг қудратлиси — она меҳри.

— Инсон одамлар орасида экан, у ҳамиша меҳр-муҳаббатга муштоқ. У меҳр кўргиси, меҳр кўрсатгиси келади, шу ниятда тўрт болани фарзандликка олдим. Уларга яхши ниятлар билан Кимё, Фарангиз, Аброр, Севинч деб исм қўйдик, — дейди тарбиячи-она Сайёрабону.

Иккинчи оила етакчиси Иродахон эса уч нафар фарзанди билан яшаяпти. Учаласини ҳам республика болалар диагностика марказида текширтирди. Врачлар Маҳлиё билан Темурни соғлом деб эътироф этишди. Кенжатойи — етти ойлик Мадина туғилганида сон суяги чиққан экан, ҳозир зарур муолажалар олиб уни даволатаяпти. “Қизчамни массажга олиб бориб ўзим ҳам ўрганиб олдим. Она бўлиш учун жуда кўп нарсани билиш керак экан”, — дейди Иродахон. У кенг мушоҳада ва билимга эга она бўлишни истайди. Шунинг учун унинг китоб жавони оила, оналик ва болаликка оид турли хил рисоалар билан тўла.

Халқимизда онангни кафтингда, синглингни бошингда тут, деган мақол бор. Бу бежиз эмас. Чунки, у онадек меҳрибон, ака-укаларига жонкуяр бўлади. Ака-ука, опа-сингил бу бағри бутунликнинг яна бир қудратли омили ҳисобланади. Беш бармоқ йиғилса, маҳкам мушт бўлади. Болалар бу ерда ана шу бирликни, қариндошлик ҳароратини топадилар. Ёлғиз, кемтик дилларнинг

бағри — бағрига, тақдири — тақдирига туташади. Оила ҳарорати вужудга келади. Бироқ ҳаётга йўлланма олганидан кейин болаларнинг турмуши қандай кечади, оиласини йўқотиб қўймайдими?

Болалар улғайишгач, ҳозирги кotteжга сифмайди, албатта. Лойиҳада бу ҳам кўзланган. Зеро, улар жуда кенг: қизлар, ўғил болалар ва онаю холалар учун алоҳида ётоқхоналар, кенг ошхонаю дарсхоналар, ҳовлию гўзал йўлаклар, ўйин майдончалари мавжуд. Болалар ўсиб-улғайиши билан маҳалла яна кенгаяди. Ўсмирлар ва нафақага чиққан тарбиячилар учун қўшимча уйлар бунёд этилади. Умуман, қурилиш мунтазам давом этиб туради.





ЗУЛФИЯ

ЎҒЛИМ, СИРА БЎЛМАЙДИ УРУШ

(Шеърдан парча)

...Мана, ўғлим лаби устида
Қалдирғочнинг майин қаноти.
Ўспириним тоза кўксида
Кунда ошар янги ҳис тоти...

Юрак тўла шодлик, меҳр, бахт,
Унинг кўзларига боқаман.
Нигоҳидай тиниқ ва ёрқин
Орзу тўлқинида оқаман...

Мен онаман, менинг юрагим
Фарзандларим қувончига кон.
Дил орзиқар, баъзан тилагим
Ваҳималар ўраган замон.

Бас, бас, эзгу оналар қалби
Яшай олсин беҳавф, бахт билан.
Меҳнатимиз, ғазаб, севгимиз
Тинчлик, дейди бутун халқ билан.

Кўкрак сути ва меҳнат билан
Биз жаҳонга берганмиз турмуш.
Она қалби оёққа турса,
Ўғлим, сира бўлмайди уруш!



бағри — бағрига, тақдири — тақдирига туташади. Оила ҳарорати вужудга келади. Бироқ ҳаётга йўлланма олганидан кейин болаларнинг турмуши қандай кечади, оиласини йўқотиб қўймайдими?

Болалар улғайишгач, ҳозирги коттежга сиғмайди, албатта. Лойиҳада бу ҳам кўзланган. Зеро, улар жуда кенг: қизлар, ўғил болалар ва онаю холалар учун алоҳида ётоқхоналар, кенг ошхонаю дарсхоналар, ҳовлию гўзал йўлаклар, ўйин майдончалари мавжуд. Болалар ўсиб-улғайиши билан маҳалла яна кенгаяди. Ўсмирлар ва нафақага чиққан тарбиячилар учун қўшимча уйлар бунёд этилади. Умуман, қурилиш мунтазам давом этиб туради.





ЗУЛФИЯ

ЎҒЛИМ, СИРА БЎЛМАЙДИ УРУШ

(Шеърдан парча)

...Мана, ўғлим лаби устида
Қалдирғочнинг майин қаноти.
Ўспириним тоза кўксида
Кунда ошар янги ҳис тоти...

Юрак тўла шодлик, меҳр, бахт,
Унинг кўзларига боқаман.
Нигоҳидай тиниқ ва ёрқин
Орзу тўлқинида оқаман...

Мен онаман, менинг юрагим
Фарзандларим қувончига кон.
Дил орзиқар, баъзан тилагим
Ваҳималар ўраган замон.

Бас, бас, эзгу оналар қалби
Яшай олсин бежавф, бахт билан.
Меҳнатимиз, ғазаб, севгимиз
Тинчлик, дейди бутун халқ билан.

Кўкрак сути ва меҳнат билан
Биз жаҳонга берганмиз турмуш.
Она қалби оёққа турса,
Ўғлим, сира бўлмайди уруш!





Саида ЗУННУНОВА

ҚИЗИМ НОДИРАГА

...Тун ярим, қушлар ҳам уйқуда ҳозир,
Сувлар ҳам тингандай... жимжит ҳамма ёқ.
Гўё шабада ҳам япроқда мудраб,
Қалбим алласига солади кулоқ.

Фақат мен уйғоқман ҳорғин, бахтиёр,
Хушбўй нафасингга тўймайман ҳидлаб.
Охир чидолмайман, уйқунгни бузиб,
Юзингга оҳиста тегизаман лаб.

Ана, сўнгги юлдуз хиралашди-ю,
Кўкда эриб кетди, тонг отди оппоқ.
Ойнага қарайман ҳолимдан кулиб,
Кўйлақларим ёғжим, сочларим паҳмоқ.

Аммо ўзим тетик, яхши посбондай
Мамнунман, қалбимда виқор тошади.
Шу элнинг кичкина гражданини
Сафга қўшмоқ учун кўнглим шошади.

Онаман, истайман, етук бўйини,
Ақлу идрокининг камолин кўрсам.
Кўнглида, кўзида, иши, сўзида
Инсон, деган номнинг жамолин кўрсам...





Ойдин ҲОЖИЕВА

БОТИР БОЛА

Довул ҳуркиб наърасидан,
Учуқ тошиб тоғу тошда,
Боботоғнинг дарасида
Арслон каби ўкраб-шошган
Ботир бола!

Ёвузликнинг пайин қирқиб,
Чўл белида дупурлаган,
Ҳайбатидан девлар ҳуркиб,
Қояларда гумбурлаган
Ботир бола!

Ботир бола, тулпорингнинг
Туёқлари тилло бўлсин!
Ўзбекистон тупроқлари
Сен ўтганда кимё бўлсин...





Шарифа САЛИМОВА

* * *

Бола бола экан, ором билмадим,
Шеър ёзаман десам, писанд қилмади.

Кулди тишчаларин кўрсатиб, қотиб,
Қоғоз-қаламимни тўрт ёнга отиб.

Тавалло қилсам-да, ўлтирмади жим,
Каптардек талпиниб менга бетиним,

Қушлар бозоридан келгандек шоша
Менга ўз тилида “шеър” айтди роса.

Илҳом париси ҳам ҳайратда қотди,
Ул ҳам бир чеккада хаёлга ботди.

Шўхлигу ғашлигин қилгач намоён,
Гўзал киприклари юмилиб шу он,

Бағримга бошини буркаб олди у,
Эрка кийикчадек ухлаб қолди у.

Мен ҳам хобхонага йўл олдим шошиб,
Энг гўзал шеъримни бағримга босиб.



Қутби НОСИРОВА

ҲУНАРНИНГ НОНИ ШИРИН

Оналар бир қўли билан бешиқни, бир қўли билан дунёни тебратадилар, деган гапда катта ҳикмат бор.

Бешиқ — гўдақнинг жажжи ватани. Ана шу ватан ичра улғаяди юртнинг ўғлонлари, қизлари. Бола борки, бешиқ бор. Бола борки, алла бор.

Бешиқда чақалоқ илк қўшиқни — она алласини эшитиб улғаяди. Эркаланиб, гувраниб, қуёшдек балқиб ётади бешиқда гўдақ. Осуда ухлайди. Бешиқ бола — бек бола, деганлари бежиз эмас. Чақалоқ уйғонгач, қорни тўқ бўлса, яйраб, қийқириб ётади бешиқда. Гоҳида жим бўлиб қолади. Ана шунда оҳиста келиб бир разм солинг-а. Болангиз бешиқдаги турли-туман рангларга ҳайрат билан боқиб турган бўлади.

Бешиқда бола эмизаётган онага ҳеч эътибор берганмисиз? Ҳоятда бахтли, нақадар хотиржам у, гўёки орзуларнинг пар қанотида сузиб юргандек. Она ва бола руҳан бир-бирита меҳри ийиб турган бетакрор дамлар бу.

Ўзбекнинг ҳар бир хонадониди бешиқ бор. У тўнғич фарзанддан мерос бўлиб ука-сингилларга ўтаверади. Илойим, ҳар бир хонадонни бешиқ зийнатлаб турсин, ҳар бир хонадонга “алла, болам”лаб бешиқ тўйлар кириб келсин.

Чорсудаги миллий ҳунармандлар растаси. 30-дўкон ёнида бир йигит ийманибгина турибди.

— Келинг, ўғлим, хизмат, — сўрайди Мирсоат ота.

— Бешик олмоқчи эдим, — ўнғайсизланади йигит.

— Фарзанд муборак бўлсин, ўғлим!

“Муборак бўлсин, муборак бўлсин”, деган сўзлар эшитилади атрофдан. Йигит янада ҳаяжонда.

— Ошна, ўғилми, қизми? — сўрайди бешиксоз.

— Ўғил, — бу сафар овози баландроқ чиқади йигитнинг.

— Мана шу бешикни олинг, ўғил сумагию туваги ҳам ичида...

Бешик кўтариб кетаётган йигитга ҳамма ҳавас билан қарайди. Илойим, бешик ясаганнинг ҳам, бешик ясаганнинг ҳам қўли дард кўрмасин.

Мана қирқ беш йилдирки, Мирсоат ота Комиловлар оиласи миллий ҳунармандчилик билан шуғулланиб келади ва бу соҳада ўзига хос мактаб яратган. Тошкент шаҳридаги миллий ҳунармандчилик бўйича ўтказилган кўрик-танловларда Комиловлар оиласи доимо биринчи ёхуд фахрли ўринларни эгаллаб, совринлар олган; Ўзбекистон телевидениеси ва ҳатто Россия телевидениеси кўрсатувларида ҳам бу хонадон соҳиблари ҳақида кўп бор ҳикоя қилинган.

Бешиксозлик ҳунари халқимизда азал-азалдан бор. Қадимий миллий ҳунармандчилигимизни янгилаб, бойитиб келаётган Мирсоат ота ва ўғли Алишер Комиловлар хизмати таҳсинга сазовор. Айниқса, хонадон бекаси Рихсихон опанинг бешик безаши ўзига хос бир санъат. Унинг қўлидан чиққан гаврапўшлар, бошпеч, кўлбоғ, оёқбоғларни кўриб кўз қувнайди, дил яйрайди. Ўғил ясаган бешик, она беаган бешик Тошкентдаги ҳар бир болали уйни зийнатлаб турибди, деса муболаға бўлмас.

— Ўғлим ота хунарини қўлга олди, — дейди қувониб Рихсихон опа, — ота хунарини эгаллаган фарзанд ҳеч қачон кам бўлмайди.

— Онажонимнинг қўллари гул, — фахрланиб сўзлайди Алишер. — Маҳалланинг ҳамма қизлари онамдан шу хунарни ўрганишди. Онажоним қўллари дард кўрмасин.

Мирсоат ота эса ўғлига бешиқсозлик сирларини ўргатишдан чарчамайди. Чунки оилавий хунармандчилик бу хонадонга ҳалол ризқ-насиба келтирмоқда.

* * *

Тошкентнинг Сузукота маҳалласида яшовчи Марзия опа ва Абдурашид Тўрахўжаевлар хонадони ҳам миллий хунармандчилик билан шуғулланишиб, бахтли ҳаёт кечираётган оилалардан биридир. Марзия опани ҳар кўрганимда, “яна тўй бошладингизми”, деб қўяман. Негаки, бу хонадонда ҳар йили тўй бўлади. Қиз узатиш, ўғил уйлантириш, бешиқ тўйи, суннат тўйи... Бу хонадонда бир ўғилни ҳарбийга кузатиб, иккинчисини кутиб олиш ҳам тўйга айланиб кетади. Олти ўғил, икки қизни вояга етказишнинг ўзи бўладими? Ҳа, бу уйда катталар иззатда, кичиклар хизматда. Оиланинг раҳнамоси — Асолатхон она. Саксонга кирган буви нақл, мақоллар хазинаси. “Хунар — хунардан унар”, “Хунари йўқ кишининг, мазаси йўқ ишининг”, “Бекорчидан худо безор”, “Хунардан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик”. Бу хонадонда ўсган ўғил-қизлар Асолатхон ойдан шу қуйма мақолларни эшитиб катта бўлишган. “Эшиқдан келган одамни кулиб кутиб ол, даданг ишдан келса, дарров қўлидан буюмини ол, келиши билан нохуш гапларни етказманглар, меҳмонга, хуш келибсиз, келиб туринг, деб мулозамат қилинглар”, дея таълим беради ая нэвараларига. Марзияхон опа ўзи қуда-

андали, келин-кеватли, бир неча невараларга буви бўлса ҳам қайнонасининг оғзига, раъйига қараб туради. Балки шунинг учун ҳам бола-чақасидан роҳат кўраётгандир. Ҳа, ўғилларнинг олтовлони ҳам ота касбини эгаллади. Абдурашид ота ўғилларига бобо мерос касб — ёғоч ўймакорлиги, хонтахта, эшик-ром ясашни ўргатди. Отанинг сеҳрли қўлларидан чиққан гулдор панжара, курсича, хонтахталар болаларни ҳам кичикликдан қизиқтириб қўйган эди.

“Хунарли бўлсанг, нонингни ҳалол қилиб ейсан”, — уқтиради Абдурашид ота ўғилларига. Марзия опа эса фарзандларининг илм-хунар эгаллашига шароит яратиб бериш учун куймангани-куйманган. “Мустақиллик туфайли кўкрагимизга шамол тегиб, эмин-эркин ишлай бошладик. Бир пайтлар ўз хунарингни намоён қилишга ҳам йўл йўқ эди”, дейди отахон. Мана энди авлодлар хунарини давом эттираётган фарзандларидан ота-она беҳад бахтиёр. Катта ўғил Абдуғани хонтахта, ёғоч каравот ясаса, Аброр гулдор панжара, Ақром эшик-ром, Аҳрор билан Акбар хунарнинг барчасини, кенжатой Асрор биллиардга кий ясашнинг машқини олишган.

“Энди невараларим Абдурасул, Дониёрлар ҳам болари касбини олиш учун шогирд тушишган”, — дейди Марзияхон опа. Болалари йиғилганда бу хонадон катта тўйхонага айланиб кетади. У ёқдан қизлари Мавлудахон, Умидахонлар келади болаларини етаклаб. Марзияхон ойи қизларига тикиш-бичиш хунарини ўргатган. Оилада меҳр-оқибат кучли. Доимо бир-бирларини йўқлаб туришади.

“Хунарнинг нони ширин, — дейди кенжатой Асрор, — ишлаб туриб чарчаганингда бир пиёла совуқ сув билан қотган нон ҳам мазали татийди”.

“Шу хунарнинг орқасидан тўйлар қилиямиз, орзу-ҳаваслар кўряпмиз, энг қувонарлиси, болаларим ҳалол

меҳнат қилиб, рўзгор тебратиш бахтини англаб етятилар. Баъзан кўча-кўйда, фалончининг ўғли қандайдир гуруҳда экан, ёки гиёҳванд экан, деган гапларни эшитиб қолсам, бола қандай қилиб шу ҳолга тушиб қолди, деб куйиниб кетаман”, — дейди Марзияхон опа.

“Бола эсини танидими, уни бирор фойдали ишга йўналтириб юбориш керак. Боласининг тақдирига томошабин бўлиб турган отанинг фожиаси умр бўйи қилган тоат-ибодатини ювиб кетади. Буни ёш ота-оналар яхши англаб олмоқлари даркор”, — дейди Абдурашид ота.

Фарзандларини миллий ҳунармандчилик касбига ўргатиб, миллий қадриятлар асосида тарбиялаб ўстирган Мирсоат ота ва Рихсихон опа Комиловлар ҳамда Марзия опа ва Абдурашид оталар оилалари кўпчилик ибрат олса арзийдиган бахтли ўзбек хонадонларидандир. Уларнинг эзгу ишлари “Она ва бола” Давлат дастурида тилга олинган вазифалар, хусусан ёшларни халқ амалий санъатига, ҳунармандчиликка қизиқтириш лозимлиги ҳақидаги фикрларга ҳамоҳанглиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.



ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ЛУҒАТИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган катта кўламдаги соғломлаштириш чора-тадбирлари туфайли замонавий даволаш ва профилактика усуллари, воситалари, тиббий ва ижтимоий муҳофаза билан боғлиқ тушунчалар нутқимизда кенг қўллана бошлади. Табиийки, соғлом авлодни вояга етказиш барчанинг фаол иштирокини тақозо этади. “Она ва бола” Давлат дастурида аҳолининг тиббий саводхонлигини кўтаришга алоҳида эътибор берилган. Шундан келиб чиқиб, сўнгги йилларда матбуот ва мулоқотларда тез-тез тилга олинаётган айрим атамалар луғати илова этиляпти.

Амбуланс — тез ёрдам машинаси, кўчма амбулатория, кўчма тиббий лаборатория.

Ангенатал давр — ҳомилянинг она қорнида ривожланиш даври.

Анемия — камқонлик, асосан овқат маҳсулотларида темир моддасининг етишмаслиги ёки унинг организм томонидан ўзлаштирилмаслиги туфайли келиб чиқади.

Акселерация — бола ривожланиши (ўсиши, вояга

етиши)нинг жадаллашуви; жисмоний жиҳатдан ҳам, ақлий жиҳатдан ҳам кузатилиши мумкин.

Антибиотик — дори-дармон тури, юқумли касалликларга қарши қўлланади.

Антропометрия — бўй ва вазни ўлчаш; болаларнинг соғлом ривожланишини кузатишда муҳим.

Атрофия — бола вазнининг нормадан кескин орқада қолиши билан ифодаланадиган касаллик.

Аудиметрия — эшитиш қобилияти ўткирлигини текшириш.

Галактоземия — ирсий касаллик; углеводлар алмашинувининг бузилиши натижасида қонда галактоза тўпланиши билан ифодаланади, ақлий ва жисмоний ривожланишнинг қолоқлиги, сариклик, жигар катталашуви, кўзга парда тушиши (катаракта) билан кечади.

Гельминтоз — гижжа касалликлари.

Гембфилия — қон тўхтамаслиги (қон йивиши жуда сустлиги билан тавсифланадиган касаллик).

Генофонд — аҳоли (миллат)га хос ирсий белгилар мажмуаси ҳамда унинг покизалиги.

Гестация — ҳомиланинг ривожланиши.

Гинекологик ёрдам — аёлларнинг жинсий аъзолари саломатлигини таъминлашга қаратилган тиббий ёрдам.

Гиперемия — тўлақонлик.

Гипертрофия — бола вазнининг меъёрига нисбатан ортиб кетиши.

Гипогалактия — эмизувчи аёлларда кўкрак сутининг етишмаслиги.

Гипотрофия — бола ривожланишида вазнининг меърдан орқада қолиши.

Даун касаллиги — мускуллар кучсизлиги, ўзига хос ташқи қиёфа, бармоқлар калталиги, ақл пастлиги каби белгилар билан тавсифланадиган тугма ирсий касаллик.

Декомпенсация — организмнинг касаллик ҳолатига чидамининг йўқолиши.

Диспансеризация — тиббий кўриқдан ўтказиш, кузатувга олиш.

Дюшен миопатияси — мушакларнинг кичрайиши, қувватсизланиши; беморда ҳаракатланиш имкониятининг аста-секин йўқолиши билан тавсифланадиган касаллик.

Ёш оила — никоҳ битимидан сўнг беш йиллик даврдagi оила.

Ёш она — ёшидан қатъи назар биринчи фарзанд кўрган аёл.

Иммунитет — организмнинг ёт моддалар, хусусан, касаллик қўзғатувчи микроблар (инфекция)дан ҳимояланиш қобилияти.

Интергенетик интервал — кетма-кет икки фарзанд туғилиши оралиғида ўтган муддат.

Инфантилизм — балоғат ёшидаги хотин-қизлар жинсий аъзоларининг етилмаганлиги.

Ирсий касалликлар — наслдан-наслга ўтадиган касалликлар. Кўпинча яширин ҳолатда бўлиб, бир неча авлоддан сўнг, айниқса, яқин қариндошлар орасидаги никоҳдан туғилган болаларда юзага чиқиши (фаоллашуви) мумкин.

Кефалгематома — боланинг туғилиши жараёни ҳаддан ташқари тез бўлганда унинг калла суяги остига қон куйилиб, шиш пайдо бўлиши.

Колпоскопия — ташхис қўйиш ёки профилактика мақсадида ёритувчи асбоб билан аёллар жинсий аъзосини тиббий текшириш усули.

Компенсация — организмнинг касаллик ҳолатига мослашуви, чидами.

Контрацептив — ҳомиладорликнинг олдини олиш учун қўлланадиган дори.

Контрацепция — ҳомиладорликнинг олдини олиш. Бунинг воситаси контрацептив дейилади.

Лактация — сут безларидан сут чиқиш жараёни.

Микоз — замбуруғ касаллиги.

Неонатал касалликлар — чақалоқлик даврига (1 ойликкача) хос бўлган касалликлар.

Неонаталогия — тиббиётнинг чақалоқлик даврини ўрганувчи соҳаси.

ОИТС (СПИД, AIDS) — одамнинг иммун тақчиллиги синдроми касаллиги.

Патология — меъёрдан ташқарига чиқиш, касалланиш, касаллик.

Патронаж — ғамхўрлик, ҳомийлик.

Перинатал давр — ҳомиланинг 28 ҳафталигидан бошлаб туғилгандан кейин 7 кунлигигача бўлган давр.

Рахит — болаларда D витамини етишмаслигидан келиб чиқадиган касаллик.

Рационал овқатланиш — кишиларнинг ёши, саломатлик ҳолати, фасл, меҳнат ва иқлим шароитлари каби омилларга мос ҳолда, организмни зарур моддалар билан тўлиқ таъминлашга қаратилган овқатланиш.

Реабилитация — тиклаш, асл ҳолига қайтариш. Масалан, саломатлик реабилитацияси, меҳнатга лаёқат реабилитацияси.

Репродуктив саломатлик — эркак ва аёлнинг соғлом насл

қолдириш қобилиятини таъминлашга қобил саломатлик даражаси.

Сепсис — бола туғилишида юқадиган касаллик.

Скрининг — муайян касаллик ва носоғлом ўзгаришларни бошланғич давридаёқ аниқлаш жараёни ва тизими. Ўзбекистонда махсус оналар ва болалар саломатлиги скрининг марказлари ташкил этилди.

Стерилизация — инфекциядан халос этиш.

Субкомпенсация — организмнинг касаллик ҳолатига чидамнинг пасайиши.

Тиббий-ирсий маслаҳатлар — даволаш-профилактика муассасаларида келин-куёв, эр-хотин ва уларнинг ота-оналарига наслдан наслга ўтиб келаётган касалликларни даволаш, уларнинг авлодга ўтиши мумкинлигини ҳисобга олиб турмуш қуриш, насли соғлом давом эттириш бўйича бериладиган тегишли маслаҳатлар ҳамда бу билан шуғулланувчи муассасалар.

Тиббий-ижтимоий патронаж — аҳолининг тиббий саломатлиги ва ижтимоий аҳво-

лини назоратга олиш ва зарур ҳолларда тегишли ёрдам кўрсатиш.

Туғма гипотиреоз — туғма касаллик; йод моддасининг етишмаслиги туфайли қалқонсимон без функциясининг пасайиши.

Фенилкетонурия (ФКУ) — модда алмашинувининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган ва сийдикда фенилкетон топилиши билан аниқланадиган туғма касаллик.

Фертил ёш — кишининг насл қолдиришга қобилияти бор ёши.

Чангак — мускулларнинг кучли тортилиши натижасида тана қисмларининг тиришиши.

Чилла яра — чақалоқларда чилла даврида пайдо бўладиган турли катталиқдаги тошмалар; вақтида даволанмаса, қўшилиб йириклашиб кетади.

Экстрагенитал касалликлар — ҳомиладорлик ва туғиш жараёни билан боғлиқ бўлмаган, жинсий аъзолардан бошқа аъзо ва системалар касалликлари.





МУНДАРИЖА

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ АРДОҒИДА

5

ОНАНИ ЭЪЗОЗЛАШ — КЕЛАЖАКНИ ЭЪЗОЗЛАШ

61

**МИЛЛИЙ ДУНЁҚАРАШ БОЛА ВУЖУДИГА
ОНА СУТИ БИЛАН КИРАДИ**

151





ФАРЗАНД — АЗИЗ, ОНА — МУЪТАБАР

“Ўзбекистон” нашриёти, Тошкент, 700129, Навоий, 30.

Нашр учун масъул: А. АЪЗАМОВ

Муҳаррир: К. БЎРОНОВ

Суратлар муаллифлари:

Ф. ҚУРБОНБОЕВ, А. ЖУМАЕВ, А. ТЎРАЕВ

Бадий муҳаррир: У. СОЛИҲОВ

Техник муҳаррир: Т. ХАРИТОНОВА

Мусахҳаҳлар: М. РАҲИМБЕКОВА, Г. АЗИЗОВА

Компьютерда тайёрловчи: Е. ГИЛЬМУТДИНОВА



Теришга берилди 14.05.2001. Босишга рухсат этилди 14.08.2001.
Қоғоз бичими $60 \times 90^{1/16}$. “Таймс” гарнитурда офсет босма усулида
босилди. Шартли босма т. 13,0+2,0 (вкл.). Нашр т. 9,46+2,0 (вкл.).
10000 нусхада чоп этилди. Буюртма № К-51. Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон” нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30.
Нашр № 127-2001.